

63.3

Зад

# ВАТАН ВА МИЛЛАТ МУКАДДАСДИР



63-515-77  
B-28

# ВАТАН ВА МИЛЛАТ МУҚАДДАСДИР



(МИЛЛИЙ УИҒОНИШ ДАВРИ ИЖОДКОРЛАРИНИҢ  
ЭЪТИРОФЛАРИ)



ТОШКЕНТ «МАҲНАВИЯТ» 2000

Ушбу мажмуа Республика «Шаҳидлар хотираси»  
хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда нашр  
этилмоқда

Халқимизнинг эрдоқлар шоини Абдулла Орипов илк шеърларидан бирини «Мен нечун севаман Узбекистонни?» деб номлазган эди. Дарҳақиқат, нега Ватанин севадилар? Нега уни нймон қадар юксак тутадилар? Чунки у онадек танҳодир, ягонаидир. Миллат тушунчи ҳам ҳамиша Ватан билан ёнма-ёндир, мисоли жисми гандир. Бирини бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳукмингизга ҳавола эти лаётган китоб жадид боболаримизнинг Ватзи, миллат, истиқолол, маърифат ҳақидаги фикрларидан ташланган ҳикматлар мажмундир. Уларнинг кўпчилиги китобхонларимиз учун янгилик.

**Тузувчилар: М. Исоқова, С. Аҳмедов, Ш. Ризаев,  
У. Долимов, У. Жўрақулов,  
Ж. Меликулов**

**Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори  
Наим Каримов**

B 28

Ватан ва миллат муқаддасдир: (Миллий уйғо-  
ниш даври ижодкорларининг эътирофлари) //Ту-  
зувчилар: М. Исоқова, С. Аҳмедов, Ш. Ризаев ва  
бошқ.; — Т.: «Маънавият», 2000. — 104 б.

1. М. Исоқова, тузувчи

ББК 63.3(5У) я48

Т 4702620204 — 16 11—00  
М 25(04) — 00

© «Маънавият», 2000

«Улуг бобокалонлари-  
миз руҳига, баширият  
тарихи ва маданияти  
хазинасига катта ҳис-  
сэ қўшган улуг аждод-  
ларимизга, улар қолдир-  
ган улкан мероега му-  
носиб булиш истаги жа-  
миятимиз аъзолари ора-  
сида кенг ёйилиши, ҳар  
бир фуқаронинг онгидан  
мустаҳкам жой оли-  
ши—бу ҳам янги замон-  
нинг мұхим хусусияти»

ИСЛОМ КАРИМОВ

## БИЗ НЕЧУН СЕВАМИЗ ЎЗБЕКИСТОНИ?

60-йилларнинг урталарида адабиётнизга эндиғини кириб келган Абдулла Орипов «Мен нечун севамақ Ўзбекиетонни?» деган саволни қўйган эдн. Дарҳақиқат, нега Ватанин севадилар? Нега уни иймон қадар юксак тутадилар? Нега барча гуноҳларни кечирниш мумкину Ватанга хиёнатни кечирниб бўлмайди?

Чунки у онадек танҳодир, ягонадир. Чунки у биң кўз очиб кўрган дунёмиздир. Биз вояга етгани маъводир. Тоғ-тошдан ер-сувгача, сабза-гиёҳидан довдараҳтигача умримизга жон қадар пайванд. Чунки у бизнинг ёшлигимиз, биз орттирган дўстлар, илк муҳаббатимиз, қувончларимиз, ташвишларимиз, баҳтлибахтисиз онларимиздир. Бу тупроқда бизни дунёга келтирган, ақлу маърифатимизни бугунги даражага олиб чиққан, шаъну шукуҳимизни дунёга намойиш этган ота-боболаримизнинг хоки поклари ётибди. Шунинг учун ҳам уни «қиблагоҳ», «саждагоҳ» атайдилар. «Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал», — дейди бугунги шонримиз Абдулла Орипов. «Ватан, ватан, дея жоним танимдан улса равон, манга на ғам келур?...» деб ёзган эди бундан 80 йил муқаддам Абдулла Авлоний. Таваллода эса шундай ташбеҳин учратамиз: «Бу ватандандур бадан». Инсон борки, ватан туйғуси бор.

Навоийни эслайсизми?

Аёнким, Ватан узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар токи имкони бор,

деб ёзган эди у.

Ўзоқроққа кўз ташлайлик. Юртимиз хоқонларидан бири хақида ривоят қилиладилар.

Душман хоқонни урушга тортиш учун баҳона изларди. Шу сабаб унинг севган отини сўради. От бир соатда минг фарсах йўл босарди. Хоқон қурултой чақирнибди, урушнинг даҳшатли оқибатларидан кура севган отидан ажралмоқни афзал билибди. Душман эса баҳона изларди. Шунинг учун бу гал уннинг севган ёрини талаб қилибди. Жами беклар, қўшин бошлиқ-

лари ларзага келишибди. Бизни йўлла! Рухсатингни тилаймиз, ҳукмдорим! — дебдишибди улар. Ҳоқон рухсат бермабди. «Мен юртими мұхаббатим учун қурбон қила олмайман!» — дебди ва бошига тушган мусибатга чирабди. Яна душман тарафдан элчилар келишибди. Бу гал улар мутлақо унумсиз, яйдоқ, қақроқ бир парчагина ерин сұрабдилар. Қурултой яроқсиз бир парча ерин бериш билан мамлакат бир нарса булиб қолмас-лигиниң айтган экан, энди хон ларзага келибди: «Ватан бизнининг мулкимиз эмас, мозорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар тугилладиган на биларимизнинг бу муқаддас тупроқда ҳақлари бор. Ватандан — бир қарич бўлсин — бермоққа ҳеч бир кишининг ҳаққи йўқдир. Энди урушамиз. Менинг орқамдан олга, бўйин товлаганларга үлим!» — дебди ва шердек душманга ташланибди.

Кўҳна тарих қатларидан бундай эътирофларни кўплаб топиш мумкин.

Ватанин севмоқ ундан шунчаки қувонмоқ, гурурланмоқ эмас. Уни дил-дилдан англамоқ, у билан нафа олмоқ, у билан яшамоқдир. Уни яшиатмоқ, обод этмоқ, у учун курашмоқдир. Афсуски, ўтган асрнинг 60-йилларида Ватан билан бирга Ватан мұхаббати ҳам биздан тортиб олинган эди. Сунг кейинги 70 йил давомида пояма-поя сундириб келинди. Миллат, ватан тушунчалари коммунистик мағкурага мослаб чиқилди. «Биз — совет ҳалқимиз», «СССР — бизнинг ватанимиз» деган тушунча онгларга сингдирилди. Бугун социализм йиқилиб, у билан боғлиқ тушунчалар тумандек тарқала бошлагач, яна ҳамма нарса асл ҳолида намоён була бошлади...

Бизнинг ватанимиз кўп минг йиллик тарихга эга булган, жаҳон маданиятининг чорраҳасида келган, уни лаб илм-фан доҳийлари билан башарият тафаккурини ёритган, жаҳонгир саркардалари билан олам харитасига неча бор туб ўзгартишлар киритган табаррук Туркистон (Ўзбекистон) эканлигини бугун дадил айтмоқдамиз.

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шонронга гўзал сузлардан олдин  
Мен таъзим қиласман она ҳалқимга, —

деб ёзади Абдулла Орнпов.

Дарҳақиқат, миллат (ҳалқ) тушунчаси ҳамиша

Ватан билан ёнма-ёндир, мисоли жисму жондир. Бирини бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллатимизнинг эса улмай-йитмай, йўқолмай-юти-  
май асрлар оша барҳаёт келишини таъмин этган, бугу  
ҳар биримизнинг томиримизда қайноқ қон бўлиб оқи-  
турган бетимсол анъаналари бор. «Ота-боболарим»  
— асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни  
узбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаш  
баркамол авлодларни вояга етказдилар, — деган эди.  
Президентимиз Ислом Абдуганиевич. — Бундай фа-  
зилатлар асл ётиборга кура бизнинг заҳматкаш ҳад-  
қимизга муносибdir ва бу билан ҳар қанча ғурурлав-  
сак арзиди».

Тарихимизнинг миллий уйғониш даври деб аталга-  
1865—1929 йилларда Ватан ва миллатни англаш, мус-  
тақиллик учун курашиш энг муҳим масалалардан бў-  
либ турган эди. Хусусан, жадидлар номи билан тарих-  
га кирган фидойи оталаримиз бу борада катта ши-  
жоат кўрсатдилар. Замон айланиб, XX асрнинг сўнги-  
да мустақилликнинг долзарб масалалари яна ку-  
тартибига қўйилди.

Бугун биз жаҳон тараққиётидаги ўз ўрнимизни, ўз  
йўлнимизни изламоқдамиз. Бу йўл, табиийки, инсоният-  
нинг ақлу тажрибасига зид эмас, балки ўшандан ке-  
либ чиқиб танланган йўлдир, лекин Узбекистон йўли-  
дир.

Дарвоқе, бундан роса юз йил муқаддам, 1895 йил-  
да Европа доялик қилган капитализми ҳам, социа-  
лизмни ҳам атрофлича таҳлил қилиб, ҳар иккисини  
баравар рад этган ва учинчи бир йўлни тавсия қилган  
буюк тараққийпарвар И smoилбек Гаспрали шундай  
ёзган эди:

«Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улур  
ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз,  
лекин хатоларини тақрорламаймиз. Мактабларини,  
университетларнни бизлар ҳам қурамиз. Аммо ақл-  
ларимизни қанча ёрнисак, юракларимизни шунча  
«ҳаққоният» билан тўлдирмоққа ҳаракат қиласиз.  
Овруподаги нимани курсак, ёш боладек кутарниб чоп-  
маймиз. Эсли-хушли инсонлардек «Бу нимадир?»  
«Оқибати нима булади?», «Виждан ва ҳаққониятга уи-  
гуни?» дей ақл тарозисига тортиб оламиз. Оврупо  
маданияти мулоҳазасиз қабул қилинавериш мумкин  
бўлган бир нарса бўлса эди, бу маданиятга Оврупо-  
нинг ўз вориси душман бўлмас эди.

Яна бир тақрорлайман: янги фанларини, кашфиёт-  
ларини ва ижодларини, фойдали хизматларини инкор-  
этмайман. Лекин ислом оламининг ислоҳот ва тарақ-  
қиётга эҳтиёжи бўлган бир пайтда ҳеч бир мулоҳаза  
қилиб қўрмасдан, Оврупога тақлид этишини ақлдан  
хисобламайман».

Азиҳ китобхон! Эътиборингизга XX аср бошнда  
яшаб ўтган фидойи оталаримизнинг Ватан ва миллат  
ташибиши билан боғлиқ ўйларини ҳавола этмоқдамиз.  
Лоқайл бўлмай, фикрларига қулоқ солинг. Улар бу-  
гунги кунлар орзуси билан яшаган ва шу йўлда  
умрларини фидо этган эдилар. Зотан, «Халқимиз фа-  
қат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор.  
Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олниму  
зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир».

## ВАТАНИ СЕВМОҚ НИМОНДАПДИР

Ватан ва аҳли диёрининг қадри мусофиrotда маълум булур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлғунча айрилмасга керакдур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ўтар кунлар, ўтар замон,  
Эй, Ватаним, бўлма ҳижрон!  
Мен кетсан-да, сен бўл омон!  
Омон — Ватан, Ватан — омон!

*Абдулла Авлоний*

Мозний — ҳақиқатнинг тарозисидур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ватанинг севмоқ, менингча, унинг маорифи учун қайгурмоқ, унга срдам этмоқдир!

*Исмоилбек Гаспрали*

Қабиласининг исмни ва етти отасининг отини билмайдурғонларни «қул» — «марқуқ» дерлар.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ватанимизга ва ўз динимизга хизмат этайлук. Мусулмон булиб тараққийлашайлук.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Бизлар улимдан қўрқмаймиз. Балки ҳақ йулида ўлмакни ўзимиз учун бир шараф деб биламиз.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Вуфури сарвату жоҳ ила масрур ўлмазам ҳаргиз,  
Банго парвонатек жон вермадан ҳифзи ватан матлуб  
Жароҳатига малҳам истаян ҳозиқ табиб излар.  
Магар бу жустижудин нуҳми ислоҳи бадан матлуб.  
Оёқ остида искоҳ айламак беорлиқ. Ажзий,  
Үким бу ҳола бош қолдурмаз, этмишдур кафанд  
матлуб.

*Сиддиқий Ажзий*

Бү гулшан саҳнида гул яфроғи ранги гумон этманг,  
Кизормиш хуни ноҳақ рангидан хоки ватандур—бу.  
Диликлардур сұқоқу расталар гардун харошидан,  
Тазаллум новакидан йуқса чок ўлмиш бадандур—бу.

Сариқлар соҳибин күрдүкча қувватлатма уммидинг,  
Тамаддун, маърифат, ирфон йўлида роҳзандур—бу.  
Жилойн зоҳири дорулғууниниг ўлма мафтуни,  
Тагобун сұни таъсири илан дорул миҳандур—бу.  
Кесилемиш миллати исломи дасти саъий, эй Ажзий,  
Фалокат мазҳари ўлмоқ недандур бу, недандур бу!

*C. Ажзий*

Ҳар бир кишининг туғулуб ўсан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким тугилган, ўсан ерини жонидан ортиқ суръ. Ҳатто бу ватан ҳисси туйгуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маншати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

Биз, туркистонлилар, ўз ватанимизни жонимиздан ортуқ сүйдигимиз каби араблар Арабистонларини, қумлик, иссиг чулларини, эскимулар Шимол тарафларини, энг совуқ, қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда сурълар. Агар сўймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртнинг чўпон бўл», — демишлар.

*A. Авлоний*

Туркистон эски дунёнинг Америкасидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса ҳар нимарса бор. Туркистон олтундур.

*M. Беҳбудий*

Титилиб ўқилмас бўлганда тарихинг,  
Ҳасрат-ла оламга тўлганда тарихинг,  
Ҳазоннинг баргидай сўлганда тарихинг,  
Қўзимнинг нурини аямай ўқидим.

*Чўлпон*

Ватан надир, туққан ерим, турғон ерим,  
Ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юргон ерим.  
Ватан менга ҳақиқатда қўндоқ каби,

Тарбияннинг негизини қурғон Әрим,  
От-әшакда ўрдан-қирдан бүгдой ташиб,  
Иссиқ ерда ўнгайсизлик күргөн ерим.  
Қайда бұлсам, қайда турсам, қайда юрсам,  
Мангу ўйнар күзда жавлон урғон ерим.  
Жоним Ватан, таним Ватан, күзим Ватан,  
Эсдан чиқар они күргоч, күргоч ерим.  
Жоним бирлан, таним бирлан нега сүймай,  
Роҳат яшаб, соглом яшаб юрғон ерим.  
Чет шаҳарнинг гулзоридан қўзга яхши,  
Ўроқ бирла хору хасни ўргон ерим.  
Сидқий, мени меҳнатикн гарчанд эзар,  
Қайда борай, давру даврон сурғон ерим.

### Сидқий Ҳондайлиқи:

Яшанг, иттифоқ ила бир тан бўлуб,  
Ҳама шодмон, мисли гулшан бўлуб.  
Ҳама одам ўғли бир аъзо эрур,  
Ки, хилқатда абири дурри танҳо эрур.

### Сидқий Ҳондайлиқи

Ражоки, камчилик кам-кам бўлур тараққиёт,  
Ражоки, баъзи ғалатлар топар ҳам ислоҳот,  
Қувон-қувон, зулумот ичра бор ол ҳаёт,  
Биза башорати хушдур ўқуш ушбу абёт,  
Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,  
Үён Ватан, үён; ортиқ кўринди субҳи најот.

Ватан муҳофазасин айлаюр ҳар имонлиқ.  
Бу сўзға мундариж инсонлиқ мусулмонлиқ,  
Ки, мард одама лойиқ деманг ҳаросонлиқ,  
Чу ҳар қийин иши сўнгида бор осонлиқ,  
Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,  
Үён Ватан, үён, ортиқ кўринди субҳи најот.

### Камий

Биз қачон аҳли ватанлар, иттифоқ айлошамиз?!  
Тарқ этиб бизлар хусумат, яхшилик ўйлошамиз?!  
Болта чопуб биз юрусак ўз аёқға, дустлар,  
Бир кун ўлғай, бир-биримиз отимиз чайношамиз.  
Иттифоқда тарғиб айла бу ватан авлодини,  
Бўлмаса бир кун Тавалло, суд йўқ, йиғлошамиз.

### Тавалло

Мовароуннахрдур тарихда бизларга ватан,  
Арзигай бизлар сенга хизматда бўлсак жону тан.  
Эй ватан, эзгу ватан, авф аила, қадринг билмадук.  
Эмди билдук, бош кўтардук кўрки, бизлар уйқудаи.  
Белни боғлаб хизмат айлаб, мақсадингни боғида  
Биз юлуб ташлаб туармиз, ҳеч ундумрай тикан.

Бог аро миллат боласи сайрасун булбул каби,  
Тез хижолатдин жұнасун, анда қолмасдні заган.  
Кеч гуноҳини Таваллони, ватан, эзгу ватан,  
Билди аслинг, қилди васфинг, бу ватаандандур бадан.

### Тавалло

Ватан ҳолиндан ўтру кўзларим сақғинда қон оғлар,  
На ёлғиз кўзларим, мажруҳ ўлан жисмимда жон  
оғлар.

Езүқ олий ватан ўксиз каби бир ҳола душмушким,  
Агар таҳрир эдарсан, ҳоман мұъжиз баён оғлар.

Шариф ўлмас у масканки, шариф ўлмас эса сокин,  
У танбалларки вор устинда ясьниндан макон оғлар.

### Сүфизода

Сенинг исмнинг бу дунёда муқаддасдир.  
Ҳар ким сенинг қадринг билмас — ақли пастдир.  
Сенинг туғынг юракларга савдо солур,  
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.

### A. Авлоний

Эй жаҳла, хоби гамга талабгор ўлан Ватан!  
Борми санингча бекасу беёр ўлан Ватан!  
Саъйу жадалга мункиру инкор ўлан Ватан!  
Авлоди барча ишсизу бекор ўлан Ватан!  
Хою ҳавасга мунису гамхор ўлан Ватан!  
Уз аҳлиднин зериккан ва безор ўлан Ватан!

### A. Авлоний

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,  
Банго нағам қолур, авлоғима ўю ватаним,  
Губора дүнса таним, йўқ вужудн зери ваҳм,  
Чароки, ўз ватаним хокидир гўри кафаним.  
Туғуб ўсон ерим ушбу ватан, вужудим хок,  
Ўлурса, аслина рожеъ ўлурми ман ғамнок?!

### A. Авлоний

Аё, эй соҳиби урфон! Ватан бодинда фарёд эт!  
Отиб ташла ародин эски одатларни, барбод эт!  
Маориф-ла фунун таҳсилина қил раҳнамолиғ саъ  
Қоронғуда қолан миллатни нури илма иршод эт!  
Жаҳолат, зулмат ичра қолди авлоди Ватан магму  
Назар қил, марҳамат қил, жаҳл чанголидин озод эт!

А. Авалонид

Яхши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон,  
Истиқболин ушотган, оғиятсиз Туркистон,  
Уз жисемига ўқ отган, ҳамиятсиз Туркистон,  
Зиллат лойига ботган, эй ғайратсиз Туркистон!  
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмаз,  
Руҳсиз тандур, ханижар урса, қони

сочулмаз.

Маърифатдан ҳар миллат солди турфа гулистон,  
Жаҳолатдан қутқазуб қилди донишни бустон,  
Илм ўлгач мусаххар олам ўлди сайдистон,  
Маърифатсиз Туркистон қолди бўлуб жаҳлистоң  
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмаз,  
Руҳсиз тандур, ханижар урса, қони

сочулмаз.

Бу ҳол ила Туркистон нечук тараққий олсун,  
Маърифатдан асар йўқ, жаҳлу ваҳшат йўқолсун,  
Фисқу ниғоқ — ишимиз, миллат қандай яшолсун,  
Шундоқ қолса Туркистон, Торкистон атолсун!  
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмаз,  
Руҳсиз тандур, ханижар урса, қони

сочулмаз.

Эсиз, эсиз Туркистон, қани аввалги ҳоли?  
Оламга зиё берган ул хуршиди иқболи?  
Абри гафлат қуршади, тун бўлди истиқболи,  
Хор бўлса миллатимиз, тутмасмукин уволи.  
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмаз,  
Руҳсиз тандур, ханижар урса, қони

сочулмаз.

Ҳамза

Ватан, ватан дер эдилар, на дер эрдим билмай ани,  
Энди билсан, Ватан эркон бу танларинг ширин  
жони

**Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,  
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!**

**Сенсан экансан бизларга чин туғмиш бир мунглиқ  
ано,  
Боқгунг тирик бўлсак, агар улсок қучогингда яно.**

**Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,  
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!**

**Билувчилар қўл тутмади, бизга сани тонутмади,  
Билмам неларга алдануб, тангрн буйруқин тутмади.**

**Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,  
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!**

**Билимсизлар англашмади, оҳувойнинг тинглашмади,  
Билгувчилар бурчи экан ўнгайламоқ, ўнглашмади.**

**Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,  
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!**

**Ниҳон йиглаб қон ютунур, кечмоглигинги утунур,  
Мундин буён ўғлонларнинг чандон тонурга тутунур.**

**Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,  
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!**

### **Ҳамза**

**Ватан — у менинг жону таним, сајдагоҳимдур.  
У менинг тўлни ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шара-  
фим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур.**

### **Фитраг**

**Устимга илонлар эмас, шайтонлар қўшини келса,  
оғимга занжирлар эмас, жаханнам илонлари сорилса,  
яна сен сари чопаман. Дунёнинг бутун балолари бо-  
шимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўз-  
ларимга кирса, яна сени қутқараман.**

**Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман,  
сенниг учун ўлурман!**

**Улим сенинг ўлимнинг истаганларга, нафрат сени  
кўмгани келганларга!!**

### **Фитраг**

Тұхта, малагым, сени мен күраи,  
Шарқ гулларнга саломлар сүйлай,  
Күмак истайлар.  
Уч энді сен ҳам — Шарқ учун уйла,  
Күпининг күнглини — бирғина сұраб,  
Шарқ учун ииғла!

Фитрат

Гузал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони!  
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсен?  
Тувғоннингга нечун сира ғапнрмасдан турибсен?  
Сүйла юлдуз, ҳолинг надир? Нечук топдинг дүнёни?  
Бизнинг ерда бұлнб турғон тубанлыклар, хұрлыклар?  
Сүйла юлдуз, сенинг даҳа құчоғингда бұлурми?  
Борми сенда бизим каби инсонлар,  
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.  
Ұртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,  
Қардош этин түймай еган қоплонлар?  
Борми сенда үксуз, йұқсиленнинг қонин  
Гурунглашиб чоғир каби ичганлар?  
Борми сенда бутун дунә түзугин  
Үз қопчиғин тұлдирғани бузғанлар?  
Борми сенда бир үлкани ёндириб,  
Үз қозонин қайнатғувчи хоқонлар?  
Борми сенда қорни, қурсоқ йұлида  
Элин, юртн, борин-йұгин сотғанлар?

Фитрат

Бироқ бугун, әсизларким, бу үлка  
Хар томондан таланмишdir йұлсизча.  
Маданият деган Farbli олбости,  
Боқинг, бунинг күкрагидан ўқ босди.

Фитрат

Хокимият Ватан ва миллат вужуди билан боғлік-  
дур. Агар миллат маҳв этилиб, ватан хароб булса,  
на биз ҳоким бұламиз, на подшох.

Фитрат

Эллік йилдан бері әзилдік, таққыр этилдік, құ-  
лимиз bogланди, тилемиз кесилди. Оғзимиз қопланди.  
Еримиз босилди. Молимиз таланди. Шарағымиз емү-  
руди. Номусимиз ғасб қилинди. Инсонлигимиз оғлар  
остиға олинди. Тұзимлн турдик, сабр этдік. Күчга  
таянған ҳар буйруғға бүйсундук. Елғуз бир фикрни

бермадук, ёшунтурдук, имонларнмызға үраб сақладук.  
Бу — Туркистан мухторияти!  
Маҳкама әшиқларндан йиғлаб қайтгана, өруқсиз  
турмаларда ётгана, йирттүч жандарманнинг тепкүсн-  
билан пиқилғонда, юртларның әндурулғонда, диндош-  
ларимиз дорға осилғонда онгимиз йұқолди. Миямнз  
бузулди. Күзимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсани кү-  
ролмадук. Шул қоғда түшкүн руҳимизни күтармак  
учун шул қоп-қоронғу дүнёниң үзөқ бир ерида ойдін  
бір юлдуз ялқыллаб турар эди.  
Бирор нарсага үтмаган күзимиз шуни күрар эди.  
Ул нима эди? — Туркистан мухторияты!

Фитрат

Туркистондир — шонимиз, туронли — унвонимиз,  
Ватан — бизим жонимиз, фидо үлсун қонимиз!

Чүлпон

Ер юзинде узға бир олам әрүр бизнинг ватан,  
Бошқа ҳар бир үлкадан кенг, ҳар диәрдан каттакон.  
Бу ватанни жон билан сақлашга, Чүлпон, ҳозир үл,  
Қимки қасд қылса анга, кийсин пушаймондин кафанды!

Чүлпон

Гузал Туркистан, сенға не бұлди?  
Сақар вақтида гулларнинг сұлди.  
Чаманлар барбод, құшлар ҳам фарәд,  
Ҳаммаси маҳзун, бұлмасми дил шод?  
Билмам, на учун құшлар учмас боқчаларнингда?

Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,  
Үмидимизнинг сүнмас чироги.  
Бирлаш, эй халқым, келгандир чоғи,  
Безансин әнди Туркистан болғи.

Құзғол, халқым, етар шунча жабру жафолар.

Ол байробингни, қалбинг уйғонсин,  
Күллик, асорат — барчаси ёнсин.  
Құр янги давлат, ёвлар уртансин,  
Ұсиб Туркистан, қаддин күтарсан!

Яйрат, яшнат үз Ватанинг гул боғларніңда.

Чүлпон

Фидойн халқым үлсун танда жоним,  
Бұлуб қурбон анга руҳи равоним.

Гар үлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Будур маңсуди қалби нотавоним.

Мани солса фано йўлига даврон,  
Юрур устимдин авлоди замоним.

Умидим: яшасин мактаб боласи,  
Алар ҳар бири бир шери жаёним.

На яхши ўйлаким, маъқулу манзур,  
Аваз халқим учун тўкулса қоним.

### Аваз Утар

Оқило, фикр айлағил, на ишлаюр аҳли ватан,  
Қайси фосиқ, қайси жоҳил, қайсиси бўлди чапан!

Қилдилар бир-бирға душманликни ҳар вақт бешиб,  
Бир-бирини айбин очмоқға киришдилар бажо.

Ер сотарлар элда ича тўй бажо этмак учун,  
Чунки бидъатни йўлида ҳам фидодур жону тан.

Пулни кўб исроф этармиз, бизға тўғри келмагай.  
Тўлибон тошти бу вақтда ақчалардин рестурان.

Занлари соҳиб жамолу ҳам сатанг деб ўйлама,  
Еб-ичиб жир битмаган андоғ сигири белабон.

Қизларинг бўйнида куруб зебигардон ҳам тумор,  
Ўйламангиз олимга деб жумласи нафъсиз, зиян.

Тушса пул қўлига гар, соатча тўхтаб турмагай,  
Чунки иодонни қўлида мушти туфроқдур суман.

Қодирий, наздингиза ўз ҳасратидан сўйлади,  
Айб этуб қилманг ҳақорат, муҳтарам аҳли ватан.

A. Қодирий

Гузалдир юксалиш — юксалиб кетиш,  
Душманлар кўнглини паришон этиш.

Тусқинлар бағрини парчалаб, әзиб,  
Тилакнинг арзига гуриллаб стини.

*Боту*

Кўклам ойнинг ипак кўйлак этаклари судралиб,  
Қаро ерининг бошларини силаб-силаб келадир.  
У силашдан, у силашдан қувват олиб, куч олпб,  
Қаро ер ҳам кўксидаги олтинларни берадир.  
Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди.

*Боту*

Қардошларим, мана, сизга бир ўлка —  
Ким, топилмас ер юзида сингари.  
Ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмоҳлар,  
Жон сувидан етишгандир гуллари...  
Оғочлари яшил кийимлар кийган,  
Терилишар топнинголи тангрига.

Оғир, юксак, кўркам, ҳайбатли тоғлар  
Ўнгдан,  
Сўлдан,  
Ҳар ёндан  
Ҳақ йўлида урушгувчи аскардек  
Ясов тортиб кўкрак кериб, юксалган,  
Кукдан дағи ўз ҳаққини истардек.  
Денгизлардан қанот очиб табнат  
Қучоқламиш бу севгили ёвдусин.  
Тангри дағи муздан, сувдан ҳам тоғдан.  
Қуршатмншдир қўргон қилиб теграсин —  
Ким, ёввойи бир ҳайвон  
Суқуб қолмасун мунга  
Ииртқич тишин-тириогин.


*Фитрат*

Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзунгда  
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин уқудим.  
Ўйлашингда, турушингда ҳамда ўзунгда  
Бу юрт учун қутулишнинг борлигин кўрдим.

*Фитрат*

Чин севиш ва ҳақиқий ишқнинг туб ери Шарқдир.

*Фитрат*



Юртнин севганлар уннинг тош-тупроқларини эмас, гўзаллик, яхшиликларини севарлар. Улус йўлида жоң берганлар уннинг соқоли, чопони учун эмас, ортиқлиғи, фазилати, тарихи учун ўларлар.

### Фитраг

... Ҳар кимниңг ризқи ўлса, ватандан саъд эрур,  
Ушбу жаҳонда жанинату ризвон эрур ватан.  
... Ҳар қанча жавр этса ваған ранж чекмазам,  
Зероки, жаврн боисн ирфон эрур ватан.  
Тенг айласам ватанин гулистонга тонг эмас,  
Васлий кўзига меҳри дурахшон эрур ватан.

### Васлий

### УИГОН МИЛЛАТ!

Миллатнинг иккни асоси бор: тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиши учун шулардан биттасининг бузилиши кифоя.

И. Гаспрали

Агар биз муайян тарихий шаронтлар туфайли бошқа халқлардан орқада қолган эканмиз, бу ҳали миллий маданий инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада каттароқ ғайрат билан интилишга мажбур этади... Буни биёдан халқимизнинг тарихи, тақдири талаб этади. Улуғ вазифалар ва улуғ интилишлардан қурқманг! Улар улуг воқеаларни тайёрлайди ва улуг шахсларни етказади.

И. Гаспрали

Шунча шаҳарлар бунёд этган, фан ва маданиятнинг доҳийларини, ҳарбу зарбнинг оламжаҳон валломатларини дунёга берган бу миллат наҳотки сувга тушгани тошдек зин-зиё кетса?

И. Гаспрали

«Сарватли миллатлар миллятларини йўқотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айланурднлар па бу соҳада бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошлидилар».

Авлоний

«Ҳар бир миллатни(иг) тараққий ва таолийси ўз миллатига жон, мол, қалам или ишлаган кишиларнинг хизматларини тақдир қилуб, вазифалар, ҳайкаллар, қаламлар или ёд қилуб, ўтуб кетган баҳодир, олим ва шонирларни(иг) руҳларини шод қилуб, ишловчи кишиларнинг ғайрат ва жасоратларини зиёда қилмакда экан».

Авлони-ї

«Тараққий этган миллатлар оналари үқутар эка  
биз аввал онамизни үқутуб, анга тил ўргатмоқими,  
керак. Чунки бизни илм на тиисизлигимиз алардаң  
дур».

«Хар миллатнинг уламоси, аҳли қалами, мутафақ  
кири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур.  
Хар миллатнинг уламоси, аҳли қалами миллат учун  
сўйлар, ёзар ва хавонижи миллия ва замонийани ўз  
миллати мансубасиға билдирар».

«Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи мил-  
латга кўшиш қилинмаса, рубъи аср сўнгра диёна  
барбод бўлур ва аниг жавоби масъулияти бугунги  
ларга қолур».

«Дунёда турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозим-  
дур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқи  
миллатларга поймол бўлур».

«Биз мусулмонмиз. Мусулмонликга илм лозим,  
амал лозим. Ўқумоқ керак».

Кўзғолингиз, эй уртоқлар, келди бизга ишлаш чоғи,  
Биз барчамиз ёш ишчимиз, ишхонамиз мактаб боғи.  
Туринг, тезроқ иш бошлайлик,  
Ялқовликни биз ташлайлик.

Танбалликдир бизга душман, ишламоқнинг замонидир  
Тиниб турмас «ёшман» деган, иш инсоннинг бир

жонидир

Тирник бўлсанг, қўзғол, уртоқ.  
Қўлга ишни тез ол, уртоқ.

Жаннат каби гўзал юрting ийғлаб сендан иш кутадир.  
Сенда кургач ишсиэлнкни, ҳасрат чекиб, қон ютадир.

Тур ўрнингдан, оч кўзингни,  
Айт ёвингга сўнг сўзингни.

Евинг кимдир, биласаними? Нодонликдир, ялқовликдир.  
Евга қарши курашмаслик қўрқоқликдир, анқовликдир

Иш қиличин тур, қўлга ол,  
Евга қарши чиндан қузгол.

Мунаввар қори Абдурашидхонов

Миллат, ватан, маданият... шунга ўхшаш сўзларни  
билим билан зиёли бўлмайдир.

Мунаввар қори Абдурашидхонов

Бу замондан юз йилдан зиёдроқ муқаддам замондан  
бошлаб оҳиста-оҳиста миллат деворларининг ҳар та-  
рафида раҳна пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва  
умароларимизни(нг) ўз нафслари риоясида ҳаракат  
қилимоқлари бўлди. Подиоҳ ва хонларимиз бўлса,  
миллатга қилган хизматларни танҳо хотин олмоқ ва  
кучук уруштироқ ва беғайрат ва беҳаққоният диндор  
кишиларни бадарга қилимоқ ва туб ўлдирмоқ бўлди.  
Миллат нима ва шариат нима билмадилар. Шунинг  
учун миллат деворларини(нг) раҳналари тобора зиёда  
бўлди.

Мунаввар қори Абдурашидхонов

...Бутун дунёдаги маданий миллатларининг қанғу ва  
ҳасратларина иштирок этмаган ва бу шодлик масаррат-  
ларидан баҳра олмаган бир қавм ва бир миллат вор  
эса, ул ҳам Туркистон турклари дирмиз.

Мунаввар қори Абдурашидхонов

Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,  
Бундан ўла ҳалқа баҳти масъуд.  
Илми ала олмоқ ва фунунни,  
Давлатни, лисонни ва закунни.  
Хар қавм булардин ўлди маҳрум,  
Истиқболи ҳолидин ўлур гум.

Ажзид

Эл кўзини тўсиб турган эски булутларни  
Ендириб қўй, ииртиб ташла, барчасин йўқ эт!  
Қила олмасанг шу ишларни сенинг учун  
Хурликдир бу!...

Фитраг

Сабот ва чидамдан бошқа нарсаси бўлмаган мил-  
латнинг ҳамма нарсаси бўлиши мумкин ва сабот-ма-  
тонатдан бошқа ҳамма нарсаси бўлган миллат, ҳеч  
нарсасиз қолиши мумкин. Бир одамнинг саботи буюк  
бир миллатни ислоҳ қилишга қодир.

Фитраг

Ҳиммат ва саботи булмаган миллиатиниг ҳаки  
ҳаёти йўқдир.

Фигро

Вақти иш ўтди, дило, эмди қачон уйғонасан?  
Етибон гафлат аро, эмди қачон уйғонасан?  
Кетти гафлат, етти ҳуррият замони оғаҳ ўл,  
Етасанму уйқуда, эмди қачон уйғонасан?  
Зулмату жаҳл этти кунглинигни дариго, билмадинг

Тошкүмирдин ҳам қаро, эмди қачон уйғонасан?  
Эмди тур, тезроқ югур, илму маорифга қўл ур,  
Етма парқу кўрпада, эмди қачон уйғонасан?  
Жаҳл бир ўтдурки, теккан кимса ёнмай қолмағай.  
Етти ул ўт ёнинга, эмди қачон уйғонасан?

Сидқий Хондайлиқи

Тараққин йўлинида қилинг жон фидо,  
Ки, бўлсун бу кун жумла ҳожат раво!  
Очинг кўзни гафлатдан, эй мусулмон!  
Ки, ётманг касолат, атолат билан.

Сидқий Хондайлиқи

Булут келғон бирлан офтоб нури камаймас ва офтоблиқ исми йўқолмаски, ҳамон офтоб офтобдур. Шунга ухаш ҳақиқатни ҳам қора булутлар ёшира олмаски, ҳамон ҳақиқат ҳақиқатдур, охир юзага чиқар.

Сидқий Хондайлиқи

Оҳ, эй миллат, ўтдиму фурсат, олмадинг ибрат,  
бўйлами турмуш?  
Қилмадинг гайрат, санда йўқ ҳиммат, қоплади  
бидъат,  
шўйлами юрмиш?  
Миллата хидмат, ўтмасун фурсат, яхши бу нийят,  
биз билан тониш,  
Босмасун зулмат, айлагил журъат, эмди қил  
байъат,  
тарк эдуб ётиш

Тавалло

Бу дам қон йиглама, муллолар ўлди ёрниг, эй миллат,  
Ки, бул кун топди равнақ маҳв ўлан осоринг, эй  
миллат.

Тараққий авжида шодон яшаб минбаъд обод ўл,

Ватан аҳлини шод этди гўзал атворинг, эй миллат.  
Тамаддун чархида чун меҳри анвар нурпош ўлғи,  
Еруғ этсун жаҳонни(нг) зулматин аиворинг, эй миллат.  
Ватан аҳли ёмон душманлариниг дафъи учун бўлсун —  
Зафар майдонида доим сипоҳсолоринг, эй миллат.  
Ҳақиқатжӯ, ҳақиқатгӯ бўлуб ҳар бир ватандошим,  
Юриб бош ила бўлсун шонли хизматкоринг, эй миллат.  
Забун ўлсун, йиқилсун, икки юзи қаб-қаро бўлсун,  
Қаю бадкор агар бузса сенинг рафторинг, эй миллат.  
Қаю мажлисла бўлсан сўз—дуринг мадҳинғ ҳавосида,  
Агарчи арзимас қилдим бале ишлоринг, эй миллат.  
Самимий қалб ила ҳар кимса доим юрса-ю, турса,  
АЗИЗ ўлсун жаҳонда бўлса, гар ғамхоринг, эй миллат.  
Адувлар хайлани дафъ этгали тийғи забон бирлан,  
Эрур Сидқий ҳамиша бир фидойи ёрниг, эй миллат.

Сидқий Хондайлиқи

Қилмаган илм сари кимса назар,  
Халқ беҳуда касб майл айлар.  
Қолмади ҳеч қадри илму ҳунар,  
Курди бенлм қавм неча зарар.

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,  
Доимо судимиз зиён ўлди...  
Эй Камий, сўз сўзласам бисер,  
Оз иншод айладим мен ночор,  
Дил билан тилда айларам тақрор:  
Дину миллатга Тангри бўлсун ёр

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,  
Сўзе — дил сўзларн баён ўлди.

Камий

Бололансун, ғизолансун, билинг бу бир ҳумо миллат.

Тавалло

Эй қўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,  
Бўлма хўшнуд, эй дилим, миллат ғамии  
гамлашмасанг,

Тавалло

Соч оқарса қайғу миллатда, ёронлар, шодман,  
Томса тинмай ёшларим, ўрниға қонлар, шодман,  
Ҳасрати миллат учун қилсан фифонлар, шодман,  
Үккидек тутсан ҳароботда маконлар шодман.  
Чиқ ичимдин, жоним, эй сан манга  
ҳамдамлашмасанг.

Тавалло

Құзларнг оч, эй миллат,  
Күп замон гофиң әтдинг.  
Умринг үтди әтмақда,  
Қайғуга тоза ботдинг.  
Кетди шону шарафнг  
Мозор тошидек қотдинг.

А. Авлони<sup>а</sup>  
Тур, эй миллат, уйқудан, ҳасратлашайлук,  
Илм уйнга кирмоқға суҳбатлашайлук.

А. Авлони<sup>а</sup>  
Етма, миллат, ухлама, бедорлашайлук,  
Миллий ишлар ишларга бел боғлашайлук.

А. Авлони<sup>а</sup>  
Етмоқ булса хұб әтдинг, әмди турмоқ замони,  
Үқи, гафлат, ялқовлик — жаҳолатиннг нишони

Тилсиз, ишсиз, билимсиз, бемор — миллат —

Хеч бир ернга етмас оху фиғон фарёдинг.

А. Авлони<sup>а</sup>  
На хүрлик, на касолат? — Доимо афгор биз,

Ҳамма гул даста қылса, не терарміз? — Хор биз,

Жаҳолат қазяси дүндирди истиқболи риғъатдан  
Маъоз — иллоки, на иқор, на инкор — биз,

Тутуб селоби гафлат мавжиғамга ташлади,

Жаҳон Жайхунларига тұйман тайёр — биз, миллат.  
Тамаддуифешалиқдан үзгалар рухи мужассамдур.  
Ҳаётта қобил әрмас, сурати девор — биз, миллат.

А. Авлони<sup>а</sup>  
Етурсан тобакай гафлат қучогинда, уён, миллат,

Жаҳолат жомасын устингдан ирғит, тур, замон,

Кетиб ҳамроҳлар, сан йўлда қолмақдан үтон,

Тур, үтмай вақт, ноз уйқусидан кубдир, зиён,

Кўзиңг оч, ётма, гафлатдан ўсон миллат, ўсон  
миллат.

Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон  
миллат.

А. Авлони<sup>а</sup>

Эй, мусулмонлар, қачон биз дарда дармон истариз,  
Бу қоронғу кечамнга мөн тобон истариз,  
Биз ватан авлодина илм ила урфон истариз,  
Әдгори қолғудек ислома унвон истариз?  
Эй, мусулмонлар, келинглар, ҳукми қуръон истариз?

Миллати шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз?  
Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор.  
Ез утуб, қиши келди ҳоло, сизга бўлган йўқ баҳор.  
Сарсари боди жаҳолат қилмак истар тору мор.  
Чора шул: мактаб очайлик, шояд ўлсун сабзавор.  
Эй, мусулмонлар, келинглар, ҳукми қуръон истариз?  
Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз?

Бизча миллатлар ичиде бемаориғ зод йўқ,  
Бойларимизнинг макотиб фикрида ижод йўқ,  
Нафси қуръону ҳадис ўргатувчи устод йўқ.  
Билло олимларда чин миллат суюн афрод йўқ.  
Эй, мусулмонлар, келинглар, ҳукми қуръон истариз?  
Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз?

Ҳамза

Миллат деганларнинг оқар кўз ёши,  
Миллат ғами ўлур доим йўлдоши,  
Миллат деганлари ёғилса тоши,  
Миллат йўлида кетар бўлса боши,  
Миллат тараққийси ўлгай талоши.

Миллат деган кимса сўймас дунёни,  
Мол ила, жон ила, бўлур қурбоин,  
Еш ўрнига оқар кўзидан қони,  
Миллат йўлида кетар бўлса боши,  
Миллат тараққийси ўлгай талоши.

Е миллат деб куйида ул, Ниҳоний,  
Е дунё деб миллатдан уз вафони,  
Бир қинга икки пичоқ сиғмоқ фони.  
Миллат йўлида кетар бўлса боши,  
Миллат тараққийси ўлгай талоши.

Ҳамза

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат?  
Толиб илму ҳунар бирла маорифдин нишон миллат?

Ватаинпарвар фидойи фирмалар то булмайин пайдо  
На мумкин топмоғи үлган таниға тоза жон миллат?

Фидо миллат йўлиға молу жои этмак керак, ҳар  
ким—  
Булай деса, агар авлоди машҳури жаҳон миллат.

Очиб ҳар бир сарида мактабнинг унвонни айлаб чўз  
Тараққий айламасми ўқубон беҳалду сон миллат?

Бу янглиғ олам аҳлидин кейни қолмай юриш айла,  
Аваз, бўлғай ўёниб комкору комрон миллат.

*Аваз Ўтар*

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғолса, куч йўқдурким, тўхтатсун,  
Қувват йўқким, халқ истагни йўқ этсун.

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,  
Халқ истади: тожу тахтлар йиқилди.

Халқ истаги озод бўлсун бу ўлка,  
Кетсун уннинг бошиндаги кўланка.

Бир қўзғолур, бир кўпирар, бир қайнар,  
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнанар.

Пўқликни-да, очликни-да йўқ этар,  
Уз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,  
Қулоқ очиб халқ ичига борайлик!

*Чунон*

Эй, на булди бизим садоларға,  
Чиқмаюр арздин самоларга.

Ўзгалар ер жамоа қайғусин,  
Биз ҳамон кайф ила сафоларға.

Биз гирифтори жаҳлу нафсу ҳаво,  
Ғарб учар илмдин ҳаволарға.

Кетди мол ила мулкимиз қўлдин,  
Ғарбийлар, яъни Увруполарға.

Яна юз ийл шу ҳолда турсоқ,  
Динимиз-да гедар ҳаболарға.

Эй, мусулмонлар, уйғонинг эмди,  
Дард учун тирмашнинг даволарға.

*Мирмуҳсин Шермуҳамедов*

Қўринг, дустлар, юз минг воҳ, айшу ишрат бир ёнда,  
Қашшоқ мазлум бошида қайғу ҳасрат бир ёнда.  
Бойваччалар кўрсангиз, ҳар тун базму ишратда,  
Мазлум, йўқсул алар-чун қилар хизмат бир ёнда.  
Е раб, кечур, Нозима, банданг қилур исёнлар,  
Найлай, миллат бошида дарду меҳнат бир ёнда.

*Нозимахоним*

Қелинг, эй аҳли шаръу дин, пок миллати ислом,  
Қилинглар аҳли илму фазлини миллат учун икром.  
Мадорис бирла мактаблар ривожига этинг иқдом,  
Бу дунёдан кетармиз то қилайлук хайр ҳам инъом.

*Васлий Самарқандий*

Эй, гуруҳи муслимин, миллат учун ғайрат керак,  
Иттиҳоқу иттиҳоду шафқату ҳиммат керак,  
Бошқа ишдан бу замонда равнақи миллат керак,  
Шаръи аҳкомин юргузмакга жамъият керак.

*Васлий Самарқандий*

Не Туркистонки, аҳли сарҳушу майхонаи гафлат,  
Ҳама саршоди ҳуду беҳуду девонаи гафлат,  
Кунгуллар мазраъида чўх кўкарди донаи гафлат,  
Жаҳонда фош бўлди бу ажаб афсонан гафлат,  
Диёнат бирла айланг сийнаси ғамгинлари масур,  
Чароғи илм-ла ўлсун бу зулматхонамиз пурнур.

*Васлий Самарқандий*

Етар, баским биза беҳад бало санғи насиб ўлди,  
«Занфу иотавонлар» деб биза қуллик насиб ўлди.

Ки, ул зулматни тимсоли чодир-чиммат насиб ўлди,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Нозимахон

Мұхаббат бирла севгил, сан, ҳама фарқи  
қаролары  
Аәл деб ерга урма, хурлама фарқи қароларни.

Сен ҳам одам, ул ҳам, эй аблай, коғир нечук  
жонсан—  
Ки, йиртқиң бүридек ўлдурма ул фарқи қароларни.

Акбар От

Миллат деганларнинг шул муддаоси,  
Түн-кечалар ичра қилган дуоси.  
Доим тараққий ўлур илтижоси,  
Миллат йўлида кетар бўлса бошн,  
Миллат тараққийси ўлгай талоши.

Халид

Боқингким, ўзга миллат қизлари на ерлари етмиш,  
Үқуб илму ҳунарларни, ки ҳикмат сиррини билмиш,  
Билиб ўз эътиборин ҳам ҳуқуқин таниб олмиш,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйғонинг.

Нозимахони

Лол агар ўлсун тилим, мундин булакни сўйласа,  
Захм етсин хуша, миллатдин днгарни ўйласа,  
Ҳеч димоғ очилмасун, ким ўзга гулни бўйласа,  
Тўймасун қорнум мани, бир кунда беш тўй тўйласа,  
Чиқ ичимдан жоним, эй сан манга ҳамдамлашмасанг.

Тавалло

На учун синсун аёғим деб ёзурман, дўстлар,  
Чандир ўлсун неча ёғим деб ёзурман, дўстлар.  
Кар нечук булмас қулогим, деб ёзурман, дўстлар.  
Билмасун ҳеч ис димоғим деб ёзурман, дўстлар.  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Тавалло

Истиқлол олинур, берилмас

Ҳақ олинур, берилмас.

Беҳбудий

Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир  
миллат ва мамлакат ҳалқи ўзининг ҳуқуқи, динн ва  
сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади.

Биз, мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонла-  
ри истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллати-  
мизга зулм ва таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқалар-  
га таҳдид қилмоққа асли фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан,  
дннимиз-да шунга монеъдур.

Беҳбудий

Ҳеч кимсага сажда қилманг, бош эгманг,  
Ўзингизда бор шарафдан қўл чекманг!  
Шунча йиллар топиндингиз ўзинга,  
Эргашдингиз бўлар-бўлмас сўзиға.  
Сизни бу кун балчиқдан ҳам тубанроқ  
Қўрмоқдадир! Яна бизга не керак?!  
Сиздан ҳеч ким Одамга тиз чўкмасин!  
Зулмат нурдан юқорироқ бўлмасин!

Фитрат

Ўз кучига ишонмаган эл кураш майдонига киролмас,  
кирса ҳам йиқилур. Ишонмаганлар ишонганиларни енга  
Олмаслар.

Фитрат

Мен юраман букун шод,  
Тутқулилкдан, қулликдан-да озод.  
Раҳбарим — фан, пайғамбарим билимишdir,  
Муовиним мия билан тилимдир,  
Топингумдир ёлғизгинна ўзимга,  
Ишонғумдир икки очиқ кўзимга.

Фитрат

Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқи-  
либ яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак-

Истарга келди. Бөлгари бузилган, ғуллари сүлган, булларн учирилган Туруннинг бир қоровули сенга арттарга келди.

Фитра

Зулм — мазлумларни бирлаштироқ учун энг буюқуролдир.

Фитра

Биз зулмга қарши ҳар ким билан бирлашурмиз.

Фитра

Улус эзнилиб битди... Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайдур. Масжидда намоз учун йиғилганлар сиёсий йигин ясағон бұлыб түпға боғланалар, эр билан хотин үзаро күпроқ гапирганды ҳукуматта қарши бұлыб, дорға осилалар...

Фитра

...Оналар ёруғ дүнёда үз тил ва овозлари ила сұламоқ ҳуқуқыга моликдурлар.

Нозимахония

Ҳуррият олинмас ҳеч имкон ила,  
Магар олса мүмкін эрүр қон ила.  
Ҳуррият олинмади қурбонсизин,  
Ки, тарихларнинг сўзиидир чунин.

С. Хондайлиқий

Тилда, фикрда, ишда бирлик.

Гаспрали

...Бу кун етти навбат, турунг уйқудан,  
Еттарсиз бұлыб токай осуда тан?  
Багоят бу кунлар мұхим вақтидур!  
Ки, ҳар дақиқа минг олтунчадур!  
Минг олтун дедим, бас, ғалат сұзларым,  
Ки, қимматда бордур чун дурри ятим.

С. Хондайлиқий

Ки эл түқ бұлса, дунё обод үлур,  
Хама ободлиқ бирлан эл шол үлур.

С. Хондайлиқий

Субҳи қнёмат үлди, биз уйқудайиз ҳануз,  
Құз очди ҳар жамоа, биз осудайиз ҳануз,

Жаннат нахуста некбата олудайиз ҳануз,  
Жүххол зери пойина фарсадайиз ҳануз,  
Ким солди бизни бу ера, тобсун жазосини.

Ажэй

Бутун дунёдаги ҳурриятчилар орасида бир сүз бор: Ҳуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олиб булмас, факат қон ва қурбон плагина олиб бўлур. Ҳазрат Одам Атодан шу вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда ҳурриятнинг берилгани, қон ва қурбонсиз берилгани тарихларда курилмайдур. Балки ҳар замон ва ерда ҳуррият берилмаган, олинган ҳам кўп ва қурбонлар баробаригина олинган....

Мунаввар қори Абдурашидхонов

Эй Қамий, жонлар, уйғонинг эмди,  
Йиғлабон қонлар, уйғонинг эмди,  
Чекиб афғонлар, уйғонинг эмди,  
Эй мусулмонлар, уйғонинг эмди,  
Дард учун тирмошинг даволарга.

Қамий

Эй, мардуми Фаргоналар,  
Бу шўришу афсоналар,  
Хуб багрингизни эздиму,  
Хассиз қадалган хоралар,  
Уйқудан очуб кўзингиз,  
Бир айланғ аҳду сўзингиз,  
Қайтиб қораиса эмди гар,  
Ҳаргиз оқармас юзунгиз.

Ташлашиб эмди далқингиз,  
Тоза қилинг хуб халқингиз,  
Маъмурлари янчилмасун,  
Дилсода ўзбек халқингиз.  
Шундоқ қолурму, қолурму?!  
Ҳамои ваҳшатда қолурму?  
Нафси шаҳват қурбонлари,  
Сизга ишониб булурму?  
Туркистоннинг истиқболи  
Сиз хониларга қолурму?!

Ҳамза

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,  
Уйнаган бошқалар, инграган менман,

истарга келди. Бөлгари бузилган, гуллари сүлган, буллари учиралган Туруннинг бир қоровули сенга ар этарга келди.

Фитра

Зулм — мазлумларни бирлаштироқ учун энг буюқуролдир.

Фитра

Биз зулмга қарши ҳар ким билан бирлашурмиз.

Фитра

Улус эзилиб битди... Омонлик, тинчлик, эрк дега нарсаларни кимса билмайдур. Масжидда намоз учун йиғилганлар сиёсий йигин ясагон бўлиб тўға боғланалар, эр билан хотин ўзаро кўпроқ ғапирганда ҳукуматга қарши бўлиб, дорға осилалар...

Фитра

...Оналар ёруғ дунёда ўз тил ва овозлари ила сўзламоқ ҳуқуқига моликдурлар.

Нозимахонци

Ҳуррият олинмас ҳеч имкон ила,  
Магар олса мумкин эрур қон ила.  
Ҳуррият олинимади қурбонсизин,  
Ки, тарихларнинг сўзиидир чунин.

С. Хондайлиқи

Тилда, фикрда, ишда бирлик.

Гаспрам

...Бу кун етти навбат, турунг уйқудан,  
Етарсиз бўлиб токай осуда тан?  
Бағоят бу кунлар мұхим вақтидур!  
Ки, ҳар дақиқа минг олтунчадур!  
Минг олтун дедим, бас, ғалат сўзларим,  
Ки, қимматда бордур чун дурри ятим.

С. Хондайлиқи

Ки эл түқ бўлса, дунё обод ўлур,  
Ҳама ободлиқ бирлан эл шод ўлур.

С. Хондайлиқи

Субҳи қиёмат ўлди, биз уйқудайиз ҳануз,  
Кўз очди ҳар жамоа, биз осудайиз ҳануз,

Жаннат нахуста некбата олудайиз ҳануз,  
Жуҳҳол зери пойина фарсадайиз ҳануз,  
Ким солди бизни бу ера, тобсун жазосини.

Ажэй

Бутун дунёдаги ҳурриятчилар орасида бир сўз бор:  
Ҳуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олиб булмас,  
факат қон ва қурбон илагина олиб бўлур. Ҳазрат Одам  
Атодан шу вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда ҳур-  
риятнинг берилгани, қон ва қурбонсиз берилгани тарих-  
ларда кўрилмайдур. Балки ҳар замон ва ерда ҳуррият  
берилмаган, олингани ҳам кўп ва қурбонлар баробари-  
гагина олинган....

Мунаввар қори Абдурашидхонов

Эй Камий, жонлар, уйгонинг эмди,  
Йиғлабон қонлар, уйғонинг эмди,  
Чекиб ағонлар, уйғонинг эмди,  
Эй мусулмонлар, уйғонинг эмди,  
Дард учун тирмошинг даволарга.

Камий

Эй, мардуми Фаргоналар,  
Бу шўришу афсоналар,  
Хуб бағрингизни эздиму,  
Хассиз қадалган хоралар.  
Уйқудан очуб кўзингиз,  
Бир айланг аҳду сўзингиз,  
Қайтиб қораиса эмди гар,  
Ҳаргиз оқармас юзунгиз.

Ташлашиб эмди далқингиз,  
Тоза қилинг хўб халқингиз,  
Маъмурлари янчилмасун,  
Дилсода ўзбек халқингиз.  
Шундоқ қолурму, қолурму?!  
Ҳамон ваҳшатда қолурму?!  
Нафси шаҳват қурбонлари,  
Сизга ишониб бўлурму?!  
Туркистоннинг истиқболи  
Сиз хониларга қолурму?!

Ҳамза

Кулган бошқалардир, йиғлаган мениман,  
Уйнаган бошқалар, инграган мениман,

Эрк эртакларини эшитган бошқа,  
Қуллик қүшигини тинглаган мемман...

Бошқада қанот бор, құкка учадир.  
Шохларга құнадир, богда яңрайдир—  
Сұзлари садафдек, товуши наңдек  
Күйини ҳар ерда әлга сайрайдир.  
Менда-да қанот бор, лекин боғланган..  
Бог йүқдир, шох йүқдир, қалин девор **бор**:  
Сұзлари садафдек, товуши наңдек  
Күйим бор... уни-да деворлар тинглар..:

Эркин бошқалардир, қамалған мемман,  
Хайвон қаторида саналған мемман...

Чүлпө

Ай! Сен, мени ҳақыр күрган, тубан деган афанди!  
Ай! Устимдан бир умрга хұжа бұлмоқ истаган!  
Ай! Бүйнімга кишин солиб, ҳалокатта судраған.  
Күзларингни зақарлатиб үйнатмагил, бас әнди!

Кишанларинг занг босгандир, сергак бұлким, узилю  
Томиримда құзғолншнинг вақший қони гупурдин,  
Эски фикр анъаналар әнди буткул узиуди,  
Е битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!

Ай! Сен, мени қул ўрнида ишлатгувчи афанди!  
Титра, құрқым, боғлиқ қулинг бөш күтарған күч  
әнди!..

Чүлпө

Етар, бас, чекдан ошқондур,  
Бу қарғыш, бу ҳақоратлар!  
Тұлуғдур, балки тошқондур  
Тубанлық ҳам сафолатлар!

Чүлпө

Әй, совуқ эллардан муз кийиб келғанлар  
Ү қүпол түшингиз қорларда йўқ бұлсун!

Әй, меним богимдан мевамни терғанлар,  
Ү қора бошингиз ерларга құмилсун!

Чүлпө

Биз, йүқсуллар, бошқаларга қул бұлнб,  
Цет оёқлар товонидан әзилдик.  
Хар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида,  
Алам тортган, жабр күрган биз әдик.

Чүлпон

Қайғурингиз: кишанларни ясовчи «усталар»,  
Бошқаларин «тубанлар» деб атовчи хұжалар:  
Сизнинг учун ёз бошиннинг қоридек  
Эрув күнлар келадур.  
Сизнинг учун олбостилинг зоридек  
Піғлар күнлар келадур.

Чүлпон

Әй, тоглари күкларга салом берган зүр үлка,  
Нима учун бошингда қуюқ булат куланка...  
От мингандың құшлар каби учгувчи,  
Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,  
От мингандың учар құшни тутгувчи,  
Учар қушли ёш йигитлар қаерда?  
Тог эгаси сор бургутлар қаерда?

Чүлпон

Бинафша,  
Айт менга.  
Кимлардир уларким,  
Игнани бағрнинг санчалар?  
Бинафша,  
Бир сўйла  
У қандай құлларким,  
Узалар, ҳидлайлар, янчалар?

Чүлпон

Ай, тұлқинлар, ай, тизилган,  
Ай, қийналған йұқсул эллар.  
Ай, умидсиз, ай, чизнлган  
Дор олдига... Оппоқ диллар!

Ай, бевалар, бечоралар,  
Ай, боғланған кишанларга,  
Ай, эрк учун оворалар,  
Күп ялиниманг сиз уларға!

Бүрилардан омон кутмак—  
Тентакларнинг ишидир ул:

Ҳар монеъни ҳатлаб ўтмак--  
Турмушда энг түгри бир йул!

Зулм олдида ҳар бир нарса,  
Эҳтимолки буйин эгар.  
Агар зулм авжга келса,  
Кўк боши-да ерга тегар.

Ҳайвонларга, инсонларга,  
Золим эга бўлмай қолмас.  
Фақат эркин виждонларга  
Эга бўлмоқ мумкин эмас!

Чўлпон

Сиёсат маҳв бўлди, яшасун оламда ҳуррият,  
Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат.

Тараққий айламак лозим жаҳон аҳли бўлиб бир тан,  
Билурга борча илм ила ҳунарни яшасун миллат!

Жаҳон аҳли, манга сизсиз севукли жон азизнмдин,  
Эрурмиз бир-биримизга ёқин гўёки бир ихват.

Очиб ҳар навъни мактаб эмди ҳимматни қилиб олий,  
Ватанин қилғоли обод лозим айласак ғайрат.

Аваз йтар

Мени ёд этгай авлодим, мозоримни ураб гулдин,  
Ишончим шундадир, бўлгай мозорим бир зиёратгоҳ.  
Қабиҳ онларда эркин куйладим, дўстлар,  
Биродарлар,  
Эзилган элга бўлғай бу замон иқбол ёруғ боргоҳ.

Аваз йтар

Ёзурам қат-қат, шеър эмас ҳасрат, бу надур хислат,  
Жумладин қолиши,  
Тавалло, таммат қилди бу муддат, оҳ эй миллат вақти  
Уйгониш.

Тавалло

Қутулмоқ истасанг, сен ҳеч йинглама,  
Уларга ялинма, сира индама!  
Куч тўпла, куч билан, қафасни бузгил,  
Кулликнинг олтиини бўғовин узгил!

Эрк — мұқаддас қонун эрур,  
Мазлумларга әрклик берур.  
Қымки бунга күкрап керур,  
Эрк чечагин, албат, терур.

Эрк — маъниси: эркин бұлмоқ,  
Илму ҳунар билан тұлмоқ.  
Пүксүл әлға билім бермак,  
Машақаттаға күкрап кермак!

Сен бос одим, отдан олға, қайгурма,  
«Йұл узоқ» деб умидингин ҳеч узма!  
Йұл узоқдир, бироқ умид ундадир;  
Қайтмоқ эса бұшдир, қантмай юравер!

*Боту*

Сиз әмди ғафлатдан кечніг,  
Зинҳор мактаблар очніг.  
Құлда на йүқү борингиз  
Миллатні йулиға сочинг.

*Хамза*

Золим йилонга үхшайдир, оғзинн бол билан ювганда  
жам оғуси кетмас. Уннің бошини тош билан әзмоқ ке-  
рак.

*Фитрат*

Русияда янги бир бало бош кутарди — большевик  
балоси.

*Фитрат*

...Инсон боласиннің бүйла әзнилиб қолишига тангрі  
күнмас, табиат рози бұлмас, адолат қараб турмас. Бир  
күн буларнің барчаси сизнің ұлымніңиз учун үзи-  
нің сунг кескін бүйругини чиқарап. Мана шу паллада  
мазлум чиқишиннің қандай ёмон эканні үз күзингиз  
билан күриб, ишонурсиз. Үз ҳаққини истаганларнің  
қорнғы зиндонлар билан ҳүркітмоқ, қора үлімлар билан  
күркүтмоқ истайсиз. Иүқ, йүқ, ҳақни ҳақ деб таниған

Кишилар учун ўлимдан құрқмоқ, зиндондан ҳуркмақ  
йү қдир.

Фитрат

Евни юртдан ҳайдамоқ бир юртни ёв қулида күр-  
макдан қийин эмасдир.

Фитрат

Евни юртдан қувмоқ әзгу ишларнинг биринчисидир,  
Қуръонин ҳайвон тепкисидан қутқаришдек буюк, чўч-  
қани масжиддан ҳайдаш каби әзгудир.

Фитрат

Ўзбек давлат киноси чин муваффақиятга олиб бо-  
радиган нарса мумкин қадар сценария ёзувчиларни  
ўзбеклардан етиштириш ва ҳозирча бўлса, европалик  
сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб қўйиш, артист  
ва артисткаларни ўзбеклардан тарбиялашдир. Чунки  
ўзбек турмушининг майдо-чуйдасигача ўзбек боласи  
билади. Ўзбек бўлмаган ҳар қандай мутахассиснинг  
ҳам афсона кўчасига кириши аниқ ва бу ҳолда «узбек  
киноси»нинг маъносин ҳам бўлмас.

А. Қодирий

Иттифоқии нелигини билмаган, ёлгиз ўз манфааги  
шахсияси йўлида бир-бирнин еб, ичкан мансабпаст,  
дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамлар Туркистон  
тупроғидан йўқолмай турниб, бизнинг одам бўлишимиз-  
га ақлим етмай қолди. Ўз наслини ўз қули билан коғир  
қўлига тутқин қилиб топширгувчи — биз, кўр ва ақлсиз  
оталарга худонинг лаънати, албатта, тушар, ўглим! Бобо-  
ларининг муқаддас гавдаси — мадфун Туркистонимизни  
тўнғузхона қилишга ҳозирланғон биз итлар яратгучи-  
нинг қаҳрига, албатта, йўлнқармиз! Темур Кўрагон каби  
доҳийларининг, Мирзо Бобур каби фотихларининг, Форо-  
бий, Улугбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-ун-  
ган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат ҷу-  
қурига қараб судрағучи, албатта, тангрининг қаҳрига  
сазовордир, ўглим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, бо-  
лаларини етим, хоналарини вайрон қилгувчи золимлар  
қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиқсан гиёҳлар қарги-  
шига нишонадир, ўглим!...

А. Қодирий

Эйки, мунча зулм ила миллатни айларсан ҳароб,  
«Лоюшиббуз золимин!» деб тангри қилгонда хитоб.

Дам бадам бедоду жабру зурлиқлар айлабон,  
Солма мазлум элни күнглига мунингдек изтироб.

Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон  
Оқибат бир кун анга масъул булуб бергунг жавоб.

Бор умидим, тездин бўлғуси ҳуррят куни  
Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.

### Аваз Ўтар

Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,  
Эл сезар, эллар сезар, эллар сезар.  
Қурқули денгиз сувин ҳар ён урап,  
Кайфланар, лаззатланар, даврон сурар.

Тұсқин үлмоқ, тутқин этмак истаган  
Тоғлар ортиқ тортишолмас, жым қолар:  
Наъра тортиб елда, кетмак истаган  
Еқлариға ғолибона от солар...

Ғамли елда, тутқин элда бандилар  
Қоп-қоронғи зиндон ичра термилар.  
Ел эсар, инлар сари йұрттар, елар,  
Элтмак истаб әркин элдан муждалар.

Тұхтамас, тун-кун юрар, селдек тошар,  
Хөвриқар, тоғлар ошар, сувлар ошар!  
Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,  
Эл сезар, эллар сезар, эллар сезар.

### Әлбек

Зулмлар ништари юракни тилмасин,  
Дор нима, уқ нима... ҳеч киши билмасин.  
Қон түкніш кишининг бошига келмасин...  
Бу — бизга күч берган тилаклар тилаги...  
Әркка йўл бермаган түғонлар бузилсин:  
Нурга ёв парданинг иплари узиленин.

### Боту

## ҲАЛОКАТ ҲАМ, САОДАТ ҲАМ ТАРБИЯДАНДИР

Колония (мустамлакот) қоидаси ила бизни идора этарларки, бунга үз ихтилофларимиз сабаб бўлур. Мана шуларнинг чораси шулким, ёшлар тезлик ва бемаънилигни қўйиб, фанний ила иш қилсунлар.

...Катталаримиз ва муллаларимизга ҳам арз қилурмизки, аларнинг хизматидан миллатни маҳрум эттурмасунлар.

Ёшлар истайдиларки, миллатга ва ҳалқ оммага хизмат этсалар. Аларнинг айби шулким, ичлари тор.

Олдимизда ишлар кўп. Бошқа ҳалқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдадурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир булиб ишламоқ керакдур.

Беҳбудий

Ҳозир янги ва бошқа-бошқа бир замондир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз ҳалқининг бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обруйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўқитмоқфа саъй қилмоғимиз лозимдур, ваҳоланки дини шарифимиз ҳар нав нафлик илм ўқимоқни бешикдан мозоргача биzlарга фарз қилгандир.

Беҳбудий

Биzlарни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдир: беватанилик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбиялик меваси ва натижасидир. Дунёда тараққий қилган ҳалқ илм воситаси ила тараққий қиласиди. Асир ва забун бўлиганиларда беилмикдан.

Беҳбудий

Болалар учун тарбиятхона (пансион) очмоқ керак ва бу тарбиятхоналар замонга (мос) ва ҳам миллӣ ва диний руҳда бўлиши керакдур. Бу тарбиятхоналарни очмоқ учун нашри маориф ёинки жамияти хайрия ва

жиники тарбияти атфол жамияти ва ё узга исм ила, худоса, жамиятлар керакдур. Баски, бул жамиятлар халқдан оқча жамлаб, миллат болаларини үқитиш ва миллатнинг ояндаси учун керак була турғон қози, яъни судья, закуичи, яъни ҳуқуқшунос, инженер, яъни мұхандис, мұаллим, яъни замона мактабдори, миллатнинг қомииси ва ходими, яъни Давлат Думасига депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳ ва иҳё этувчи; яъни техник, тижоратхона ва бошқаларда бизға ёрдам берувчи, яъни тижорат илмини үқугон коммисант, шаҳар думаҳоналариға ва минбаъд Туркистанда очилатургон земства идораларинда бизни тарафдан кириб сайланиб, биз учун, ватани учун, дин, мубайинин ислом учун, зуафо учун, фуқаро учун ишлантурғон одамлар етуштурмоқ керакдур.

### Беҳбудий

Ҳеч шубҳа йўқки, — одамлар ҳар хил дин ва мазҳабдан, ҳар хил қабила ва миллатдан бўлсалар ҳам, бир отанинг ва ягона жинснинг фарзанди. Бошқача қиilib айтгаида, бир-бирларининг ака-укаларидир. Шундай экан, улар бир-бирларига муҳаббатли ва шафқатли бўлишлари шарт, яъни ўзаро умумий биродарликни юзага келтиришлари керак.

### Фитрат

Башарият тараққиётга қодир ва юксалаверади ҳам.

### Фитрат

Бир кишининг отаси  
Кўп яшамиш, қартаймиш.  
Соч-соқоли оқармиш,  
Беллари кучдан қолмиш.

Нон еганда лаблари  
Бурни билан сўзлашур.  
Чой ичганда қуллари  
Қалгирашиб титрашур.

Бели икки букилган,  
Юрай деса, юролмас.  
Бир ўтирса, ўриндан  
Қутармасанг, туролмас.

Ўғил, келин, невара  
Зерикдилар бу ҳолдан.  
Қутулмоқчи бўлдилар,  
Бир иш қилиб чолдан.

Кириб бир хилват уйга,  
Сўзлашдилар учовлон.  
Угил билан невара  
Қилди ўз фикрин баен.

Сўзлар бир оз чўзишли,  
Мажлис узоқча кетди.  
Навбат келди келинга,  
У ҳам ўз фикрин айтди.

Келин деди: «Сизларнинг  
Тўғри эмас ўйнингиз,  
Энг яхшиси, саҳрого  
Олиб чиқиб қўйнингиз.

Бирор кумар улигин,  
Кўрмас бизнинг кўзимиз.  
Машаққатсануз бу ғамдан  
Қутулгаймиз узимиз».

Ўз фикрини сўзлашда  
Келин уста йўл топти.  
Бир оғиздан мажлисда  
Келиннинг фикри утди.

Угил билан невара  
Кун кеч бўлгач турдилар.  
Қўтардилар у чолни,  
Саҳро томон юрдилар.

Бир ўринга етганда,  
Сўзга кирди чол,  
Деди: «Углим, сўзимга  
Бир оз қулоқ сол.

Мен отамни бир замон  
Бу ўринга келтириб.  
Ташлаб кетган чоғимда  
Қолган эди телмуриб.

Навбат келди ўзимга,  
Сен ҳам менни келтирдинг.  
Мен отамга на қилсан,  
Энди менга сен қилдинг.

Менга яарар шул ўрин,  
Бир кун сенга ҳам яарар.  
Эл аро бор бир матал:  
«Ҳар ким экканин ўраг».

Бу сўзларни эшитгач,  
Угил ҳунграб йиғлади.  
Отасига узр айтди,  
Хизматга бел боғлади.

Мунаффар қори Абдурашидхонов

Маданий шаҳарлар шундай бўлурки, анда дорилму-  
адлимин мадрасалар ва анвойи фунун мактаблар ҳар  
хил илм ва ҳунарлар, катта дўхтурлар, табиблар ва  
мазлумни золимдан ҳимоя қиласурган ҳокимлар на қўл  
ҳунарларидан ҳар хил ва ҳама хиллари тўқуладурган  
нимарсалар, анвойи асбоб ва адватлари ўз шаҳарла-  
рида бўлуб, бўлак кишиларга (бошқа мамлакатларга)  
эҳтиёжи булмаса ҳамда ул шаҳарда зобутлар, оташ  
кемалар ва фоизлар ва кўнкалар илкитр илан барпо  
булса ва ҳам ул шаҳарда ҳар куни юруб турадурган  
фойизлар, чироғ, шамол сандал, самоворлар ва ҳам  
катта матбаалар бўлса, зобутлар овози ҳар куни неча  
маргадан эшигулуб турса, бир нимарсага эҳтиёжманд  
бўлуб чиқса киши, дарҳол топилса, тилифонгромлар  
бўлса, шаҳарлар озода, чангдан, буй-баддан тоза бўл-  
са, қайси илмни хоҳласа, анн таълим берадургон муал-  
лимлар бўлса, арз қилган арз-ҳолини билиб, жавобини  
қайтарса, ярамас одамлар учун жазоҳоналар, амонат  
қўимоқ учун хиёнат қилмайдургон амонатхоналар бўл-  
са, аҳли илмларнинг қадри яхши бўлса, нодонларни ўз  
ҳолига қўимаса, фикр ва илм ва ҳунар ўргатса, ул  
шаҳарнинг қонуниға ҳалқи инқиёт қилиб унаса, ҳука-  
молари беҳақиқат бир иш қилмаса, ўғрилар кам бўлса  
ва ёлғон сўзлар кам бўлса, ҳар киши ўз ишиға машғул  
булиб, бекор кўчаларда ва самоворларда ўлтурмаса,  
касаллар оҳ-зор қилмай ва ётмай, илож қиласурган ҳа-  
кимлар тайёр бўлса, фойизлар ва тилигромлар бепул  
юрса, шаҳардан шаҳарга бормоқға белат ва фосфурт  
сўралмаса, йўқотган нимарсаларни амонатхонага аҳли  
бекилоф келтуруб топшурса, кечалари ҳам кундуз куни-  
дек савдо-сотуглар бўлса.

### Ибрат

...Тараққийпарвар ўлсун, сарвар ўлсун эл борисига.  
Амон ўлсун, эсон ўлсун, яшаб неча замон ёшлар.  
Маорифу замон шахсиясин доим лисонидин,  
Жаҳолат аҳли иршодига бўлсан гаржимон ёшлар.  
...Туну кун ўзларининг кори бори бирла шуғл айлар,  
Тафаккур бирла ўткаргайлар ўтса ҳар бир он ёшлар.  
Бу ҳуррият замонида аларни тарбият қилсак,  
Гўмон йунқтурки, солғайлар фалакга ошён ёшлар  
Келинг, ўғлингизни мактабга йуллаб, ҳиммат  
айлангиз.

Иш ўрганса, ҳунар билса, ясар айруплон ёшлар.

### Сидқий Хондайлиқий

Қаромуғ донаси булғунча буғдойни сомони бул,  
Ямонни яхисиң бүлғунча, яхшнни ямони бўл.

*Сидқий Хондайлиқи*

...Мол умрнинг осойиши ва роҳати учундур, умр мол  
йиғмоқ учун эмасдур.

*Сидқий Хондайлиқи*

Фикримиз қилсун тараққий, эй худо,  
Кўнглумиз ойинадек тобсун жило.

*Тавалло*

Илмсиз инсон дарахти бесамар.

*Тавалло*

Адолат била тутса иш подшоҳ,  
Риоя анга бўлур хоки роҳ.  
Адолат зириҳари зебо эрур,  
Адолат қилур кимки доно эрур.

*Сидқий Хондайлиқи*

Худонинг раҳмати, файзи ҳама инсонга яксардир.  
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардир.  
Туғуб ташлов била бўлмас бола, бўлгай бало сизга,  
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.  
Темурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,  
Бузилса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлгуси золим.  
Ёмонларга қушулди Нуҳининг ўғли бўлди бенмон,  
Юрурди Қаҳф ити хублар ила бўлди оти инсон.

*A. Авлоний*

Ёмон ху тузалмайди дармон ила,  
Ипак улмас ип, ранги алвон ила.  
Боқинг бир дарахт мевасидур ёмон,  
Бўлур яхши пайванд, парво билан.

*A. Авлоний*

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,  
Балки охирда эрур дориломони тарбият. –  
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила ризвонлара,  
Гар десам бўлмас хато, жаннат макони тарбият.  
Моян зилли хумодир тарбиятнинг сояси,  
Бизда аиқо тухмидек, йўқ ошиёни тарбият.

*A. Авлоний*

Хулқи ёмон юз гўзалидан на суд,  
Юз гўзали хулқни қилмас кашуд.  
Хулқ маризига даво истасанг,  
Марг давосин берилур қистасанг.  
Хулқи ёмонинг кетурар кўп заар,  
Хулқнинг узи бошига калтак урар.  
Хулқи фано бўлса, дегил — алҳазар,  
Хору залилликда қолур дарбадар.

A. Авлоний

Яхши бирла юрса ҳар ким, мақсуди ҳосил булур,  
Юрса нодонлар ила бир кун бориб қотил бўлур.  
Катталар қилгон насиҳатни кичниклар олмаса,  
Оқибат хулқи бузуқ, бир беадаб жоҳил бўлур.

A. Авлоний

Тарбия «педагогияси, бола тарбияси фани демакдир... Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўстирмакдир...

Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордир... Орамнзда масал борки, «Сут ила кирган, жон ила чиқар», мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набиий мұхтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Бешикдан то мозорга боргунча илм ўрган», — демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: ҳар бир миллатнинг яхши тарбиясига боғлиқдур, —демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмоқ оталарга фарзи айи, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур...

Энди очиқ маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимиз қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зеҳниизни равшанландурмак лозим экан...

Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур...

A. Авлоний

Баданинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керак нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонига кучли, соғлом жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда,

ишиларинда, иборатларинда камчилик қилурлар. Майша. тимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлиқдур...

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур... Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур...

А. Авлоний

...Оила бошқаришга асос солиш бани Одам маданийатининг асосидир.

Фитрат

Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оила муносабатларни заифлаштириб юборса, интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаётни шубҳа остида қолади.

Фитрат

Ҳар қандай қавм ва миллат қаерда бўлмасин, жону дили билан саодатталаб буладилар. Бунга ҳеч шакшубҳа йўқдир. Улар доим шон-шавкатлари, эътибор ва иззатларининг зиёда бўлишини орзу қиладилар, кечаку кундуз шу мақсад сари интиладилар. Албатта, биз мусулмонларда ҳам шундай бўлиши шарт.

Фитрат

Қайси миллатнинг умумий саъй-ҳаракати ва амали кўп бўлса, куч-қудрати ва иззати ҳам шунча салмоқли, буюк бўлади.

Фитрат

Бани Одамнинг сиёсий, диний, ижтимоний инициативаларининг асоси ана шу икки сўз — «фарзанд тарбияси» дан иборат бирикмага боғлиқ. Бу халқининг ҳаракат қилиши, давлатманд булиши, баҳтли булиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир булиши, заиф булиб хорликка тушибиши, фақирлик жомасини кийиб, баҳтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир булиши, болаликдан ота-оналар берган тарбияга боғлиқдир.

Фитрат

Биз, туркистонликлар, болаларимиздан кўра молларимизга яхшироқ қараймиз. Эшак, қўйларимизни фар-

зандларимиздан ҳам күпроқ яхши курамиз демайман. Пұқ-йүқ, болаларимиз жоннлиздан ҳам азиз. Улар, на- заримизда, ҳаммадан ҳам суюкли ва қадрли. Лекин, баҳтга қарши, шуни эътироф этиш лозимки, шунча мәхр- муҳаббатимиз булишига қарамасдан болаларимизни әшак ва құйларимиздан камроқ, ёмонроқ тарбиялаймыз.

*Фитрат*

Бу дүнә кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Лекин ана шу қу- рол-аслаҳамиз синиб, занг босиб чириб кетган. Шундай қуроллар билан бу дүнёда бизга на саодат ва на роҳат бор. Агар саодат, иззат, осойишталык, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қон- далар асосида тарбия этишимиз лозим.

*Фитрат*

Одам ақлиннинг камоли яхши үрганмоқ, яхши билмоқ ва мукаммал фикр қилмоқ билан белгиланадир.

*Фитрат*

Ахлоқий тарбия — одам ахлоқини камолга етказиши демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойда келтирадиган бўлсин.

*Фитрат*

Тарбиясиз хотунлар улуснинг ўлимни учун йўл очар- лар.

*Фитрат*

Фикр агар яхши тарбият тоңса,  
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.  
Фикринг ойинаси олурса занг,  
Рұхи равшан замир ўлур бенур.

*Авлоний*

«Тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқи- мизни гўзалландурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим...» «Биринчи — уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи — мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур».

*Авлоний*

**Ҳукамолардан бири:** «Ҳар миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлинидур», —демиш.

#### Авлоний

Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойданни зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айнра олмас, мундай кишиларнинг на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойдаси йўқдур.

#### Авлоний

«Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиги каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладур. Агар тан пок бўлуб ювилиб турмаса... ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ...чунки бадан элак каби кўзликдур».

#### Авлоний

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юклangan муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратлик булишига сабаб бўлади. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даражага муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиидур...

#### А. Авлоний

Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд дараҷа бергувчи аклоқ тарбиясидур.

#### А. Авлоний

Мактаб — бизни божимиз,  
Шаъну шавкат, тожимиз,  
Уқув, ёзувдан етар  
Ҳар ишда ривожимиз.

Мактаб—бизни ёримиз,  
Суйгули ғамхоримиз.  
Хулқу адаб ўргатуб,  
Тузар шарму оримиз.

Мактаб келсак ўзимиз,  
Очар гафлат кўзимиз.  
Ҳаром, ҳалол тонутур,  
Яхши ўтар рўзимиз.

Мактаб келсак ўзимиз,  
Ўткур бўлуб сўзимиз.

Үн турт кунлик ой булур  
Халқ ичинда юзимиз.

### Ҳамза

Илм истангиз, сүйгонлар,  
Үқуб билгонинг қолур,  
Фоғил қолма, үғлонлар,  
Миллат зулматда қолур.

Йўқ учун виждонимиз,  
Миллатга қурбонимиз.  
Бизим Туркистонимиз  
Ҳар иш сунггида қолур.

Үқинг, жисмимда жонлар,  
Үқуб билгонинг қолур.  
Үйин суйманг, үғлонлар,  
Миллат зулматда қолур.

Бизда бир ҳамият йўқ,  
Ехуд бир ҳамият йўқ,  
Миллата хайрият йўқ,  
Бизни нисон аталур.

### Ҳамза

Ахлоқ хулқнинг жамъидур. Хулқ арабий үлуб, туркйси хушхуйликдур. Дунёда ҳеч бир иборат, тақво, зуҳд, эҳсон хушхуйликча эмасдур. Инсонга хушхуйликча ярашимлик нимарса йўқдур. Хушхуйлик ҳар икки жаҳонда иззатлик ва ҳар ким қошида ҳурматлик қилур. Худойи таборак ва таоллони боргоҳида хушрӯйлардан ортуқроқ, дурустроқ ва хос бандалар бўлмас. Ахлоқ икки қисм үлур. Бирни ахлоқи ҳусния (яхши хулқлар), иккеничиси ахлоқи замима (ёмон хулқлар) дур. Ахлоқи ҳусния инсоният оламининг бир гулшанидурки, анда ҳаё, хилм, сахо, қаноат, ризо, шукр, сабр, тавба, сидқ, тавозе, ажз, фақрга ўхшаш адолат гуллари била музайян ва муаттар үлур. Ахлоқи замима бир шўразордурки, они, аксинча, жафо, зулм, ҳасад, кибр, куфр, тамаъ, газаб, инифоқ, гасб, намима, кизб, бўҳтон, фийбат, бухл, хиёнат, исроф, ҳирс, пойриқ, таъжил, фитна ва бунга ўхшаш турли қабоҳат нимарсадан бошқа шайлар кўкармасдур.

### Ҳамза

Кур бизнинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамиз,  
Жой келган чоғида виждонни пулға сотамиз.

Үғленизга на адаб, на фан, на яхши сүйламак,  
На худони буйруғи бұлған улум ўрготамиз.

Үртадан чиқса агар мллатни яхши сунгучи,  
Биз ани даҳрий санаб, тұфандыңча бирла отамиз.

Келинг, ёшлар, зиёлилар, бу күн гайрат қилинг,  
Үхлаганларни агар Қодир эсак уйготамиз.

A. Қодирий

Билай десанг замон ичра ҳақиқиң сирри ҳикматин,  
Пұқот мулки вужудингдин фасоду кулли бидъатин.

Нозимахоним

Хар қаю авлод учундур рұхафзо тарбият,  
Гарчи нодон эрса, айлар куб доно тарбият.

Тарбият бирла бұлур одам болоси зуфунун,  
Айлаюր ҳар бир ҳақиқатга шиносо тарбият.

Тарбиятдан бошқалар таҳсил әдар жамъи улум,  
Биз эсак бир умр қылдук шүре ғавго тарбият.

Ұз-ұзыча саъй этиб «доно» бұлур авлодимиз,  
Онлара лозим әмас әрдими зебо тарбият.

Тарбият иксирдур, мисни тилло айлар бале,  
Айлаюр ҳар мурдан дилларни иңе тарбият.

Тарбиятдан бошқалар күк сори парвоз этсалар,  
Биз эсак этдук инфоқу кину иғво тарбият.

Тарбият жоғайл кишини олиму доно қылур,  
Мурдаға жонбахшидур мисли Масиҳо тарбият.

Васли(й) доим тарбият рухсорига муштоқдур,  
Кошки бизни ватанда булса барпо тарбият.

Васлий

Худонинг неъматини бұлуб олғонларға ўт тушсун,  
Шариат ҳукмини йўлдин чиқарғонларға ўт тушсун.

«Аёллар сочи узун, ақли қисқадур», деганларға,  
Товуқча ақли йўқ, ахлатни титконларға ўт тушсун.

Тариқча илми йүқ, «қози калонман, мұфтиман»  
дейдур,  
Абу Сино, Улугбекдан күз юмғонларға үт түшсун.

«Хотунлар мол қатори сотиладур», деб  
муштипарларни,  
Зулайхо, Лайли, Ширинни тан олмагонларға үт  
түшсун.

Бүйін хүш Аңбар қабилар ҳайф ҳаромхұрлар учун,  
Судхұру фоқишибоз, сүзін ёлғонларға үт түшсун.

*Аңбар Отин*

Илмсизлик чиқорди түз йүлдин,  
Олди қоплаб бало үнгу сұлдин,  
Бизда на қолди сарвату пулдин,  
Кетди мол ила мұлкимиз құлдин,  
Ғарбийлар, яғни Овруполарға.

Илмсіз бу хисолда түрсоқ,  
Бу тариқа заволда түрсоқ,  
Беқуда қнйлу қолда түрсоқ,  
Яна юз йил шу ҳолда түрсоқ,  
Диннимиз-да кетар ҳаболарға.

*Қамий*

Яңғын турмуш излаган  
Құп түсиққа учрагай.  
Юксалишни истаган  
Қаршилиқдан құрқмагай.

Еш билак, кучли билак  
Ҳормасин ҳам толмасин,  
Еш тилак, нурли тилак  
Порласин, ҳеч сұнмасин.  
Еш юрак — үтли юрак  
Ҳеч умидсиз булмасин!

*Боту*

Шояд үқуб авлодимиз  
Еткурса оқу додимиз  
Маҳтоби ҳуррият күрар,  
Шояд бизи ҳам водимиз.

*Хамза*

Дилхаста эй маҳзун Ҳиҳон,  
Илм вақтингдир бу замон.  
Бемаърифат миллата йўқ,  
Дунё юзида ҳеч амон.

Ҳамза

Қайси миллат нажот истаса, унга илм ва бирлик ло-  
зимдир.

Фитрат

Ҳайданг, ўртоқ қутқарайлар жаҳлдан қувронлари  
Ёритайлик маърифат нури-ла Туркистонлари.  
Илм ўчоғида етишган эр йигитлар, тұпланинг,  
Қочдирайлик жаҳл үрдусин, очайлик онглари!..  
Эллари маҳв ҷан қутқаран илм эрур,  
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

Фитрат

Бир зарра борму ақлу хушимиз,  
Ҳақни тингламас үлди гүшимиз,  
Тилда бандалик даъво қиласиз,  
Амрига на деб йўқдур хушимиз!  
Етишди ҳамон ўқурга замон,  
Энди илмсиз яшамоқ гумон.

Ҳамза

Нажот истасанг илму маорифа ёниш,  
Ҳамиша илмни таҳсил айла, ёзу қиш,  
Сенга улуму маориф керак: на зар, на кумиш,  
Бу сўзни дингла, панди тамом мазҳаби қишиш,  
Чекилди уфқи Ватандин жаҳанинамий зулумот,  
Үён, Ватан, ўён, ортиқ кўринди субҳи нажот.

Камий

Дунёда сен борлигинги сақлар эсанг,  
Ҳур булиб, тепку ичра қолмас эсанг,  
Ол шуниң қўлга, турма, тездан ол!  
Шундадир баҳт, шундадир иқбол!

Боту

Узга миллат учсалар ҳикмат топиб суйи само  
Бизни эллар лоақол ер узра даврон истамас,  
Ухлама қўй, ўзбек эли, асри тараққий вақтида.

Ҳамза

Бас. узингинки — киши, булмас шерик.  
Илмдин ҳар неки бўлса моҳасал  
Билдиур сенга ҳалолу ҳам ҳаром,  
Илмдин ҳар мушкулинг бўлғуси ҳал.

*Камий*

Солди бенлмлиқ хатоларға,  
Боролук илм учун Хитоларға,  
Еткуур илм муддаоларға  
Эй, на бўлди бизим садоларға,  
Чикмаюр арздин самоларға.

*Камий*

## НАЖОТ МАЪРИФАТДАНИДИР

Суюкли дўстларни, бизнинг учун энг гузал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки, инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир. Маданий турмуш эса, инсоннинг яшаш мақсади, усулидир...

*И. Гаспрали*

...маорифга, тараққиётга интилишни ўз олдимиизга вазифа ва мақсад қилиб қўймоқ керак..:

*И. Гаспрали*

«Таржимон» умумий бир миллӣ газетадир. Унинг тили ҳам умумий бир миллӣ тилдир. Яшасин миллат! Ҳам яшар, чунки, у тилда ва фикрда бирликнинг зарурлигини аиглади. Тил бирлиги эса адабиёт бирлигидир. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат ва ҳаракат бирлигининг асоси ўлароқ миллатнинг озодлигини таъмин этажайдир.

*И. Гаспрали*

...Туркистон болаларни илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамният ила қилингизлар!

*Беҳбудий*

Маориф йўлида ишлайтурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингизлар!...

*Беҳбудий*

Мұхтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан на аёндирки, макотиб — тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал макотиби ибтидоисини замонча ислоҳ этуб кўпайтумагунча, тараққий йўлига кируб маданиятдан фондаламас. Маданияти ҳозирдан маҳрум қолуб, саноев ва маорифи салоҳи ила қуролланимаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. Муборизан ҳаёт майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида

Эзилтур, диний, иқтисодий ишларда узгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан бе-рур. Ана шу йўллар ила охири маҳв ва нобуд булуб кетар.

### Беҳбуодий

Орқадошлар, тўпланийлук жаҳлини уйин йиққали,  
Эл кўзин олгон қоронгу пардаларни ииртқали.  
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,  
Тўпланийлик, туринг, элга тўғри йўллар очқали.  
Эллари маҳвдан қутқарон илм эрур.  
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур...  
Ҳайданг, ўртоқ, қутқарайларик жаҳлдан Турилари,  
Ерутоийлик маърифат нури-ла Туркистонлари,

Илм учогида етишган эр-йигитлар, тўпланинг,  
Қочирайлик жаҳл урдусин, очайлик онглари,  
Эллари маҳвдан қутқарон илм эрур,  
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

### Фитрат

Ислоҳ этувчилар тоифаси учун саботдан бўлак асл қурол йўқ. Саводсизлик заҳри қотилдирки, ҳар бир миллатининг танглайнга тушса, димогидан тутун бўлиб чиқади.

### Фитрат

Миллатимиз, халқимизнинг бу даражада тубан қо-лувларина, шу мартабада, ёмон кунларга тушувларина нодонликлари сабаб бўлди, бизнинг учун-ўқув, илм ва маърифатга етишув лозим, ватанимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз илм нури бирла ёғтирасун, дин ҳам дунё илмлари бирла жиҳозлансан.

### Фитрат

У кимсаки илми-саравати вор,  
Бешубҳа жаҳонда роҳати вор.

### Сиддиқий-Ажзий

Биза лозим маориф йўлиниа жонлар фидо этмак,  
Үлум асҳоби бирла халқимизни ошно эгмак,  
Жаҳолат бирла нодонлиқни маҳв айлаб, фано этмак,  
Чароғи илм бирлан кўзларимизга зиё этмак.

### Сиддиқий-Ажзий

Иккى жаҳон саодати илму фунундадур,  
Жон ила дил фарогати илму фунундадур.  
Миллатин шаъну шавкати илму фунундадур,  
Агёр элинин диққати илму фунундадур.

*Сиддиқий-Ажзий*

Эн күзларим, очил, назар айла бу олама,  
Боқ ҳар қабила ҳолина, авлоди одама.  
Сан, эй қулоқ, эшит на садо бу жаҳона вор,  
Ҳар эл қаломин англа, деюр найла, найлама.  
Эн құлларим, китобу қалам, қофоза узан!  
Үт вер жаҳолат эвшина, йүл сол муродима,  
Күнглум, сан ўл саройи маориф-ла камёб,  
Ҳар фандин айдукум әдакүр сан муколима.  
Эй ақл, бо савоби салимим ҳидоят эт,  
Этма дучор кулфату андуҳи мотама!

*Сиддиқий-Ажзий*

Сўзи бир мактаби олий, узи бир манбаи урфон,  
Юзи миръоти ибрат, қалбида виждан зиёлилар.

*Сиддиқий-Ажзий*

Эрур илм икки жаҳон-чун чарог,  
Эрур жаҳл гардунға мисли тузог.  
Эрур илм нури тажаллойи ҳақ,  
Эрур жаҳл қаҳру газабхон ҳақ.

...Илм йўлига кирмадук бизлар,  
Илма элин чоқирмадук бизлар.  
Фазлимиизни оширмадук бизлар,  
Ҳеч ҳунарни қидирмадук бизлар,  
Биз анинг-чун забуну ҳайрона.

*Сидқий-Хондайлиқий*

Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шафқат-  
ли ва бетамаъ бўлур.

*Сидқий-Хондайлиқий*

Эрур илм ҳар баста ишға калид.

*Сидқий-Хондайлиқий*

Сен обод ўлурсан, магар, эй жаҳон,  
Ялангбош бўлуб ишласа деҳқон.  
Яша, барча эмгакчилар, ҳуш яша,  
Ҳунар бил, ўқи илм! Боҳуш яша!

*Сидқий-Хондайлиқий*

Билурсенки, бенлм ҳайвон эрур,  
Бале, гүё жисми бежон эрур.

*Сидқий-Хондаилиқи*

Үқуса, хунар билса, бұлғай азиз,  
Пүк эрса, булур донои бемагиз.  
Үқуса, бұлур нодирі даҳр агар,  
Пүк эрса, бұлур тұдан гову хар.  
Үқуса, бұлур барча әл сарвари.  
Пүк эрса, булур барча әл камтари.  
Үқуса, бұлур әл бошиға тож,  
Пүк эрса, бұлур доим беривож.  
Үқуса, бұлур бас, ҳақиқатда бой,  
Пүк эрса, бұлур күчаларда гадой.  
Үқуса, бұлур барчага мисли жон,  
Пүк эрса бұлур баңғи-ханғи ямон.

*Сидқий-Хондаилиқи*

Баъзи кишиларымыз театрға әхтимолки үйнібозлық  
әки масхарабозлық күзлари ила боқурлар. Ҳолбуки,  
театрнинг асл маъноси «Ибратхона» ёки «Улуглар мак-  
таби» деган сүздир. Театр саҳасы ҳар тарағи ойнабанд  
қилинғон бир уйга ухшайдирки, унга ҳар ким кирса,  
узининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини күриб, иб-  
рат олур... Театр саҳасига чиқиб, юзинга ун суртиб, бир  
масхарабоз шаклиға кирған зотлар ҳозиқ табиб мисоли-  
дадир.

*Мунаввар қори Абдурашидхонов*

Қони иззу жалолдур мактаб,  
Жойи фазлу камолдур мактаб.  
Жоҳил одам бу ерда олим улур,  
Маъданы ҳар хиссолдур мактаб.  
Васлий, яхши үгүлға жаннатдек,  
Гулшани хуш мажолдур мактаб.

*Васлий Самарқанди*

Ҳар үгүлни үқугтурмак лозим ҳар бир падар.

*Васлий Самарқанди*

Күрурмен яхши устодым, бобомдан  
Не балки, яхши дур отам-онамдан...  
Яна яхши курадурман китобим,  
Китобимдур чирогим, офтобим.  
Аннинг нури илан күнглумдадир нур,

Китобим жаннату қоғозлари ҳур...  
...Үқумоқдан манғо үзга равиши йүк,  
Жаҳонда үқумоқдин яхши иш йүк...

*Васлий Самарқандий*

Эй күзларим зиёси, замондур замони илм,  
Бұлғил камоли жаҳдинг ила комрони илм.  
Илм ила ҳар киши бұлодур аҳли иззу жоҳ,  
Гар иззу жоҳ истасанг, үл қадрдони илм.  
Рашки жинон бұлур кими илм қылса касб,  
Саъіт этгил, айла ботинингин бустони илм.  
Икки жаҳонда илм аҳли булур азиз,  
Кавнайн иззатин тиласанг үл жонони илм.  
Чин күнғул ила қыл талаб, эй үглум, илмни,  
Билдургай санго ҳақ үзи рози ниҳони илм.

*Васлий Самарқандий*

Илмсiz тоифа қуруқ дарахт кабидур, қуруқ дарахт.  
Даң ҳосил бұлмас, күйиб күл бұлур.

*Васлий Самарқандий*

Илм үз аҳлини күб гариз қилур. Ҳатто подшоқлар-  
дин ҳам улуғроқ қилдурууб, чироги олам ва нұктадон  
бани одам қилур.

*Васлий Самарқандий*

Илм үз аслига азалсiz подшоқликдур.

*Васлий Самарқандий*

Сиз мұхтаралар ҳам үз авлодингизни ва азиз бола-  
ларингизни, агарда хоҳласанғизки, сиздан күра тараққий  
этса, дин ва миллатта хизмат этса (дин ва миллатта  
хизмат илм ва ақча ила бұлур) шу илми замоний таҳ-  
сил қымызы учун ҳаракат қымызынан лозимдур. Ҳам-  
ватанларымыз мұлкінні сотиб түй қылғонидек, сиз-да,  
ҳатто лозим бұлғанида, мұлкіннін сотсанғиз-да  
үглингизни замонча үқимоқнан саъін қилингиз. Түйге  
исроф қылатурғон ақчаларни үқимоқ йұлиға сарф қи-  
лингиз?

*Бекбұдай*

Етншди ҳамон үқурға замон,  
Әнді илмсiz яшамоқ гумон.

*Хамза*

Бизни Туркистон эли дардига дармон истамас,  
Зулмат ичра кечса умри, моҳи тобон истамас,  
Ухлама куп, ӯзбек эли, асри тараққий вақтида...

### Ҳамза

Нажот истасанг, илму маорифа ёпиши,  
Ҳамиша илмни таҳсил айла, езу қиши,  
Сенга улуму маориф керак: на зар, на кумуш,  
Бу сўзни денглар тамом ёзу қиши,  
Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,  
Уён Ватан, уён ортиқ курииди субҳи нажот.

### Камий

Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси мактабдур. Ер юзидағи маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият боғчасиңга шу дарвозадангина кирмишлар, яъни маориф ва маданият йўлина сафар програми ясаганда биринчи моддасина шул «мактаб очмак» масаласини қўймишлар, ишларни шул «мактаб»-дангина бошламишлар.

### Мунаввар қори Абдурашидхонов

Маориф ва маданият йўлина янги қадам қўя бошлагон Туркистон мусулмонлари ҳам табиий шул босқичларни босмакка ва шул дарвозалардан кирмакка мажбурдурлар.

### Мунаввар қори Абдурашидхонов

...Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ёшлиарнинг илм ва маърифатига, ҳунар ва санъатига bogли-дур...

### A. Авлоний

Илм бир дарё, ичи тўлмиш дуру гавҳар била,  
Қиймати қадрин қачон билғай ани жоҳил илан.

### A. Авлоний

Мактаб уйи — доруломон,  
Мактаб ҳаёти жовидон.  
Мактаб сафойи қалби жон.  
Ғайрат қилиб уқунг, ўғлон!

### A. Авлоний

Бу замонларда илмсиз залил,  
Илм йўлида, оталар, бўлмангиз баҳил,

Жаҳлдур бало, айлангиз ҳазар,  
Илмлик етар, азизим, муддаоларга.

А. Авлоний

Эй миллат, ухлама, илм олур чоги,  
Ҳар миллат илм олди — ёнди чироги.

А. Авлоний

Илмсиз ҳар бир иш охирн войлар,  
Оч кўзинг, эй Ҳижрон, илма бел боғла,  
Эй миллат, ухлама, илм олур чоги,  
Ҳар миллат илм олди — ёнди чироги...

А. Авлоний

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажотдир.

Авлоний

«Илмсиз инсон мевасиз дараҳт кабидур».

Авлоний

«Олим кишилар ҳар ерда азиҳ ва ҳурматлидур.  
Шартимизда қайси илмга муҳтоҷ булсан, шуни билмак  
бизга фарздор. Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини  
қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани булган  
жаҳолатдан қутулмакка жонимиз борича саъӣ қилма-  
гимиз лозимдур».

Авлоний

«Ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва  
маърифат ила баробар иқтисот, инсоф, туганмас саъӣ,  
битмас гайрат лозимдур».

Авлоний

«Ҳозирги замондаги тараққий қилган миллатларнинг  
ҳунар ва санъатларнинг барчаси илм ва назари ибрат  
соясуда намоён үлуб, олами мунаввар ва мусаххар  
қилмишлар».

Авлоний

Ўқингиз, илми ҳикмат сизга, бу иш катта Ибратдур.  
Агар илм урганурсиз барча ишда сизга нусратдур.  
Агар илм ўлмаса, нодон умри барча кулфатдур...

Ибрат

Илм—дүнснинг иззати... Илм инсон учун ғоят олий ва мұқадdas бир фазилатдир. Зероки, илм биңга ўз ахволимнин, ҳаракатимизни ойина каби күрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қылур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айюриб берур. Бизларни илм жаҳолат қоронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дүнёсига чиқарур, ямон феълардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур...

A. Авлоний

Булма амалга мухтор озурда жон үлурсан,  
Бад фикр фитнасидин дил тұла қон үлурсан.  
Ҳар касб пеша қылгил бұлмас амал сенга қут,  
Бекасб ўтсанг, Ибрат, мұхтохи нон үлурсан.

Ибрат

Маданият жаҳонда осойиш,  
Халқ ҳусни анга оройиш.  
Маданиятни шаҳрида турмуш,  
Киши гүёеки жаһнат ичра эмиш.  
Маданият халойиққа роҳат,  
Күрмагай ғамни ҳеч соат.  
Маданиятни шаҳри ичра тур,  
Даштда юрма, гулистон ичра юр.  
Маданиятда юргил үлгунча,  
Бадавиятда шоҳ бүлгунча.  
Маданийлар ўзига шоҳ үлгай,  
Бадавийларки, бир гадо үлгай.  
Бадавиятда жамъи заҳматлар,  
Маданият ичинде раҳматлар.

Ибрат

Мактабки, кони илму ҳаёву адаб әрур,  
Мактабки, файз қашмасию фазлы раб әрур.  
Мактабки, обрӯю камола сабаб әрур,  
Мактабки, фавқу ҳар шашыу күлли насад әрур...

Қамий

Мактаб әмасму икки жаҳоннинг саодати,  
Мактаб әмасму давлату иқбол раояти,  
Мактаб әмасму мол ила жоҳнинг зиёдати,  
Мактабки, маъданы дурру сийму захаб әрур.

Мактаб эмасму жоҳили оқил қиласан, Қамни,  
Мактаб эмасму иоқиси комил қиласан, Қамий,  
Мактаб эмасму омини фозил қиласан, Қамий  
Мактабки, дағын ҳама жаҳлу ғазаб әрур.

Қамий

Мактабдур раҳбар, илм әрур гавҳар,  
Деди пайғамбар куб ҳадисларда.  
Үқусун қуръон ҳар мусулмон,  
Яшасун урфон, яшасун миллат.

Тавалло

Үқинг, фарзанди зебосиз, замон сизларга хұб боқди,  
Бұлинг аллома одам сиз, замон сизларга хұб боқди.

Утибдир кексалар умри басс кулфат, надоматда,  
Олинг ибрат бу ишдии сиз, замон сизларга хұб боқди.  
Замон Афлотуни тенгсиз муаллимлар бұлуб раҳбар,  
Қүйнинг ихлос алаңға сиз, замон сизларга хұб боқди.  
Қилицілік илму ҳунарлар касбнин айланғ тараққийлар,  
Бу ишда журъат айланғ сиз, замон сизларга хұб  
боқди...

Қүйнинг эл хизматига ҳиммат айлаб үз фунунингиз,  
Басе иекном булғайсиз, замон сизларга хұб боқди.

Хислат

Яшнатиб дил ғұнчасин, фасли баҳор айлар газет,  
Сув берінб күнгүл богини сабзавор айлар газет.  
Шарқдан Мағрибгача бұлғон ҳаводисин ёзиб,  
Не гұзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет.  
Куб үқур бұлсанг, бұлурсен эл аро чун нұктадон,  
Сүзлаганда сүзларнингни бегубор айлар газет.  
Гоҳи-гоҳи келмайин қолса үзиннинг дұстларин  
Шавқида телмуртириб куб интизор айлар газет.  
Чиқса бир хұрсандлық сағұасида дарж үлуб,  
Фикри завқ-ла қалбни бенхтиёр айлар газет.  
Э, не хушким халқымыз сүймакда күн-кундан сени,  
Бир вақт зарларни бошнингдан нисор айлар газет.  
Ноумид бұлма, чиқар бир күн ҳақиқий дүстларинг,  
Ердам айлаб, мұштарийни бешумор айлар газет,  
Иўқисил эл ақволидан гар сен ёзиб берсанг хабар,  
Дарж этиб бу йұлға жалби әзтибор айлар газет.

Гар қорайған дил, түнүк руҳларга бердікчи зиё,  
Бұлғани жон доимо бошқа тумор айлар газет.

*Сұғизодас*

Қадрдоним қалам, мардана бұлғил вақти хизматдур,  
Агар мендан кейин қолсанг, либосинг сиімү зардантур.

*Сұғизода*

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,  
Ұқусин ёшларимиз, күнглини шод этгуси мактаб.

Дилу жон бирла әл мактаб очарга ижтиҳод этсін,  
Недінкім, бизни ғам қайдидин озод этгуси мактаб.

Күнгулларнинг сурури, доги күзлар нуридур фарзанд,  
Аларнинг умрінін, албатта, обод этгуси мактаб.

Ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий —  
Ки, бизни яхшилик қылмоққа мұытод этгуси мактаб.

Қаю миллатга біздек гар насими инқироз етса,  
Анга, албатта, мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.

Бу не навмидликдур, мактаб очсак, оқибат бизни,  
Аруси ком ила мақсұдға домод этгуси мактаб.

*Аваз Үтар*

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,  
Ұқусин ёшларимиз, күнглини шод этгуси мактаб.

Дилу жон бирла әл мактаб очарга ижтиҳод этсін,  
Недінкім, бизни ғам қайдидин озод этгуси мактаб.

Күнгулларнинг сурури, доги күзлар нуридур фарзанд  
Аларнинг умрінін, албатта обод этгуси мактаб...

Қаю миллатга біздек гар насими инқироз етса,  
Анга, албатта, мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб...

Аваз, ҳимматни қил олнің очарға эмди мактаб,  
Балои жаҳлу нодонликкін барбод этгуси мактаб.

*Аваз Үтар*

## АДАБИЕТ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАР

Куринди күзга буқун миллатнинг ҳаёт асари,  
Театр ўйнади ёшлар, тараққи(й)нинг хабари.  
Келинг, кўринг, югуриңг сиз эмди ёшу қари,  
Берар натижалар, аммо йўқ бунинг тамом зарари.  
Кўрингки, миллата эмди бу бир ҳаёт асари,  
Театр ўйнади ёшлар — тараққи(й)нинг хабари.

Тавалло

Ватан, ватан, ватанимиз, дилингни маҳкам тут,  
Аввалда билмади қадринг, сан эмди они унут.  
Ёқуб ватан чироғини, қоронғу дилни ёрут  
Кел эмди, гайрат айла, бидъат илдизини қурут.  
Кўрингки, миллата эмди бу бир ҳаёт асари,  
Театр ўйнади ёшлар — тараққи(й)нинг хабари.

Олиигки, баҳра ёронлар, ҳаёт лаззати бу,  
Муяссар ўлди биза, миллатнинг шарофати бу.  
Бунга етушмагимиз — ёшларнинг маҳорати бу,  
Кимики саҳнада кўрсанг, ани жасорати бу,  
Кел эмди ётма, Тавалло, бу бир ҳаёт асари  
Берар натижалар, аммо йўқ бунинг тамом зарари.

Тавалло

Адабиёт ҳар бир миллатнинг ҳисли кўнгул тарихи-  
нинг энг қоронғу хоналарида маншат (тирнкчилик)нинг  
кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда етишган,  
файзли тил бирла тақдир этула олмайдургон бир гул-  
дир. Ушбу яшадигимиз муҳит доирасинда анинг тўл-  
қуни одамнинг ҳар хил маншатига қараб ўзгарадир.

Чўлпон

Адабиёт яшаса, миллат яшар. Адабиёти ўлмагон  
ва адабиётиннинг тараққийснга чолишмаган ва адиллар  
етишдирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўй-  
дан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бў-  
лур. Мунин инкор қилиб бўлмас, инкор қилғон миллат  
ўзини инқирозда эканин билдирур.

Чўлпон

Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сунган, ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдиргон, ўткур юрак кирларини ювадургон тоза маърифат суви, хиralашган ойналаримизни ёргу ва равшан қиладургон, чанг ва тупролар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви бўлғонликдан бизга гоят керакдир.

Ҳозирда бизга бирдан-бир лозим бўлғон нарса — адабиёт, адабиёт, адабиёт...

*Чулпон*

Ёзувчи бўладирган ҳар бир киши адабистдаги оқим ва мактабларни яхши биллиб олиши керак. Энг яхши ёзувчиларнинг асарларини бир неча қайталаб ўқиш зарур. Ўқиганда ҳам ёзувчининг нима демоқчи эканини ва фикрини қандай йўл билан ўқувчига англата олганини диққат қилиб сурнштириб бориши керак. Шундагина ёзувчилардан ҳунар ўрганиш мумкин.

*A. Қодирий*

Оннаийн ҳар миллат эрур тил — адабиёт.

*A. Авлоний*

Адабиёт, шеър торликини истамайдир, торликда ўсмайдир.

*Фитрат*

Ўзбек адабиётининг кечған йўлига, ҳозирги ҳолига ва истиқболига назар солса, тог-тоғ ишлар қилиш лозимлиги очиқдан-очиқ кўринади.

*Боту*

Мафкура жиҳатидан соғлом адабиёт бўлиши керак дейиш, албатта, адабиёт масаласининг мажмунин ҳал қилмайди.

*Боту*

Адабиёт — фикр, туйгуларимиздаги тўлқинларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам шу тўлқинларни яратмоқдур.

*Фитрат*

Бедилнинг китоби катта бир денгиздирки, ҳар ким ўз идишинга яраша бундан сув кўтаради.

*Фитрат*

«Санъат» луғатда ҳунар демакдирким: бир нарсаның яхши ишлаб чиқара турғон бұлса, шу иш унинг санъати бұладыр.

### Фитрат

Үз адабиёттің тараққиеті борасында жусти-жұқилиб, ҳар тонфа адіб ва шоирлар етуштироқ гамини емажан миллат ахир бир күн ҳиссияттардан, ўй-фикрлардан маҳрум қолиб, охир-натижада маънан инқироз сари юз тутады. Шуни инкор қилиб бұлмас, асло. Инкор қылғон халқ үзини инқироз даресиға гарқ булурини таъмин қылғонидур.

### Нозимахоним

Биз күз очиб, үзга халқлар маншатыға күз солсак, уларни ёшидан қарисиға қадар адабиётдан баҳра олмоқни үз муқаддасы миллиясы деб билур.

### Нозимахоним

Биласанми, шоир ишқининг әнг нозли,  
Эрка, инжиқ ёвдусидир, туролмас —  
Маъшуқадан күрмагунча кулушлы,  
Марҳаматли, чин сезгули бир күмак.  
Мана шудир унинг учун бир тилак.

### Шоир

Табиатдан сирли, теран маънолар,  
Тирнекликчун очиқ, тұғры, чин ғұллар  
Иzlар, топар, үзи учун сақламас  
Унларни  
Ез гулининг япрогидан тұқулғон  
Сұзлар билан үраб бизга топшурар.

### Шоир

Ишқ бөгөннинг тентак сингирли ёнғон  
Булбулдир, башарият дүнесин  
Қичик нозик қаноти узра құяр,  
Құклар сари юксалғани тирпинар.  
Мана шунинг үксуз, йұқсул күнглини  
Құттармак-чун гүз алларға тегишдир.  
Ким озгина қарагайлар, кулгайлар,  
Инграб турғон жонини  
Құллагайлар, бир оз күмак әтгайлар.

### Фитрат

## . ТИЛ МИЛЛАТИНИНГ ОПИЛСИДИР

Халқининг она тили (бу) миллатнинг адабий тилядир. Агар бизим қадимий адабий тилимизнинг бир ҳалқаси Алишер Навоий тили бўлса, турли шевалардан таркиб топган янги замонавий тилимиз уннинг иккинчи ҳалқасидир.

*И. Гаспрали*

Инсоннинг оти бўлмаса ўзи ҳам йўқ демакдир, шунингдек, тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир.

*И. Гаспрали*

Камолот ва маориф лисон тараққийсина боғлидур. Бир миллатнинг яхши ишланмиш ва адабий бир тили ўлмаса, камолот ва маорифи нежа ўлур? Сув оқмая ариқ ўлмаса, сув қайдин оқиб келур?

*И. Гаспрали*

Биз туркистонийларга туркий, арабий, форсий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбакийни сабаби шуки, Туркистон халқининг аксари ўзбекча сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва адабий тилидур. Бу кунгача Туркистонни ҳар тарафидаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни таҳриру таржималарн форсчадур.

Бу қонда, яъни дарс китоби арабий, муаллим туркий, таҳриру таржимонн форсийлигни хийла ажибдур. Туркистонда қадимдан бери бу уч тил жорийдур...

...Форс шоишу адабоси асарлари қиёматгача лазати кетмайдурган хазинан маънавийдурки, мундана фойдаланмоқ учун овруполиклар миллиардлар сарф этарлар. Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни таҳлилсиз билурмиз. Ҳар туркни форсий ва ҳар форсийни туркий билмоғи лозимдур.

...Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмоқ ила мумкин бўлур...

...Бизга лозимки, ўз нафъимиз учун русча билай-

лик, ҳукумат мақтабларинда ўқуйлик, давлат мансабларига кирайлук. Ватанимизга ва ўз дннимизга хизмат этайлук. Мусулмон бўлуб туриб тараққийлашайлик. Бу замон тијорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат русча илмсиз бўлмайдур. Масалан, бу кунги (подшохлик дума)ға ўз дин ва миллатимиз нафъига сўзламоқ бизлар учун мумкин бўлур. Аммо анда боруб сўнлагувчи киши бизда йўқ. Анда боруб нафъи ватан ва миллатға сўйламоқ учун Россия мактабларинда бир ўн сана ўқимоқ керак, замондан, қонундан хабардор бўлмоқ керакдур. Хулоса, бугун бизларға тўрт тилда таҳриру тақрир этгувчилар керак, яъни арабий, русий, туркӣ ва форсий. Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур. Арабийнн билмасак — дин, русча билмасак — дунё қўлдан кетар, туркӣ ва форсийни кераклиғига сўз йўқдур. Яна бир тил ва хат борки, бутун олам бирбири ила анинг ила сўйлайдур. Ул Франция тили ва хатидур. Гайридиннинг илм ва хатини ўрганмоқ шариатға дурустдур..

### Беҳбудий

Ўқинг руси забонин, эл аро бу яхши хислатдур,  
Забони бе забон бўлмоқ, билинг, бу кони иллатдур.

### Нозимахоним

Ҳар қанча лисони чўқ билурсан,  
Дунёда азиэроқ ўлурсан.

Ким давлатининг лисони билмаз,  
Таассуф сунғинда суд қилмаз.

### Ажсий

Ҳар тилини билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситан робитан оламиёндур.

Ғайри тилини саъи қилинғ билгали, ёшлар.  
Ким, илму ҳунарлар барнси ондин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилини билув она тилидек,  
Билмакка они ғайрат этинг, фойдайи кондур.

### Аваэ Үтар

Яхши билиш керакки, қалам — ўқлоғи, матбуот—  
кетмөн бозори эмас. Пусинсиз равиша хотирға кел-  
ган ҳар бир сұздан жумлалар тұқимоқ фазилат санал-  
майды. Сүз қолип, фикр уннинг ичидаги хумдонидан  
пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига асос булиб ётсін!

Сүз сұзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ ан-  
диша керак.

### A. Қодирий

Хиғзн лисон деб ҳар бир миллат ўз она тили ва  
адабиётини сақламагини антилур. Ҳар бир миллатнинг  
дунёда борлыгин күрсатадурған ойнаи ҳаёти тил ва  
адабиётидур. Миллий тилни йүқотмак миллатнинг  
рухини йүқотмакдур. Ҳайхот! Биз, Туркестонликлар,  
миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундаң  
күн унутмак ва йүқотмакдадурмиз. Тилемизнинг ярми-  
га арабий, форсий улангани камлик қылуб, бир четига  
рус тилини ҳам ёпиштирмакдадурмиз. Зигир ёғи солуб,  
мошкичири каби қылуб, аралаш-қураш қылмак тил-  
нинг рухини бузадур...

Боболарнызға етишғон ва яраган муқаддас тил ва  
адабиёт бизга ҳеч камлик қымас... Пайғамбарныз:  
«Әрларда жамол лисон ва тилдур» — демишлилар.

Эй она тил, азиз қадрдоним,  
Илтифоти руҳим, раҳмоним.  
Түғдигим кундан айладинг улфат,  
Улгунча айрилма, эй жоним.  
Менга илму адаб сан үргатдинг,  
Чин адіб, муаллим, шоним.  
Миллатнинг руҳини кутаргувшисан,  
Энг муқаддас карамлы султоним.

### A. Авлоний

Тилларнинг энг яхшиси сұзға уста тил, сұзларнинг  
энг яхшиси білуб ва охирини уйлаб сұзланған сұздур.

### Авлоний

Агар сүз ақл ва ҳикматта мувофиқ бұлуб, үзига  
ёки әшитувчига бир фойда чиқадурғон бұлмаса, асал-  
ары орасида гүнғуллаб юрган қовоқари каби қуруқ  
гүнғурламоқ фақат бөш оғриғидан бөшқа бир нарса  
эмасдур.

### Авлоний

## МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

### ИСМОИЛБЕК ГАСПРАЛИ

(1851—1914)

Ўз замонасида барча маърифатпарвар зиёлилар орасида беҳад ҳурматга сазовор булган Исмоилбек Гаспрали Оқмачит (ҳозирги Симферополь) шаҳридан унча узоқ бўлмаган Гаспра қишлоғида 1851 йилнинг 21 марта таваллуд топди. Отаси Мустафобей ҳукумат идораларида ишлаган, дворян мартабасига Кутарилган зиёли эди.

Крим уруши бошлангач (1853 й.), уларнинг оиласи Богчасаройга кучиб келади.

Исмоилбек 8 ёшидан Ҳожи Исмоилнинг эски мактабига қатнай бошлайди. 10 ёшида отаси уни Оқмачитдаги губерния гимназиясига топширади. Икки йилдан сунг Воронеждаги офицерлар ҳарбий ўқув юртига ўтади. 1864 йил Москвада гимназияда ўқишни давом эттиради. 1868 йил уни битириб, Богчасаройдаги «Занжирли» мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди.

Уқишни давом эттириш мақсадида Истанбулга боради, ундан Францияга ўтади. Вена, Мюнхен, Штутгардт шаҳарларига боради. Парижда И. С. Тургенев билан танишади, бирмунча муддат бирга ишлайди. Француз тилини ўрганади.

Сарбона университетига ўқишга қатнайди. 1876 йил Жазоир, Тунис, Миср, Юнонистон мамлакатларини айланиб, ўз юртига қайтади. Сафари давомидаги курган-библиографлари таъсирида мусулмон маърифати ва адабнётини ривожлантириш режаларни тузади. Қозонда татар маърифатпарварлари, шоирлари Шаҳбиддин Маржоний, Санд Рамиев ва бошқалар унинг бу эзгу орзу-истакларни қўллаб-қувватлайдилар.

1881 йил Симферополда «Русия мусулмончилиги» номли асари босилади. Мазкур асарда олга сурнлган маърифатпарварлик ғоялари кейинчалик унинг 1883 йили Богчасаройда нашр қилина бошланган «Таржумон» газетасида босилган кўплаб мақолаларида, асарларнда янада ривожлантирилади.

1884 йил Исмоилбек Гаспрали янгича — «Усули жадида» мактабини ташкил этади. Ана шу мактаб

учун «Хўжан сибён» (болалар муаллими) номли биринчи дарсленин тузади. Унинг гоялари ўтган асрнинг охирларида Туркистонга ҳам кириб кела бошлайди. И. Гаспралин Туркистонда бўлиб, бу ердаги ишлар билан танишади (1891—93), Бухоро ва Самарқанддаги илгор фикрли кишилар билан учрашади.

1907—1908 йилларда Исмоилбек яна Туркистонга келади.

И. Гаспралининг вафоти (1914 й.) бутун туркий халқлар учун бениҳоят катта йўқотниш бўлган эди. Унинг гоялари ва «Усули савтия» деб аталган янги ўқитниш усули халқни маърифатга элтиш, озодликка олиб бориш йўлида дастуруламал вазифасини ўтади.

## ИСҲОҚХОН ТУРА ИБРАТ

(1862—1937)

Исҳоқхон Ибрат маърифатпарвар шонир, забардаст тилшунос, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаачиличидан бўлиб, публицист, моҳир педагогидир. Исҳоқхон 1862 йилда Наманган яқинидаги Тўракўргон қишлоғида туғилди. Унинг отаси Жунайдуллахўжа Суннатлоҳоҳужа ўғли анча билимли соҳибкор боғбонлардан эди. У адабиётга, шеърнингтага анча ихлос қўйган ва «Ходим» тахаллуси билан бирмунча шеърлар ҳам битган. Онаси Ҳурибиби ўз даврининг ўқимишли, оқила аёлларидан бўлиб, ўз уйида қишлоқ қизларини ўқитарди. Ҳурибиби ҳам адабиётни севган аёл эди. Лутфий, Алишер Навоий, Жомий, Бедил, Машраб каби буюк шонрларнинг асарларини мутолаа этиш бу хонадон учун севимли машғулот ҳисобланарди. Исҳоқхон дастлабки маълумотни эски мактабда олди, сўнгра онасининг қулида ўқиди. Адабиёт ва санъатга зўр муҳаббат қўйган Исҳоқхонни ўқишни давом эттириш учун Қўқонга юборадилар. У 1879 йилда Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасига ўқишга киради. Қўқонда ўқиб юрган кезларида Фарғона водийсида анча шуҳрат қозонган Муқимий, Муҳъян, Фурқат, Убайдулло Ғурбат, Нодим Наманганийлар билан яқин алоқада бўлди.

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда мадрасани тугатиб, Тўракўргонга қайтиб келади. У ўз фаолиятини педагог сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлади. Уша йили эски маҳаллий мактаблардан анча Фарқ қилувчи янгича мактаб очади.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг «Луғат ситта-ал-сина» («Олти тилли луғат») асарида ёзишича, 1887 йилда онаси Ҳурибибининг илтимосига кўра унн ҳажга олиб боришга отланади. Бироқ Ҳурибиб Жидда шаҳрида ўпка шамоллаши касалидан вафот этади. Исҳоқхон Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатини давом эттиради. Европанинг Истанбул, София, Афина, Рим каби марказий шаҳарларнда булди, анча вақт Арабистоннинг Жидда шаҳрида истиқомат қилди. 1892—1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарлари Бомбей, Калькуттада яшади. Исҳоқхон у ерларда кўп ишлатиладигаи арбаиллисонни, яъни 4 тилни: араб, форс, ҳинду-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. Исҳоқхон 1896 йилда ўз Ватанига қайтиб келди.

Рус тили билан бир қаторда унга яқин Шарқ ва Фарб тилларини анча мукаммал билган Исҳоқхон Ибрат 1901 йилда «Лугати ситта-ал-сина» асарини босмадан чиқарди. Мазкур луғат «усули жадид» мактабларида Шарқ ва рус тилларини ўрганишда бирдан-бир қўлланма сифатида фойдаланиб келинди.

Исҳоқхон Ибрат 1912 йилда йирик тилшунос олим сифатида тилшуносликининг энг мураккаб соҳаси — ёзувлар тарихига банишланган «Жомеъ ул-хўхут» («Ёзувлар мажмуаси») асарини яратди ва ўз матбааси «Матбаан Исҳоқия»да босмадан чиқарди.

Исҳоқхон Ибрат чин қалбдан ўз халқининг илмли, маърифатли бўлишини истади ва бу истагини амалга оширишда библиотеки, куч-гайратини аямади. Кейинги 20 йил ичida 14 та илмий-тарихий, лингвистик асар ёзди. 30 йиллик поэтик ижодининг мажмуюи бўлмиш «Девони Ибрат» шеърлар тўпламини тузди. Тарихшуносликка оид «Тарихи Фаргона», «Тарихи маданият» ва «Мезон ул-замон» илмий асарларини яратди.

Исҳоқхон Ибрат октябрь тунтаришига катта умид билан қаради. Янги мактаблар очди, маърифий-маданий муассасалар ташкил қилиш, саводсизликни тугатиш кампаниясида фаоллик кўрсатди. Лекин Исҳоқхон Ибратнинг сунгги йиллардаги ҳаётини анча таҳликали ўтди. 1935 йилдан эътиборан у ҳамма лавозимлардан олиб ташланди. Ибрат тепасида ҳам даҳшатли қатагон булулларни қуюқлашиб бормоқда эди. 1937 йилнинг апрель ойида 75 ёшни қоралаган кекса шоир ва бир «қора машина» тўла китоб Андижон турмасига олиб кетилди. Ибрат Андижон турмасида вафот этди.

## СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ

(1864—1927)

Сиддиқий-Ажзий миллий уйғоннинг йирик вакилларидан бири, миллат, ватан, озодлик мавзуларни баралла күйлаган, халқни маърифатга элтишда катта хизмат қилган зиёлиларимиздан эди.

Саидаҳмат Сиддиқий-Ажзий 1864 йил Самарқанд вилоятининг Жомбой туман Халвойи қишлоғида ҳунарманд оиласида таваллуд топди. Ешлигига отаси вафот этиб, бобоси Алихўжа қўлида вояга етди. Булажак шоир янгасида савод чиқарди. Кейни Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсилни давом эттириди. Бироқ, асосий сабоқни ҳаётдан олди. Билмени кўпроқ мустақил эгаллади. Ота касби тўқувчилик билан шуғулланди. Шу билан бирга у ўқишини бир зумга тўхтатгани йўқ, аксинча, янада қизиқиш билан ўқишига берилди. Шарқ классик адабиётини қунт билан ўрганди, араб, форс, озарбайжон ва кейинчалик рус тилини эгаллади.

80-йиллардан узи ҳам анъанавий усулдаги шеърлар машқ қила бошлади. Қўп соҳада уқувли бўлган Сайд-аҳмад тез орада яхшигина шоир сифатида ҳам танилди. Бироқ замонасининг буюк кишиларидан бири сифатида эътироф этилишига боис унинг маърифатчилик фаолияти ва ижодидир.

1901 йил отамерос боғини сотиб, ҳаж сафарига отланади. Бир қатор Шарқ мамлакатларида бўлиб, ислом дунёсидаги янгиликлар билан танишади, бир неча муддат Жиддада Русия элчихонасида тилмоchlик қиласди. Сўнг Москва, Петербург шаҳарларини айланиб, Тифлисга утади. Бу ерда у машҳур озар жадидлари Жалил Мамадқулизода ва Алиакбар Тоҳирзода Собирлар билан танишади.

Самарқандга дунёқарашни кескин ўзgartирган бу саёҳатдан юксак орзулас, биринчи навбатда, янги мактаб очиш, миллат ва ватанга фидойи ёшларни тарбиялаш фикри билан қайтади.

1903 йил Халвойи қишлоғида янги мактаб очади. Шоир кейинги бутун ҳаётини ана шу муқаддас ишга сарф этди. Узи очган мактабда табиий фанлар, араб ҳамда рус тилларидан сабоқ берди, дарслеклар тузди. Рус адабиётининг йирик вакиллари Л. Н. Толстойнинг бир қатор ҳикояларини, Н. В. Гоголининг «Шинель» қиссасини, И. А. Криловнинг масалларини ўзбек

ва тожик тилларига таржима қилиб, узи тузган дарсликларда булардан унумли фойдаланди.

Сиддиқий вақтли матбуот нашрларнда ҳам фаол иштирок этди.

Ватан, илм-маърифатга бағишланған мақолалары билан Қозон, Оренбург ва Қавказдаги нашрларда ҳам қатнашди. 1914 йили үз ташаббуси билан «Зарафшон» номлы кутубхона очди.

10-йилларда шоир «Айн ул-адаб» («Адаб күзи») ва «Ганжинан ҳикмат» («Ҳикматлар хазинаси») номлы ўзбек ҳам тожик тилларидаги икки шеърин тұпламини ҳамда «Миръоти Ибрат» («Ибрат ойнаси») ва «Аижумани арвоҳ» («Руҳлар нигини») номлы достонларини яратди.

1918 йили Тошкентда ташқыл топған Туркистан халқ дорилғунунида ёрдам жамияти тузади. Самарқанд мұсулмон Шўросининг раис муювии, вилюят адлия комисари булиб ишлайди. 1921 йилдан барча расмий ишлардан воз кечиб, қишлоғида, үзи очған мактабда муаллимлик қиласы.

1926 йили қаттиқ касалланиб, 1927 йилнинг июль ойнда Самарқандда вафот этади.

## КАРИМБЕК КАМИЙ

(1865—1922)

Камий 1865 йилда Тошкентнинг Себзор даҳасида туғилди. Дастлабки таълимни Мозорхон маҳаллалык Мансурхон домлада олади. Кейинроқ «Бекларбеги» мадрасасида ўқиди, замонасаннинг машхур мударриғларидан Шомаҳмуд Охунд қулида таҳсил курди. Камий бүш вақтларини мутолаага, илм ва ижодға бағишлиди. Чопонфуруш савдогар онласидан булишига қарамай, камтар ва камсуқум тарзда ҳаёт кечирди. Дунё ташівшларидан этак силкиб, үзи ўқиган мадраса—«Бекларбеги»нинг ҳужралари қан бирида фақирона яшади. Бироқ, шоир бу давр адабий ва ижтимоий жарайенида фаол қатнашди. Ижодий фаолияти жуда сермаҳсул кечди. Уннинг мұмтоз адабиётимизнинг деярли барча жанрларыда қалам тебратганиннинг гувоҳи бўламиз. Бу ижодий фаоллигининг натижаси ўлароқ шоирдан б минг сатрга яқин шеърий ҳамда насрин асарлар ва үзи тузган бир неча қўллэзма баёзлар қолди.

Камий шеърияти шаклан ва мазмунан хилма-хил.

Шоирнинг жўшқинлик ва дард билан йўғрилган ишқий газаллари, заҳархандалик ва дадиллик акс этган ижтимоий мавзудаги манзумалари, миллат келажаги ва унинг фарзандларини илм-маърифатга кўйиниб даъват этган шеърлари шоир мавқенини салафларидан анчагина юқори кўтарди. Камий замондошлари томонидан «суханварлиқ иқлимида шуҳратбардору олий нишон», «хуш-фасоҳат иқлимига шоҳ» деб таърифланади. Муқимий Камийга ёзган мактубларидан бирида унга «Биродари киромий мавлавий Камий» деб мурожаат қилган, унинг «Этмайин» газалига ихлос билан мухаммас боғлаган эди. Шоирнинг Фурқат, Юсуф Сарёмий билан яқиндан ҳамкор бўлгани, улардан ўргангани, Хислат, Мискин, Сидқий кабиларга устозлик қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Шоирнинг ишқий ғазаллари алоҳида бир маҳорат билан ёзилган. У мумтоз шеърнитимизнинг аиъанавий шакл ва санъатларини маҳорат билан қўллаган ҳолда ўзи ҳам бошқалар ҳавас қилгулик иодир ғазаллар яратади. Улар ўзининг равонлиги, халқчил ва айни пайтда санъаткорона ёзилганлиги билан ўқувчини ўзига ром этади.

Камийнинг ижтимоий мавзудаги асарлари ҳам гоят замонавий ва ҳозиржавоб. Шоир ўз даврининг чарсилама муаммоларини қаламга олади. Айниқса унинг «Яҳши» деб аталмиш манзумаси шоир ижтимоий-сиёсий қарашларининг ғоят теран, дадил эканини курсатади. Шоирнинг кўп сонли асарлари маърифатпарварлик руҳида, илм-фанин тарғиб қилиш мақсадида ёзилган. Камий бу мавзуда жуда кўп ва хуб ёзган, ёзганда ҳам ўтли бир дард билан ёзган. Россия истилоси ўз йўлига, бироқ бу истило туфайли ўлкага кирнб келган европача маърифий янгиликлар унда ўз миллатига мансуб ёшларни ҳам илгор фан тараққиети билан ҳамнафас қилиш орзусини уйғотади ва бу орзу тинчлик бермайди.

Камийнинг «Гимназия хусусида», «Темир йул хусусида» ва бошқа шу руҳдаги асарларида илм қадрланади, илмсизликка лаънат ўқилади, илм-маърифага лоқайд маҳаллий амалдорлар нафрат билан тилга олинади. Камий ижоди ҳали ўрганилиш босқичида турибди. Шоир ижоди ва фаолияти ҳақида шу кунларгача кам гапирилди. Бунинг турли сабабларин бор, албатта. Бироқ истиқлол шабадаси туфайли қатор

алломаларимиз ижодини ўрганиш, улардан баҳрамаң булиш имкони туғилган шу кунларда биҙ Қаримбек Қамий каби миллатимиз фидойилари ҳәётини тадқик қилишимиз, асарларини тұплаб нашр этишимиз лозим. Чүнкі истиқтолга юз тутган жамиятимиз, унинг етуқ аъзоларини тарбиялаш әхтиёжи ҳам шуни тақозо этади.

## САИДАҲМАД ВАСЛИЙ САМАРҚАНДИЙ (1869—1925)

Үз асарларида эркни, адолат ва тенгликни күйлаган, илму маърифатни Ватан ва Миллат озодлиги йўлидаги чироқ деб билган ижодкорлардан бири Сандашмад Васлийдир.

1869 йили Самарқанднинг Кўк масжид гузаридаги пичоқ ясовчи уста Сайдазим хонадонида дунёга келди. Дастлаб ўз маҳалласида, мулла Абдулҳамид қўлида ўқидн. Сўнгра Тошкент ва Бухоро мадрасаларида уқиши давом эттиради.

1905 йил Бухорода расмий мударрис тайин этилгац, 4—5 йил чамаси шу ерда ишлади. Кейин Самарқандга қайтиб, Орифжонбой ва Шоҳизинда мадрасаларида мударрислик қилди.

Сандашмад Васлий ўзбек тилидан ташқари, форс ва араб тилларида ҳам бирдек қалам тебратган.

1909 йил «Армуғони дўстон» номли форсча шеърлардан иборат девонини эълон қилган. Ўзбекча «Туҳфат ул-аҳбоб» номли девонини 1912 йил Тошкентда чоп эттиради. Васлий замонасининг йирик уламоларидан эди. Бизга мерос қолдирган асарлари ўзбек, форс, араб тилларида бўлиб, мавзу ва жанрларига кўра хилма-хилдир. Улар орасида шеърий асарларидан тортиб, грамматикага бағишлиланган «Муқаддиман сарфу наҳву арабий ҳам намунаи сарфу наҳви форсий» деб аталган дарслиларгача, ислом ва исломий маданиятга оид рисолалардан тортиб, «Ақойидайн ғайри манқута» ва «Нафъ ул-толнб» деб номланган ва талабалар учун жуда фойдали бўлган қўлланмаларгача бор.

Сандашмад Васлий таржима соҳасида ҳам анча ишлар қилган.

Масалан: Жомийнинг «Баҳористон»и, Муҳаммад Ханафийнинг «Мибояд дид» («Боқмоқ керак») асарлари шулар жумласидандир.

Васлий публицист сифатида ҳам вақтли матбуотда ғаол иштирок этган. «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Садон Фарғона», «Садон Туркистон», «Ал-ислоҳ» ва бошқа нашрлардаги чиқишлиари бунга мисол бўла олади.

Васлий бу чиқишлиарида илм-маърифатин тарғиб қилди. Ватан ва миллатни, исломни озод ва ҳур куришни орзу қилди, бунинг учун эса, ҳамжиҳат, иттифоқ бўлиб, маърифат сари интилнш кераклигини баралла куйлади.

Кенг қиррали ижодкор Саидаҳмад Васлий 1925 шили Самарқандда вафот этди.

## СУФИЗОДА

(1869—1937)

Ўзбек адабиёти тарихида Ўзбекистон ҳалқ шоир фахрий увонига биринчи сазовор бўлган шоир Муҳаммадшариф Сўфизодадир.

Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли 1869 йил 29 январда Чустда туғилди, унинг отаси пичоқчи — ҳунарманд эди. У маҳалласидаги қўшиниси Манзура отинда савод чиқарди, айниқса, шеъриятга муҳаббат қўйиншида нозиктаъб, шеърни ниҳоятда нафис ўқувчи Манзура отиннинг хизмати катта бўлган. 1893—1898 йилларда у Қўқонда яшади ва мадрасада таълим олди. Қўқон адабий муҳитининг машҳур шоирлари Муқимий, Муҳъян, Завқий, Нодим Намангоний билан яқин муносабатда бўлди. Булажак шоир дастлабки шеърларнга Муқимий тавсияси билан «Ваҳшӣ» тахаллусини қўллади.

Муқимий ҳажвиёти, Фурқат маърифатчилиги ўзбек адабиётининг бу даврдаги кўпчилик вакилларнга, шу жумладан, Сўфизода ижодига кучли таъсир кўрсатган. Сўфизода 1893 йилда она шаҳри Чустда боёнларни, амалдорларни, мутаассибларни ҳажв қилувчи шеърлари учун «бадасл», «беадаб», «даҳрий» деб аталади ва ўнимга ҳукм қилинади. Шоир ўз ватанини тарк этишга, 14 йил турли мамлакатларда истиқомат қилишга мажбур бўлди. Сўфизода ҳамма вақт ўз маслаҳига содиқ қолди, эркин фикр айтишдан тўхтамади:

Қувди мени жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан.

Сўфизода 1900—1913 йилларда Урта Осиёнинг турли шаҳарларида, Тифлис, Бокуда бўлиб, машхур Ӯзарбайжон демократлари Жалил Мамадқулизода, Тоҳирзода Собир билан танишди, Арабистон, Ҳиндистон, Туркияда бўлди. У қаерда яшамасин, Тошкент, Кавказ, Крим, Оренбург, Туркияда чоп этиладиган газеталар билан алоқасини узмади. Унинг мақолалари, шеърлари «Туркистон вилоятининг газети», «Садон Туркистон», «Садон Фаргона» газеталарида мунтазам чиқиб турди.

1913 йилда Сўфизода узоқ давом этган чет эл сафаридан Чустга қайтиб келади ва усули жадид мактаби очади. Қамарсада қишлоғида етим болалар учун «Дорулайтом» («Ётимлар уйин») ва катталар учун кечки мактаб ташкил қиласди. Бу мактабларда у она тили, жуғрофия, ҳандаса каби фанларни ўқитди. Бу ҳақда газетада қўйидаги кичик хабар босилниб чиққан: «Чуст шаҳрида бир мулла шоир усули жадид мактаби очкан экан. Чуст аҳолилари онинг ахлоқи бузук деб мактабин тарқатиб, ўзини Чустдан ҳайдаб юборган эканлар». Бу «бир мулла шоир» Сўфизода эди.

Газетанинг худди ўша сонида шонрнинг нафақат Чустда, умуман Туркистон миқёсида ҳукм суроётган ижтимоий-снёсий, маънавий таназзулни фош этувчи «Чустилар бизлар» шеъри босилди. Шеър бошидан охиригача «усули қадам»чиларга—мутаассибларга ишбатан аччиқ киноя, асар қаҳрамонларининг ўзини ўзи фош этиши услубида ёзилган эди.

Бу катта тўқиашувдан кейин Сўфизода ўз ватани Чустдан қувғин қилинди. У Туракўрон яқинидаги Шаханд қишлоғида усули жадид мактаби очди. Сўфизоданинг бу ишида Туракўрон қозиси, маърифатпарвар, шоир, педагог Исҳоқхон Тўра Ибрат яқинидан ёрдам берди. Ҳозирда Шаханддаги бу мактаб Сўфизода номи билан аталади.

Ҳақиқатан ҳам, Сўфизода шеъриятида ижтимоий-снёсий мавзу биринчи ўринда туради. Дастрас маърифатпарвар шоир сифатида танилган Сўфизода 1910 йилларга келиб, социал сатиранинг бетакрор намуналарини яратди, миллатпарвар, ватанпарвар шоир сифатида танилди.

Сўфизода шуролар ҳукуматига катта умид боялди, бу умид унинг шеърларида ҳам ўз ифодасини топди. 1935 йилда Сўфизоданинг 65 йиллиги муносабати билан унинг шеърлар тўпламини нашрга тайёрлашти

Киришилди. Афуски, 1937 йилда шоир «халқ душмани» деб эълон қилиниб, қамоққа олинди. 1937 йилда 67 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

## АНБАР ОТИН (1870—1910/15)

Булғувсн шонра 1870 йилда Қўқонда косиб оиласида дунёга келди. Отаси Фармонқул асли марғилоилик булиб, шоира Увайсийнинг жияин, онаси Ашурбиби қўқонлик қиз эди. Анбарой 7 ёшида машҳур шоира Дилшоди Барно мактабига борган. Анбаройнинг шонра булиб стишувида Дилшоди Барнонинг таъсири катта булған. У Анбарой ҳақида қунидагиларни ёзади: «Анбарой буғдойранг, сунбул сочли, оҳу кўз, ой юзли, ахлоқи ҳамида ва одоби писандида соҳибидур. Бу саккиз яшар қизча ёшлигига қарамай, ҳазрати Навоий назмиётларини ўрганиншга беҳад қизиқади. Бу ожиза саккиздан ўн тўрт ёшгача адаб таълимига машғул бўлди. Умидим борки, бу қизча катта шоира бўлгуси». (Дилшоди Барно, «Тарихи муҳожирон», 52-бет).

Ун тўрт ёшли Анбаройни уратепали Зоҳидхўжа исмли новвой йигитга турмушга берадилар. Зоҳидхўжа ҳам шеърият мухлиси булиб, қўқонлик шоирлар Найрий, Мирзо Хўқандий, Сулаймонқул Рожийлар билан самимий алоқада бўлган. Шоира Дилшоди Барно таъкидлаганидек, Анбарой, айниқса, Алишер Навоий шеъриятидан баҳраманд бўлди, уни узи учун улуғ устоз деб билди:

Агар устоди адабни изласанг, Анбар отини,  
Сан Навоий таълимини донм мутолаа қил.

Зоҳидхўжа Анбарининг шеърият билан машғул бўлишига қаршилик қилмади, аксинча, унинг камологи учун шаронт яратишга ҳаракат қилди.

Анбар отин ўзининг гўзал шеърлари билан маҳаллэ аёллари орасида катта ҳурмат қозонади, аёллар йигинига шоира катта файз киритади. Омил мингбошнининг уйида бўлган аёллар йигинида Анбар отин баланд зинадан йиқилиб, икки оёғи синади ва кейинчалик шол булиб ётиб қолади. Узоқ вақт шонрани табибларга кўрсатсалар-да, яхши натижা бермайди. Узоқ давом этган жисмоний азоб-уқубат унинг руҳини, ҳаётга бўлган ишонч ва муҳаббатини сўндира олмади, ўз халқи ва Ватанининг келажагига зўр ишонч билан ижод қилади:

Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод  
Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлагай буниёд.  
Дабистонн улуми сар-басар очиб ҳар эл ичра,  
Кейин айтиб, таҳсилини, навжувонлар  
айлагайлар ёд.

Шоира Анбар отин ижодида мавжуд социал тузумни, айниқса Русия ҳукуматининг олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини фош этувчи, келажак замонлар ҳақидаги орзу-умидларини тараннум этувчи «Қаролар фалсафаси» («Фалсафаи сиёҳон») асари алоҳида урин эгаллайди. Асар 1238 ҳижрий — 1910 миљодий йилда яратилган.

Анбар отин «Қаролар фалсафаси» асарини умранинг охирларида ёзган. Шоиранинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг якуни ушбу рисолада ўз ифодасини топган.

Шоира Анбар отиннинг қалб ҳарорати билан яратилган, ҳалқининг озод ҳаёт ҳақидаги орзуларини тараннум этган асарлари ҳозирги кунимиз учун ҳам қадрлидир.

## НОЗИМАХОНИМ

(1870—1926)

Миллий уйғониш даврида ўзбек адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган оқила аёлларимиздан бирни — шоира, публицист Нозимахонимдир.

У 1870 йили Тошкентнинг Бешогоч даҳаси та илгор зиёли оиласида туғилди. Нозимахонимнинг отаси Мулла Саид Аҳмад ўз даврининг тараққийпарвар зиёлиси, чуқур билимли, уткир зеҳили кишиларидан эди.

У ўз қизини аввал эски мактабда, сўнгра аёллар учун очилган рус-тузем мактабида ўқитишига муваффақ бўлган. Нозимахоним бу ерда адабиётни пухта ўрганади, шу билан бирга тил билишга эътибор беради ва араб, форс, татар тилларни билан бирга рус тилини ҳам ўрганади. У асримиз бошларидан даврий матбуотларда шеър ва публицистик мақолалари билан кўрина бошлиди.

«Туркистан вилоятининг газети», «Оснё», «Шуҳрат», «Садои Туркистан», «Ойина» каби газета ва журнallардаги чиқишилари билан Навоий, Машраб, Нодира, Увайсий, Дилшоди Барно, Муқимий ва бошлайди.

қаларнинг ижодидаги энг яхши анъаналарни давом эттирибгина қолмай, шеъриятни япги мавзу, гоя ва мазмун билан, мундарижа билан бойитди.

У ўзбек маданияти тарихида аёллардан етишган биринчи публицист-журналист ҳам эди.

Шоиранинг аёллар аҳволи, ҳуқуқи, жамнитдаги ўрини, ёшларни маърифат уммонидан баҳраманд қилиш, билим ва маданиятни кенгроқ тарғиб қилиш борасида баҳс этувчи мақолалари замонасидаги илғор, ҳур фикрли кишиларнинг таҳсиннга сазовор бўлган эди.

У ҳам бошқа жадид-маърифатпарварлар сингари февраль-буржуа инқилобига умид билан қарайди. Бироқ, бу умидлар узоққа бормади. Нозимахоним халқ тақдирни, миллат фожиаси учун қайғурган маърифат фидойиларидан бири сифатида тарихда қолади.

У 1926 йили Тошкентда вафот этди.

## МАҲМУДХУЖА БЕҲБУДИЙ

(1875—1919)

Замон пешвоси, миллат фидойиси, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқандда руҳоний оиласида туғилди.

Зиёллар оиласидаги муҳит Маҳмудхўжага ҳам ўз таъсирини ўтказади. Тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида хат-савод чиқаради. Эски мактаб-мадрасада ўқииди. Араб тилини урганади. Қозихоналарда мирзалик, муфтилик вазнфаларида ишлайди. 1902 йили Маккага бориб, ҳожи бўлиб қайтади.

1903—04 йилларда Қозон, Уфа шаҳарларига бора-ди. 1914 йилда Арабистон, Миср, Туркия каби бир Қатор Шарқ мамлакатларнда бўлади.

Жадидчилик ҳаракатининг асосчиси И. Гаспрали билан бир неча марта учрашади, маърифат, миллат, маданият тӯғрисида қизгин суҳбатлар қилади. У ўз даврининг йирик исломшунослиридан бири эди, шу билан бирга сиёсатшунослик билан ҳам жиддий шуғулланган.

Вақтли матбуот саҳифаларида замонасиннинг дол зарб мавзуларига багишланган ижтимоий-сиёсий, тарихий, адабий мақолалари билан фаол иштирок этади.

Мактаб, маориф, маданият, маърифатпарварлик ғояларининг тарғиботи ушбу мақолаларнинг марказида туради.

1912—13 йилларда Самарқандда «Самарқанд» газетаси ва «Ойнна» журналини ташкил этади. Ҳар иккакала нашрнинг асосини маориф-маданият, миллат ва озодлик ғоялари ташкил қиласди. У адид сифатида ўзининг «Падаркуш» драмасини яратди (1911 й.). Унда маҳаллий ёшларни илм олишга унданб, илмсизлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинилигини кўрса-тади.

Беҳбудий янги усуздаги мактабларнинг илк тарғи-ботчи ва асосчиларидан бири, шунингдек, ана шу мактаблар учун дарсликлар ҳам яратган йирик маърифатпарвардир.

1900—1917 йилларда қўйидаги асарлари босилиб чиққан:

- «Падаркуш» (драма);
- «Қитобат ул-атфол» («Болалар мактублари»);
- «Қитоби муитахаби жуғрофиян умумий»;
- «Мухтасари жуғрофиян Русий»;
- «Мухтасари тарихи ислом»;
- «Амалиёти ислом».

Беҳбудий 1917 йилги февраль ва октябрь воқеала-ридан кейинн Туркистоннинг мустақил, озод булиши учун тинмай курашди ва шу йўлда ўз жонини фидо қилди. Буюк маърифатпарвар М. Беҳбудий 1919 йил-нинг баҳорида Қарши шаҳрида қатл этилди.

У жисман маҳв этилган бўлса-да, бироқ ўз ғоялэ-ри, асарлари, амалий нишлари билан Туркистон зиёли-ларига йўл кўрсатувчи машъал бўлиб қолди.

## МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ

(1878—1931)

Эл, ватан тақдирни учун жонини фидо этгани, унинг истиқлоли, мустақиллигини дил-дилдан орзу қилган ва бу орзуни амалга ошириш маслагидан бир қадам ҳам чекинмаган буюк мутафаккirlардан бирин Мунаввар қори Абдурашидхоновдир. У асримиз бошларида мустамлака исканжасида эзилган қалбларга маърифат ва эрк нурини олиб кирди. Мунаввар қори 1878 йилда Тошкент шаҳрининг Шайх Хованд Таҳур даҳаси Дархон маҳалласида мударрис Абдурашид ва Хосият отин оиласида туғилди. Мунаввар қори отадан етти ёшида етим қолди ва дастлабки маълумотни онаси Хосият отиндан олди. Тошкентдаги Юнусхон мадрассаси

саснда уқнйди, сўнгроқ таҳсилини Бухорода давом эттиради. Аммо моддин қийинчиллик туфайли кўп ўгмай. Тошкентга қайтади ва Дархон масжидида имомлик қиласи. Исмоилбек Гаспралининг таълим-тарбия, мактаб-мадраса ислоҳотга онд фикрлари, у нашр этётган «Таржимон» газетаси Мунаввар қорига кучли таъсир кўрсатади. И. Гаспралининг «усули савтия» (товуш усули) мактаблари муаллимлари учун методик қўлланма сифатида 1898 йилда нашр қилинган «Раҳбарн муаллимин ёки муаллимларга ёрдам» асари асосида Туркистон ўлкасида янги — «усули савтия тадрижия» мактабини биринчи бўлиб очган, бундай мактабларнинг илк дастурларини, дарслекларини тузиб берган мутафаккир Мунаввар қори Абдурашидхонов эди. Мунаввар қори бундай мактабни 1901 йилда ўз ҳовлиснда, кейинчалик Тошкент шаҳрининг турли даҳаларида очишга муваффақ бўлди. У бундай мактабларнинг кундалик ўқув-тарбиявий ишларидан тортиб, йиллик битирнш имтиҳонларини уюштиришгача бошчиллик қилди. Мунаввар қори «усули жадид» мактаблар учун 1907 йилда «Адиби аввал» («Биринчи муаллим») ва «Адиби сони» («Иккинчи муаллим») дарслекларни яратди. Айниқса, «Адиби аввал» (алиф-бо) дарслеги катта шуҳрат қозонди.

Мунаввар қори Туркистон ўлкасидаги хайрния жамиятларининг ташкилотчиларидан бирин эди. У 1909 йилда Тошкентда шундай жамият очди. 1913 йилда бу жамият «Турон» номини олди. Бундай хайрния жамиятлари ва улар қошидаги нашриёт ширкатлари Туркистоннинг Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган каби йирик шаҳарларида ҳам ташкил этилди. Улар усули жадид мактабларини иқтисодий ва маънавий томондан таъминлаш, дарслек ва қўлланмалар яратиш, иқтидорли ёшларни илм-фан тараққий этган чет эл мамлакатларига ўқишга юбориш каби муҳим масалаларни ўз зинмасига олди.

Ўзбек миллий матбуотининг вужудга келиши ҳам Мунаввар қори Абдурашидхонов фаолияти билан боғланади. У 1906 йилда миллий матбуотимизнинг илк намуналаридан «Хуршид» газетасини нашрдан чиқарди. Кейинчалик «Нажот», «Кенгаш», «Оснё», «Хуррият», «Турон» газеталарида бош муҳаррир, «Садон Туркистон»да эса бўлим муҳаррири бўлиб хизмат қилди.

Ватанимиз истиқтоли учун курашган фидойилар шоролар даврида ҳам рўшнолик кўрмадилар, аксинча,

октябрь тұнташидан кейин уларға нисбатан таъқиба тазиңк янада күчайды. Шунга қарамасдан, Мунаввар қори миллий театр ишларини тубдан яхшилаш, Туркистанда олій үқув юрті — университет очиш ишларына бошчилик қилды. 1918 йылннинг 3 майда мусулман халқдорилғаннаннинг ректори булып сайланади, унинг саъи-харакати билан 1918 йил 2 июнда дөрілмуаллимнің (үқитувчилар тайёрлаш институты) иш бошлади. 1918 йылда «Түрк үчоги» илмий-маърифий жамиятини ташкил қилды.

20-йилларнинг урталаридан бошлаб миллий зиёлділарни таъқиб қилиш күчая бошлади. Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам ҳамма лавозимлардан четлаштирилди, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий исканжага олинди. Таъқиб ҳам, давлат сиёсий бошқармаси турмалары ҳам Мунаввар қори Абдурашидхон ўғланин истиқбол курашидан қайтара олмади, чунки у ва унинг маслак-дошлари она-Ватаниннинг, халқиннинг порлоқ истиқболига буюк ишонч билан қарадилар. Мунаввар қори 1929 йылда қамоққа олинди ва 1931 йылда 53 ёшида отиб үлдирілди.

## АБДУЛЛА АВЛОННИЙ

(1878—1934)

Янги давр маданияти, адабиётининг асосчиларидан бири, ўзбек болалар адабиёты, ўзбек миллий театри, драматургияси, матбуоти, ўзбек миллий педагогикасыннинг тамал тошини қўйган халқимизнинг асл фарзанди Абдулла Авлоннийдир.

Авлонний 1878 йыл 12 июлда Тошкентнинг Мерганча маҳалласыда туқувчи Миравлон ака оиласыда таваллуд топди. Аввал Уқчидаги бошланғич мактабда, сунг шаҳар мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Бироқ, кўпроқ мустақил ўқиб-ўрганди, тез орада ўз давриннинг саводхон, маърифатпарвар кишисига айланди. Авлонний асримиз бошларыда ўлкамизда авж олган жадидчилик харакатининг фаол иштирокчиси сифатида миллат болаларини саводхон қилиш, улардан етук олимлар, мутахассислар тайёрлаш, Ватанин озод кўриш, фарование этиш йўлида фидойилик билан меҳнат қилди. Ана шу мақсадда жуда кўп жабҳаларда фаол иш олиб борди. 1907 йылда ўз уйида «Шуҳрат» номли газета нашр қилди. Бу газета саҳифаларыда миллат равнағи учун кўниб-пишиб ёзилган таъсирчан мақолаларни ўқиш му-

кин эди. Үз маҳалласида янги усулдаги мактаб очди. «Усули жадид» мактаблари учун тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар», «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби дарслик ва ўқиш китоблари тузди. Мактаб-маориф ишларига ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия жамияти ташкил қилди. «Нашриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» китоб дукони очди.

Абдулла Авлоний узбек театрининг тараққийисида ҳам алоҳида хизмат кўрсатди. У ташкил қилган «Турон» трупаси (1913) ўлкамизда ташкил этилган биринчи профессионал театр трупаси эди. Адиб драматургияда ҳам унумли фаолият олиб борди. Татар, озарбайжон драматургларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди, ўзи ҳам «Пинак», «Адвокатлик осонми?» номли пьесалар ёзиб, саҳнага қўйди.

Февраль ва айниқса, октябрь воқеаларидан сўнг Авлоний ҳукумат ишларига аралашди. Турли ииқнлобий тадбирларда қатнашди. «Ўқитувчилар союзи» тузиб, ташвиқот ишларини олиб борди. «Турон» номли газета нашр этиб, унда илғор қарашларни илгари сурди.

1919—20 йилларда Ҳиротдаги совет элчинонасида бош консул вазифасида ишлади. Хизматдан қайтгач, маърифатпарварлик фаолиятини давом эттирди. Ҳарбий ўқув юртида, Урта Осиё Коммунистик университетида, Урта Осиё Давлат университетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, профессор даражасига кутарилди. «Меҳнат қаҳрамони» узвонига сазовор бўлди.

Маърифатпарвар адиб, педагог, театршунос, ношира жамоат арбоби Абдулла Авлоний 1934 йил 25 авгуистда Тошкентда вафот этди.

## ХИСЛАТ (1880—1945)

Сайдҳайбатуллоҳўжа Сайдорифхўжа ўғли Хислат мумтоз шеъриятимизнинг 20-асрдаги энг етук вакиларидан эди.

У 1880 йил кузнда Тошкентнинг Бешоғоч даҳасидағи Чорсу маҳалласида боғдор Сайдорифхўжа хонадонида туғилди. Аввал эски мактаб, сўнг «Кўкалдош» мадрасасида ўқиди. Мадрасада таҳсил йиллари мумтоз шеъриятга кучли ҳавас уйғониб, ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлайди... Туркий, форсий ва араб шсь-

риятининг машҳур намуналарини мунтазам ўқиш, ўрганиш борасида таржималар қилишга ҳам уриниб куради. Хислат мадрасада таҳсил йиллари Каримбек Каимий билан яқиндан танишади ва уннинг ёрдамида Мухийн, Муқнумий, Шойиқ, Асрний, Оразий каби давр шонирлари билан алоқа болганди.

Хислат шу йилларда моддий аҳволини яхшилаш мақсадида фонус ясаш, дурадгорлик ҳунарларини усталиги шогирд тушнаб ўрганади. У умрининг охиригача дурадгорчиллик касби билан шуғулланган.

Хислат адабиётимиз тарихида ҳассос шоир булиш билан бирга бир қатор баёзлар тартиб этган ижодкор ҳамда форс, араб адабиётининг модир таржимони сифатида ҳам из қолдирган. Унинг 1910—1914 йиллар орасида тартиб этилган «Ҳадияи Хислат», «Армуғони Хислат», «Түхфани Хислат», «Савғоти Хислат» номли баёзлари 19-аср охири 20-аср бошлари адабиётимиз тарихини ўрганишда жуда муҳим манба сифатида қаралди. Уларда ўнлаб замондош шоирларининг сарағаллари, мухаммаслари жамланган. Айни пайтда шоир ўз ижоди намуналаридан ҳам киритган.

Хислат 1903—1904 йилларда Убайд Законийининг «Гурба ва муш». («Мушук ила сичқон») номли форсий ҳикоясини шеър йўли билан туркӣ эркин таржима қилиб нашр эттиради. Бундан ташқари, у Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини насрый йўл билан қайта ишлаб, безакли қилиб нашр эттиради.

У хаттот сифатида ҳам анча ишлар қилган.

Хислатнинг «Шилпиқ», «Ноҳотшӯрак», «Пашмак» тахаллуслари билан октябрдан кейин «Муштум» журналида ўнлаб ҳажвий шеърлар эълон қилгани маълум.

Шоирнинг ўнинчи, йигирманчи йилларда ёзган шеърларида маърифат, илм-фан, замона янгиликлари ҳақидаги қатор ибратли ғоялари учрайди. Афсуски, унинг ижодий мероси тўлиқ тупланган эмас.

Хислат 1945 йил 8 июнда Тошкентда вафот этган.

## ТАВАЛЛО

(1882—1939)

Тулаган Хўжамёров — Тавалло 20-аср бошлари Тошкент адабий муҳитининг кўзга кўринган намояндаларидан эди.

У 1882 йили Тошкентнинг Кўкча даҳасида зиёли

онлода туғилди. Аввал эски мактабда, сўнг «Бекларбеги» мадрасасида таҳсил олди. «Бекларбеки» мадрасаси бу даврларда Тошкент адабий ҳаётининг марказ-ларидан бирни эди. Тавалло шу ерда Каримбек Камий, Мискин, Хислат, Юсуф Сарёмий каби замонасиининг атоқли шоирлари билан танишади. Айниқса Юсуф Сарёмий билан яқин алоқага киришиб, уни ўзининг пири, устози сифатида эътироф этади. «Тавалло» деб тахаллус олиши ҳам мазкур устоз даъвати билан бўлади.

Тавалло ўзи яшаб турган воқеалик моҳнатини, Туркестоннинг чор истибоди остида ҳуқуқсиз, забун бир қисматга маҳкум эканлигини англаган паллада, яъни 1905 йиллардан бошлаб жадидчилик ҳаракатларига үшилди. Бу ҳаракатнинг барча муҳим жабҳаларида иштирок этади. Хусусан, миллий матбуотимзининг илк науналари ҳисобланган «Тараққий», «Шуҳрат», «Садойи Туркестон», «Садойи Фарғона» газеталарида унинг шеър ва мақолалар билан мунтазам чиқиб турганини айтиш мумкин. Еки 1914 йил августида тошкентлик тараққийпарвар ёшлар томонидан ташкил этилган «Нашриёт» ширкати муассислари қаторида Тұлаган Ҳужамёров номи учрайди. 1913 йилнинг ўрталарида Тошкентда биринчи театр труппаси фаолият бошлайди. 1914 йилнинг 27 февралида «Колизей» театри биносида намойиш этилган «Падарқуш» спектакли шу труппанинг илк миллий театр томошаси эди. Тавалло бу ҳаракатнинг ҳам ташкилотчилари ва жонкуярлари қаторида куринади. Ана шу воқеага бағишлиб маҳсус шеърлар ёзди. Унинг ташаббускорлари бўлмиш Мунаввар кори, иштирокчилари Убайдулло, Каримбек, Низомиддинларни мақтаб «театр—тараққийнинг хабари», янги «ҳаёт асари» деган фикрни илгари суради. Саҳнада роллар ижро этиб, халқни маърифатга даъват этган кишиларни жасорат кўрсатган инсонлар, деб улуғлайди.

1916 йили Тавалло ўзининг матбуотда эълон қилинган ва боснлмаган шеърларини тўплаб, «Равнақ ул-ислом» номи билан чоп эттиради. Тўпламда етмншга яқин шеър жамланган бўлиб, уларнинг деярли барчаси маърифатпарварлик руҳи билан йўғрилган. Замонавий илм-Фан, илғор дунёқараш, умрни беҳудз ўтказмаслик, хурофот ва бидъатлардан қочиш каби қатор мавзулар тўплам мазмунини белгилайди.

Тавалло 1917 йил Октябрь ўзгаришидан сўнг турли

шуро идораларида ишлади. «Муштум» журналида ҳаж. вий шеърлар билан фаол иштирок этди.

Шоир 1939 йили кўплаб сафдош ҳаммаслаклари қатори ҳақсизлик қурбони бўлди.

## АВАЗ ҮТАР ҮГЛИ

(1884—1919)

Аваз Үтар ўғли адабиётимиз тарихида маърифатпар. варлик ва демократик гояларни илгари сурган, миллатимиз маънавий ривожи учун жон куйдириб қалам тебратган шонрдир. Шоир тарғиб ва ташвиқ этган фикрлар халқимизнинг бугунги ҳаёти, мафкурамизнинг инсон-парварлик тамойилини белгилаб бермоқда.

Аваз Үтар ўғли 1884 йил 15 августда Хива шаҳрида ҳунарманд оиласида таваллуд топди. Отаси уста Үтар сартарош бўлиб, халқ орасида шуҳрат қозонган санъат, адабиёт муҳини эди. Устанинг уйида санъат, адабиёт шинавандалари, шонру олимлар тез-тез меҳмон бўлиб туришарди, хусусан, Огаҳий, Комил, Мутриб, Хонахаробний, Баёний каби истеъодлар иштироқида катта-катта анжуманлар ўтказилиб турилар эди. Бўлажак шоир худди ана шу муҳитда ўси, унинг адабиётга эрта ихлос қўйишида, адабий ижод билан жуда эрта машғул булишида шу муҳитнинг таъсири катта бўлди.

Шоир ёшлигнда бошланғич мактабда, сўнг Хива мадрасаларининг биринча таҳсил олди. Шарқнинг мумтоз вакиллари Навоий, Бедил, Хўжа Ҳофиз асарларини тинмай мутолаа қилди. 14 ёшида шеър ёзишга киришган Аваз 17—18 ёшларида ёқ халқ ўртасида яхшигинна шоир сифатида танилди. Ёш шоирнинг довруғи Муҳаммад Раҳимхон Соний саройигача етиб борди. Аваз асримиз бошларнда эл таниган ва ўз салафлари томонидан тан олинган истеъододли шоир даражасига кўтарилади.

Аваз Үтар мумтоз шеърнитимизнинг газал, муҳаммас, маснавий, мустаҳзод, рубоий, фард каби синалган шаклларида ажойиб асарлар яратди. Шоир рубоий жанрида бу адабий шаклнинг жуда гўзал намуналари ни яратди. Шу ўринда унинг «Эй ҳуснинга ой ёру дилоро муҳтоҷ», «Жонимни олурга кўзу қош, эй дилбар», «Ераб, мани ишқ бандидан айла ҳалос» деб бошланилувчи рубоийлари диққатга сазовор.

Асримизнинг биринчи ўн йиллигига дунёқарашида кескин ўзгаришлар рўй беради. Урта асрлар руҳидаги

феодал қолоқлик, тожу тахт илинжида қилинаётған сарай тартибсизликлари, саводсизлик, хону беклар, бойамалдорлардаги илм-маърифатга инсбатан булган лоқайдлик ватанпарвар, инсонпарвар ва табнатан маърифат фидойиси булган Аваз Үтарнинг газаб-нафратини оширди. Феодал тартибларни, нопок руҳонийлар, амалдорларни кескин фош этувчи асарларн дунёга келади. Хусусан, шу руҳдаги бир газалида қуйидаги сатрларни ўқниймиз:

Фигонким, мунъадам бўлди жаҳондин айшу роҳат ҳам,  
Йўқолди ушбу оламдин бари иззат, адолат ҳам.

Халойиқ молу мулк юз тутнб торожу ягмога,  
Бўлиб жон нафсга қурбон бари номусу иффат ҳам.

Ададсиз хонадонлар чулгониб мотам либосиға,  
Бўлиб жон қасдиға мойил ҳукумат ҳам, сиёсат ҳам.

Саноқсиз авлиёлар, шайхлар, эшону муфтилар,  
Лаинлар комига далда эрур қози, шарнат ҳам...

Ана шу танқидий йўналишнинг натижаси улароқ шоир ижодида «Фалоний» туркумндаги асарлар яратилди.

Маърифатпарварлик, миллатни «гафлат уйқуси» -- саводсизликдан қутултириш гояси шоир ижодида катта урин эгаллайди. Авазнинг мактаб, тил, умулан илм-маърифат ҳақидаги шеърлари халқимиздаги маъниавий уйғонишни тезлаштиришга хизмат қиласди. Уннинг «Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб», «Топар эркан қачон ёраб, ҳаёти жовидон миллат?», «Гайри тилини саъи қилинг билгали ёшлар», «Илму фан уйнiga берниглар болангизни» деган даъватлари ҳозир ҳам миллий истиқолимиз учун ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

## СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ (1884—1934)

Сирожиддин Сидқий 1884 йил Бустонлиқ туманиннинг сўлим гўшаларидан бири Хондайлиқ қишлоғида туғилди. Отаси Мирзоҳид камбағал бўлиб, онланн бир амаллаб тебратар эди.

Сирожиддин дастлабки саводини ўз қишлоғида чиқаради. Сўнгра, 1903 йили Тошкенгга келиб, Мадрасан Раҳматуллоҳ, Бекларбеги, Кўкалдош каби замонасидағи

машхур мадрасаларидан уқиниди. Мадраса таҳсилн да. вомида араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Машхур Мұҳаммад Шоҳмурод котибга шогирд тушиб, хаттотликтен эгаллайди, уни санъат даражасига кутаради. Мирза Ҳошим Ҳўқандийдан муҳрканлик, тошўймакорлик — тошга лавҳалар битиш, расмлар туширишни урганади.

Адабиётга, хусусан, шеъриятга иқтидори бўлган Сидқий ўз давридаги шоирлар билан мустаҳкам алоқада булиб, газаллари билан баёзларда қатнаша бошлайди.

Асримизнинг 10-йилларида тузилган «Баёзи Ҳазиний», «Баёзи Мухалло», «Армуғони Ҳислат» сингари баёзларда унинг шеърларини кўплаб учратиш мумкин.

Унинг ўзи «Туҳфан Шавкат» (1913), «Савготи Шавкат» (1914 й.) номли баёзлар тузиб, Тошкентда чоцэттиради.

Сидқийнинг ийгиридан ортиқ номда босма ва қўл-ёзма китоблари ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Шоир мумтоз адабиётимизнинг улуғ вакилларига эргашиб, ғазал, маснавий, мухаммас, мураббаъ, мусаддас, руబий каби жанрларда муваффақиятли қалам тебратади. Лекин унинг ижодида ўз салафларидан фарқли ӯлароқ, демократик руҳ, маърифатпарварлик ғоялари устун туради. Зоро, уни асримиз бошларида машхур қилган сабаб шу эди.

Шоир ижодининг асосини маърифат, мактаб, илм, тенглик, озодлик каби муқаддас ғоялар ташкил қиласади. Зотан, Туркистоннинг оғир аҳволга тушиб қолишига, таназзулига илмсизлик, маърифат ва маданиятдан йироқлигини сабаб қилиб кўрсатади ва бу йўлда ҳормай ижод қиласади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жонзки, Сидқий ижодида ҳажвиёт муҳим ўрин тутади. Табнатан ҳажвиётга мойил бўлган шоир қаламининг тифи ниҳоятда ўткир эди. Баъзан бу фазилати унинг бошига кўплаб балолар келтирган. Ҳатто шу ҳақгўйлиги туфайли ўз юртидан қувилиб бир неча йил водий томонларда яшашга мажбур бўлган.

Шоир 1916—1917 йилларда «Рабо(т)чилар келиши», «Тоза ҳуррият», «Русия инқилоби», «Рабо(т)чилар на-мойини» каби достонларини яратади. Буларда ҳалқни жаҳолат уйқусидан уйғотишга, илм-маърифат сари интилиб, озодликка, ўз ҳуқуқини қўлга киритишга чақи-

риқ рұхы устун туради. Сидқийнинг бир нечта насрый асарлары ҳам мавжуд булып, уларни мавзу доираси нүктәи назаридан иккى гуруұга ажратиш мүмкін. Хусусан, адибнинг «Сад иршоди мулла Сидқий Хондайлиқий», «Зарбулмасали Сидқий» асарлари ҳастай таж-рибаларға асосланиб ёзилған бұлса, «Мезони шарият», «Рұзноман Мусо алайхиссалом», «Тазкираи Имоми Аъзам» асарлары диний асосга әга. Сидқий таржимачилик соңасыда амалға оширган ишлар ҳам диққатға сазовордир. Булар орасыда «Алиф Лайлө» («Минг бир кеча»), «Бүстон» (Саъдий), «Ажойиб ул-маҳлуқот» («Маҳлуқтарнинг ажойиблари») каби Шарқининг нодир китоблари ҳам бор.

...Эмди тур, тезроқ югур, илму маорифга құл ур,  
Етма парқы күрпада, эмди қачон үйғонасан?

еки

...Бу күн етти навбат, турунг уйқудан,  
Етарсиз булиб токай осуда тан?  
Бағоят бу күнлар мұдым вақтдир  
Ки, ҳар дақиқа минг олтинчадур!..

— дея халқны асрий уйқудан уйғонишга, үзни ватан ва миллат учун, истиқол, озодлик учун өзгеше болған халқимизнинг ажойиб фарзанды Сидқий Хондайлиқий 1934 йили вафот этди.

## АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1886—1938)

Шоир ва олим, носир ва драматург, үқитувчи ва маърифатпарвар Фитрат 1886 йили Бухорода зиёли онласыда дүнёга келди. Дағылаб эски мактабда үқиди, кейин Мир Араб мадрасасыда таҳсилни давом эттиради.

Асеримиз бошларыда вужудға келған «Тарбияти ат-фол» жамияти күмагида 1909—13 йилларда хорижда таҳсил олды.

Асеримизнинг дастлабки йилларида ең шеърлар бошлаган Фитрат бу ерда қызғын ижод қиласы. Шуннинг самараси үлароқ, 1911 йили «Сайха» («Чорлов») номли шеърий түпламины чоп эттиради. Туркиядан қайтгач, Бухорода үқитувчилик қиласы. «Еш бухороликтар» ҳаракатыда фаол иштирок этади, унинг бош мағкурачиси, ғоявий йұлбошлиаридан бирнеге айланади.

1917 йил февраль ииқнлобидан сүнг Бухорода ҳам

ижтимонй-маърифий ислоҳотлар ўтказишга уриниш бўлди. Бу тадбири «Ёш бухороликлар» амалга оширишга итилиб курдилар. Бироқ бу натижа бермади. «Ёш бухороликлар»нинг раҳбарларидан бири Фитрат Самарқандга кўчиб утишга мажбур бўлди. 1917 йил апрелидан 1918 йил мартағача Самарқандда чиқиб турган «Ҳуррият» газетасига муҳаррирлик қилади. Колесов воқеасидан кейин (1918 й.) шоир Тошкентга келади.

У бу ерда асосан илмий, ижодий, маърифий ишлар билан кўпроқ банд бўлди. У бир қатор дарсликлар тузади, ижодкор сифатида «Чигатой гурунгни» адабий ташкилотида фаол иштирок этади.

1921 йили Бухорога таклиф этилади. У ҳалқ хўжалигининг бир қатор соҳаларини яхшилашда, айниқса, маориф соҳасида сезиларни ишларни амалга оширади. Бухорода Шарқ дорилфунуни очиш режаларини ишлао чиқади. Бу ердаги илмий жамият ҳам алломанинг саъҳаракатлари билан тузилади. Унинг ташабbusи билан бир гуруҳ иқтидорли ёшлар Истанбул, Берлин, Москва каби шаҳарларга ўқишига юборилади. Бухоро мактаблари учун ўқув қуроллари, дарслик ва қулланмалар нашр этиш йўлга қўйилади.

Фитрат 1921—1922 йилларда бир қатор юқори лавозимларда ишлаб, узининг давлат арбоби сифатидаги истеъодини курсата олди.

1923 йил июнида РКИ(б) МҚ котиби Я. Е. Рудзутак Бухорога келиб, бир қатор «тафтиш» ишлари ўтказади ва барча истеъодли давлат арбобларини ишдан четлатади. Бу юқорининг курсатмаси билан амалга оширилади. Ана шу бадарга қилинган етук давлат арбоблари орасида Фитрат ҳам бор эди.

У 1923—24 йилларда Москва ва Ленинградда яшади. Шарқ тиллари институтида ишлади. Турк, араб, форс тиллари ва адабиётидан ёшларга дарс берди. Ленинград дорилфунуни профессорлыгига сайланди. «Абул файзхон», «Бедил (Бир мажлисда)», «Қиёмат», «Шайтонининг тангрига исёни» каби асарлар ёзиб, чоп эттириди. Москвадан қайтгац, республиканизминг илмий, мэданий-маърифий ҳаётида фаолият курсатади. Самарқандда педакадемия (ҳозирги СамДУ) да яшлади. 1925 йилининг бошлирида Санжар Сиддиқ билан биргаликда Фарғона водийси ва Бухоро буйлаб илмий экспедицияни чиқди. Наманганда «Қутадғу билиг»нинг ноёб нусхасини топди.

1926 йилда у лотин ёзувига утиш қумитасида ишлади, тиљшуносликка онд асарлар яратди.

1928 йили у Самарқанд дорилғунунида Шарқ тиллари ва адабиёти бўйича маърузалар қилди.

Фитрат ижодий меросининг асосий қисмини адабиётшуносликка донр асарлар ташкил қилади. У узбек адабиётининг қадимги даврдан XX асргача бўлган энг сара намуналарини илк манбалар асосида нашрга тайёрлади. Аҳмад Юғнакий, Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Машраб, Турди каби унлаб адиларнинг илмий биографияларини ишлаб чиқди, ижодий меросларини урганди ва тадқиқ этди. Бу билан ўзбек адабиёти тарихи фанининг юзага келишига замин ҳозирлади. Унинг «Шеър ва шонрлиқ», «Адабиёт қоидалари», «Санъатнинг маншаси» (келиб чиқиши), «Аруз ҳақида» сингари асарлари ўзбек замонавий адабиётшунослигида адабиёг ва санъат назарияси ҳамда адабий танқид соҳаларининг ривожи, такомили учун тамал тоши вазифасини утади. Фитратнинг Шарқ мумтоз адабиёти тарихи ва фольклор борасидаги тадқиқотларни ҳам ўзига хос қимматга эга.

Мусиқашунос олим сифатида «Шашмақом», «Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи», «Шарқ мусиқаси» каби тадқиқотлар яратди. 30-йилларда у маориф соҳасида қизғин фаолият курсатди. Илмий-тадқиқот муассасаларида, ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва дорилғунунларда ишлади.

1938 йил октябрида «халқ душмани» сифатида қатл этилди.

## ҲАМЗА

(1889—1929)

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 20-аср узбек адабиёти, театр санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган беназир санъаткордир.

У 1889 йили Қўқонда табиб Ибн Ямин Ниёз ўғли хонадонида тугилган. Замона одатларига мувофиқ аввал эски мактабда, сўнг Қўқон мадрасасида таҳсил олди. 1905—1906 йиллардан бошлаб «Ниҳон» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлаган.

Ҳамзанинг ижтимоний-маърифий фаолияти 10-йиллар-

дан бошланади. У аввал Тошкентга келиб, Қашқар дарвоза маҳалласида усули жадид мактаби очади. Сўнг Қуқонда, кейинроқ Марғилонда шундай мактаблар ташкил этади.

Ҳамзанинг 10-йиллар ижодий фаолияти ҳам ниҳоятда қизгини кечган. У шу йилларда жадидчилик ҳаракатининг Қуқондаги етакчиларидан бирига айланади, қатор амалии ишлар билан шугулланар экан, маърифат ва эрк гояларини шеърий ва драма асарлари орқали ҳам халққа етказниш учун тинмай ишлади. 1915—1917 йиллар оралиғида шоирнинг «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул», «Яшил гул» каби бир неча миллий шеърлар тупламлари, «Захарли ҳаёт», «Мулла Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси», «Илм ҳидояти» каби саҳна асарлари, «Янги саодат» каби илк насрый асарлари яратилади. 1917 йилда Ҳамза «Кенгаш», «Хуррият» номли журнallар нашр эттира бошлайди. «Шурон исломия» ташкилотида ишлайди.

Ҳамза Октябрь узгаришидан кейин маориф ва маданият муассасаларида ишлади. У ҳатто Хоразм жумҳуриятига бориб, Ҳўжайлидаги интернатда мудирлик қилди, театр ҳаваскорлик трупалари ташкил этди. Бу даврда у ижодий жиҳатдан ҳам талайгина ишлар қилди. «Бой ила хизматчи», «Очлик қурбонлари», «Лошмон фожиаси», «Тухматчилар жазоси» пьесаларини яратди, айримларини ўзи ташкил этган театр трупалари ёрдамида саҳналаштирди.

1925 йилда Ҳамза Қуқонга, ўз қишлоғига қайтиб, бу ерда ўзбек саҳна адабиётининг шоҳ асарлари бўлиб қолган «Майсарапининг иши» ва «Паранжи сирларн» пьесаларини яратди.

Ҳамза 1917 йилга қадар Туркистон Миллий Уйғониш ҳаракатида амалий-ижодий фаолияти билан фаол иштирок этди. Унинг жадид мактаблари учун ёзган «Енгил адабиёт», «Уқишикитоби» «Қироат китоби» дарслекларидан то «Миллий ашуалалар учун миллий шеърлар» мажмуаси, пьесаларига қадар маърифат, озодлик, ҳўрлик гоялари етакчи мавзу бўлди. Истибдодга қарши кураш, миллат, Ватан тушунчалари шоирнинг миллий шеърларида кенг акс этди. У жадид матбуоти намуналарида долзарб мақолалар ёзниб, ўша гояларни таргигиб этишга, халқнинг онги, савиясини кутарнишга интилди.

Ҳамза даврининг энг зарур масалаларини асарларнда ёритди, қатор муҳим ҳодисаларнинг иштирокчиси бўлди.

Унинг қизгин фаолияти 1929 йил марта узилиб қолди. Маърифий ва маданий ўзгаришларнн амалга ошириш шиятида Шоҳимардонга борган шоир шу ерда душманлар томонидан хониона үлдирилди.

## АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТҮГОН

(1890—1970)

Заки Валидий XX асрнинг машҳур шарқшуносларидан, давлат ва жамоат арбоби, Туркистон ва Башқирдистон халқларининг маърифатчилик, демократик ва миллий озодлик ҳаракатлари раҳнамо ва ташкилотчиларида. Истанбул, Бонн, Ретинген, Манчестер дорилфуннларининг профессори. Аҳмад Заки Аҳмадшохович Валидий Түгон ҳозирғи Башқирдистоннинг Ишимбай тумани (собиқ Истерлитомоқ уезд) нинг Кузан овудида зиёлн оиласида туғилган. Отаси Аҳмадшоҳ Валид угли Кузанов дунёдан хабардор, мулла, маърифатчи булиб, китоблар ҳам ёзган. Онаси Уммул-Хаёт ҳам ўқимишли аёл бўлган, форс тили ва адабиётини яхши билган, уни овулдошлари «Муаллима» деб атаганлар.

Аҳмад З. В. дастлаб Кузан овулидаги отасининг мактабида, сўнг тогаси Ҳабибиазарнинг мадрасасида, Уфа ва Қозонда эса, «Усмония», Шаҳобиддин Маржоний ва «Қосимия» мадрасаларида ўқиган. 1911 йилдан Қозон университетининг Шарқ тиллари факультетида эркин тингловчи бўлган. Сунгроқ 1930 йилда Вена университетини тугатган. Араб, турк, форс, рус, немис, венгр, француз, инглиз тилларинн ўрганган, шу тилларда 400 дан ортиқ асарлар ёълон қилган.

1911 йилдан Түғоннинг илмий мақолалари «Таржумон», «Шўро», «Мектеп», «Вақт», «Юлдуз», «Юрт» каби журнал ва газеталарда босилиб турган.

1912 й. босилиб чиққан «Турк ва татар тарихи» асари Заки Валидийга катта шудрат келтирди. У Қозон дорилфунун қошидаги тарих, археология ва этнография жамиятининг ҳақиқий аъзоси этиб сайданди. Шарқ қулемзмаларини ўрганиш мақсадида Фарғона (1913) ва Бухоро (1914) да бўлган.

1917 йилги октябр узгаришидан кейин Башқирдистон лукумати аъзоси, Башқирд армияси бош қўмондони, Башқирд инқилобий қўмнитаси раиси вазифаларида ишлади.

1919 йилда миллатчилик ва пантуркчиликда айблашиб тазйиқка учрагач, кўп минг кишилик бошқирд ар-

мияси билан Туркистонга келди. 20-йилларда Хоразм, Бухоро ва Туркманистандаги миллий озодлик курашларида иштирок этди. Тошкентда яшади. Бу ерда мустақил ва озод Туркистон бутунлигини сақлаб қолишида ўз илми, ғоявний-сиёсий тажрибаси билан фаол иштирок этди. 1921 йилда «Туркистон миллий бирлиги»ни тузди ва унга ранслик қилди. Заки Валидий Беҳбудий, Фитрат, Чулпон, Мунаввар қори, Н. Тұрақұловлар билан бир сафда фаолият күрсатди.

Заки Валидий Шарқ халқлари маданий мероси буйнича илмий тадқиқотлар олиб борди. Тадқиқотларининг 90 фоизи халқларимиз тарихи, маданияти, адабиёти ва келажаги ҳақида. Биргина Амир Темур ва уннинг авлодларни ҳақида 30 дан ортнқ илмий тадқиқотлар қилған. 1970 йилда вафот этган.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (1894—1938)

Абдулла Қодирий ўзбек миллий романчилик мактабининг тамал тошнин қўйган буюк адидир.

У 1894 йил 10 апрелда Тошкентда боғбон оиласида туғилган, 9—10 ёшларида эски усул мактабда таҳсил куради. Сўнг рус-тузем мактабида ўқиуди. 17—18 ёшларида бир савдогарга приказчиликка ёлланиб, уч-тўрт йил ишлайди. Сўнг боғбонлик билан тирикчилик ўтказади.

Абдулла Қодирий ижоди 1913—1914 йилларда бошланди. У шу йиллари барча илфор фикрли ёшлар қатори жадидчилик ҳаракатига қўшилган ва ўзининг илк асарларида маърифат, миллат тараққиёти ва ҳурлиги ғояларини тарғиб эта бошлаган. Қодирий дастлаб маърифий шеърлар ёзди. «Аҳволимиз», «Миллатимиз», «Тўй» каби шеърлари жадид матбуотида эълон қилинади.

1915 йили у Беҳбудийнинг «Падаркуш» фожиаси таъсирида «Бахтсиз куёв» пьесасини ёзади. Сўнг ўзи «миллий рўмон» деб атаган «Жувонбоз» ҳикоясини яратади. Бу асарлар ёзувчининг маърифатпарварлик қарашлари маҳсулни бўлиб, жамиятдаги чиркни иллатлар ва қолоқ урф-одатларни кескин танқид қилишга йуналтирилган.

1916 йилда ёзилган «Улоқда» ҳикояси А. Қодирий ижодида бадинӣ изланншлар ривожини кўрсатадиган муҳим ҳодисаларданadir.

1917 йил Феврал ва Октябрь воқеаларидан кейин А. Қодирий ҳаётнда ҳам, ижодида ҳам жиiddий узгаришлар рўй берди. У Шуро идораларида ишлади. «Иштирокиён» ва «Қизил байроқ» газеталарида адабий ходим, «Муштум» журнали ташкилотчиларида бўлди. Москвада В. Брюсов номидаги журналистлар институтидаги таҳсил олди.

А. Қодирий 1925—1926 йилларда «Утган кунлар» романини эълон қиласди. Бу илк узбек тўлақонли реалистик романи булиб, Қодирийнинг жалидона сиёсий қарашулари юксак бадиий ифодасини топган асар эди. Адаб мақсад ва итилишлари пароканда майдага низодоватларга берилди, маънавий таиаззулга ботган ҳалқимиз фожиасининг сабабларини ғадиий тадқиқ этади. Жамият ҳаётининг энг «кир ва қора» кунларини тасвиirlаиди. Айни пайтда ўзбек турмушини ёритиб келган асрий қадриятларининг шаффоф иурларини ҳам маҳорат билан курсатиб беради.

1928 йили ёзувчи «Меҳробдан чаён» романини эълон қиласди. Бу роман ҳам адига катта шуҳрат келтириди. Бундан ташқари, А. Қодирий «Обид кетмон» қиссасининг, «Тошпӯлат тажанг нима дейди?», «Калвак махзум» нинг хотира дафтаридан» туркум сатирик ҳикояларининг, рус ва ғарб адабиётидан ўгирилган қатор таржималарининг ҳам муаллифидир.

Абдулла Қодирий 1937 йил сунгларида қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда қатл этилади.

## МИРМУҲСИН ШЕРМУҲАМЕДОВ

(1895—1929)

Мирмуҳсин Шермуҳамедов узининг ранг-баранг ижодий фаолияти билан ўзбек ҳалқи ҳаёти ва маданийти тарихида ёрқин из қолдирган симолардан биридир.

У 1895 йил Тошкентнинг «Маҳсиждўзлик» маҳалласида камбагал онлала туғилди. Оила бошлиғи Шермуҳамед ака учун оилани тебратиш ниҳоятда оғир эди. Ёшлигида отадан етим қолган Мирмуҳсин акаси Мирмулла нинг таъсирида ўқишига, адабиётга ва тарихга ихлос қуяди. Узидан 9 ёш катта бўлган акаси Мирмулла замонасининг илғор зиёлиларидан булиб, Қозон, Оренбург, Уфа каби шаҳарлардан келиб турадиган нашрларни, ҳам маҳаллий матбуотни мунтазам ўқиб борар

ва ўзи ҳам унда турли мақолалар билан иштирок эди. Шуннингдек, акаси Мирмуслим ва синглиси Мубораклар ҳам ижодкор эдилар. 1910—20-йиллардаги Матбуотидаги қылувчи, тенгсизлик ва ҳақсизликни қораловчи шебъяр буют саҳифаларнинг ҳам илм-маърифатга тарва мақолаларини учратиш мумкин.

Мирмуҳсин дастлабки саводини асримиз бошларида очилган янги усуздаги мактабларнинг бирида «Матбуотдаги биринчи асари» «Туркистон вилоятинин газети» саҳифаларида 1913 йилда «Муҳсиний» тахаддуси билан пайдо бўлади. 1914 йилда «Фикрий» тахаддуси чиқа бошлади. Бу йилларда у жуда кўплаб ижтимоий, маърифий мақолалар эълон қилиб туради. 1916 йил Уфага, «Олия» мадрасасига ўқишга кетди, татар зиёлилари, маърифатпарварлари билан танишиб, яхши алоқада бўлади. «Туркистон ўқувчилар жамиятини» тузди. Мазкур жамиятнинг бош мақсади Туркистонда илм-маърифат тарқатиш, уни «миллӣ» ва маданий тирикликка ҳозирламак» эди.

Моддий қийинчиликка учраган Мирмуҳсин 1917 йилнинг бошларида Тошкентга қайтади. Шу йилнинг бадхорида маҳаллий нашрларнинг бирида «Тарихий иккивоқеа» номли мақоласи эълон қилинади ва бу катта шов-шувларга сабаб булиб, муаллиф сазойиң этилади. Ўлим жазоси берилади, сунгра ўлим қамоқ билан алмаштириллади. Кўп ўтмай, қамоқдан қочган Мирмуҳсин Уфага кетади. Фронтларда иштирок этади. 1919 йилнинг бошларида Оренбургда чиқадиган «Ишчилар дунёси» газетасида масъул котиб, сунгра муҳаррир булиб ишлайди.

1920 йилда Тошкентга қайтади. Шу йили «Иштирокион» (ҳозирги «Узбекистон овози») газетасида муҳаррирликка тайинланди. Мирмуҳсин Шермуҳамедов дастлабки узбек журналистларидан булиб, кўплаб газета ва журнallарга муҳаррирлик қиласан, бугунги матбуотининг тамал тошини қўйганлардан. Айни пайтда, танишчи шонр, ёзувчи, драматург.

Ў замонасининг пешқадам бир кишиси, ўз халқи ва ватанининг оташин курашчиси сиғаида ҳастдаги ҳақсизлик, ноҷорлик, зули ва фожиаларнинг туб илдизяни қидиради. Ўз ҳамфирлари — жадидлар сингари буларнинг бош сабаби илмсизлик, маърифатдан иштироклик деган холосага келади. Шуннинг учун ҳам шонр ва публицист, ёзувчи ва драматург ижодининг асосий магзни маърифат ва озодликка интилишдан иборат.

Мирмуҳсин ўзининг қисқа умри давомида ўнлаб сарлар, юзлаб, публицистик мақолалар, кўплаб ҳизматлари ва «Бефарзанд Очилдибой» (асар инҳоясига «Гимназия», «Жувон ва жувонбоз», «Эски табиб» ишларини яратди. Мирмуҳсин Шермуҳамедов 1929 йили Тошкентда вафот этди.

## ЧУЛПОН

(1897 – 1938)

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чулпон янги ўзбек шеъриятининг асосчисидир.

Чулпон 1897 йили Андижон шаҳрида зиёли оиласидан дунёга келган. Уннинг отаси «Расво» тахаллуси билан шеърлар ёзган йирик савдогар эди.

Чулпон бошлаб эски мактабда, сўнг мадрасада ўқийи. Андижондаги рус-тузем мактабида таълим олади. Шарқ адабиёти, араб, форс тилларини мукаммал ўзлаштиради, рус тили ва адабиётини ўрганади. Чулпон 20-йиларнинг ўрталаридан ижтимоий ва ижодий фаолият билан шуғуллана бошланди. У «Қаландар», «Андижонлик», «Чулпон» тахаллуслари билан матбуот нашрларда мақола, шеър ва турли хабарлар билан чиқиб туради.

Уннинг «Духтўр Муҳаммадёр», «Ватанимиз Туркистонда Темир йўллар», «Адабиёт надур?» каби илк ҳикоя мақолаларида ҳамда ўнлаб шеърларида жадидчилик фоъларининг ошкора ифодаланганини кузатишими музниши.

Шоирининг қисқа умри давомида «Тонг сирлари», «Уйниш», «Булоқлар» каби шеърий тўпламлари нашр этилди. Уннинг театр соҳасида қиын ишлари ҳам алоҳида борга сазовор. Чулпон ўзбек давлат театрнда адзабиёти эмакдош вазифасида ишлаш билан бирга ўнга яқин осалар, театр мақолалари яратган, уннинг «Ёрқиной», «Уртоқ Ҳаршибоев», «Чурининг исёни», «Мушгумзур», «Замона хотунни» каби саҳна асарлари ўзбек драматургияси тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Чулпон «Кечава кундуз» номли роман эълон қилиб, ўзбек романчилиги ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу асарида ҳалқимизнинг аср бошлари таги ҳаётни манзараларини тасвиirlар экан, истибдод ва жаҳолат

миллатнинг тараққиётини ва ҳурлигини бўғувчи ман-  
фур ҳодисалар эканини бадий акс эттиради.

Ўзбек адабий таржима мактабининг ривожланиши-  
да ҳам Чулпоннинг бекиёс ҳиссаси бор. У М. Горький-  
нинг «Она» романи, А. С. Пушкиннинг «Дубровский»,  
«Борис Годунов» ҳамда Шекспирнинг «Ҳамлет» траге-  
диясини ва яна ўнлаб хорижий асарларни узбек тилига  
моҳирлик билан угиради.

Чулпон бутун онгли ҳаёти давомида уз Ватаниннинг  
озодлиги, эрки, келажаги учун қайғурди, ва ёниб шеър-  
лар ёзди, турли жанрларда асарлар яратди. Чулпон  
тазиқлар ниҳоятда кучайган бир шароитда ҳам уз эъ-  
тиқодидан қайтмади. Ана шу эътиқоди ва иродаси ту-  
файли 1937 йил қатағон қурбони бўлди.

Чулпон 1938 йил 4 октябрда қатл этилди.

## ЭЛБЕК

(1898—1938)

Машриқ Юнусов — Элбек 20-аср биринчи ярми ўз-  
бек адабиётида сезиларли из қолдирган ижодкорлар-  
данdir.

Элбек 1898 йили Тошкент вилоятининг Хумсон қиши-  
логида таваллуд топди. У аввал эски мактабда ўқиб,  
хат-саводини чиқарди. 1911 йили Тошкент шаҳрига ке-  
либ, Эски шаҳардаги мактаблардан бирида ўқишини  
давом эттиради. 1914 йилдан эса Мунаввар қори Абдура-  
шидхонов ташкил этган «Намуна» янги усул мактабига  
үтиб ўқиди. Айни пайтда босмахоналарда ишлайди.  
Элбек 1919 йилда қисқа муддатли муаллимлар курси-  
ни битириб, ўқитувчилик қила бошлайди. 1921 йилдан  
Туркистон ҳалқ маорифи комиссарлиги ҳузуридаги ил-  
мий ва педагогик муассасаларда фаолият юритади.

Элбекнинг ўн олти-ўн етти ёшлари ҳан бошлаб шеър-  
лар машқ қилгани маълум. У 1917 йил ўзгаришларидан  
кейинги йилларда «Эл байроби», «Иштирокион» каби  
рузномаларда илк шеърларини эълон қилдиради. 20-  
йилларда шоирнинг шеър ва достонлари «Маориф ва  
ӯқитувчи», «Инқилоб», «Билим ўчоги» каби журналлар-  
да босилади. Элбек 20—30-йиллар оралиғида «Баҳор»,  
«Мөхнат күйлари», «Ғунчалар», «Чирчиқ бўйларида»,  
«Болалар қушиғи», «Шеърлар» номли ўнга яқин тў-  
гламлар чоп эттиради. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналари-  
ни тўплаб, нашр қилдиради. У адабнётимизда масал-

достончилек жанрлари ҳамда болалар шеърнитини ри-  
зжалантиришга салмоқли ҳисса құшган.

Элбек «Езув ўулларн», «Үрнак», «Гүзап әзгічлар»,  
«Бошланғич мактабда она тили» каби қатор мактаб  
күлланмалари ва дарсликларнинг ҳам муаллифидир.

Шоир 1938 йили ўнлаб ҳаммаслаклари каби қатагон  
қурбони бұлди.

## БОТУ

(1904—1938)

Маҳмуд Ҳодиев — Боту 1904 йил майнда Шайх Хо-  
ванд Таҳур даҳасида туғилған. Рус-тузем мактабида  
бұқыган. Октябрь үзгаришидан кейин Боту саккиз оплик  
үқитувчилар тайёрлаш курсида үқыйдн. 1920 йилда Бу-  
хорога сафарбар этилиб, журнал таҳририятида ишлай-  
дн. 1921 йили Фаргона вилояті партия қумитасига иш-  
га утиб, «Фарғона» газетасиң ташкил этади ва уннің  
біринчи мұҳаррири бұлади. Худди шу вақтларда Боту  
тахаллуси билан «Иштирокню», «Туркистон», «Фарғо-  
на» газеталарнда үз шеърларинн эълон қылдыради. 1922  
йилда Москвага кетиб, аввал Покровский номлы инсти-  
тут рабфакида, сунг Москва давлат дорилфунуни иқти-  
сад факультетида үқийди. 1927 йили үқишинн тугатиб,  
Самарқанд шаҳрига келади ва Марказий партия мак-  
табининг раҳбары этиб тайинланади. Боту 20-йиллар-  
нинг сұнгларидан фаол жамоат арбоби сифатида танила  
боради. У турли матбуот нашрларнiga мұҳаррирлік қи-  
лади, партия, давлат идораларнда раҳбарлық лавозим-  
ларнда ишлайди. Узбекистон Маориф халқ комиссари-  
нинг ўринбосари сифатида бир неча йил фаолият юри-  
тади.

Боту 20-йиллар бошларнда «Билем үчоги», «Инқи-  
лоб», «Аланға», «Маориф ва үқитувчи» журналларнда  
шеърларн, ҳикояларн, публицистик ва адабий-танқиднің  
мақолаларн билан фаол иштирок этади. Уннің «Үмид  
учқунлари» (1925), «Тұлқин товушлари» (1929) каби  
шеърий тұпламаларн чоп этилған. Турли нашрларда «Би-  
ринчи хат», «Төғ қизи» поэмалари, «Турсун», «Янги  
қишлоқ», «Хошимжон» каби қатор ҳикояларн эълон қи-  
линганди. Боту айни ижоди гуллаган нақырон ёшда 1938  
йили қатагон қурбони бұлади.

## ЛУГАТ

### А

**Абр** — булут.  
**Адув** — душман, ёв, рақиб.  
**Айноф** — ён атроф, чегара.  
**Аиорат** — идора, тузум.  
**Арус** — келин, баҳор чечаклари.  
**Асноф** — турлар, шакллар.  
**Асоф** — афсус, надомат.  
**Асхоб** — дүстлар, сұхбатдошлар.  
**Атолат** — бекорчилик.  
**Атфол** — болалар.  
**Аъмол** — амзллар, ишлар.

### Б

**Бадал** — алмаштириш, эваз.  
**Баёз** — оқ, тоза, губорсиз.  
**Байъ** — савдо-сотиқ.  
**Басар** — күз, күриш.  
**Бешумор** — ҳисобсиз, күп, сонсаноқсиз.  
**Бололансун** — юқори күтарилиси.  
**Боргоҳ** — қаср, даргоҳ.

### Г

**Гум** — йұлдан озиш, адашиш, йүқолиш.

### Д

**Доман** — этак.  
**Дуршаҳшон** — порлоқ, ёргуғ.

### Ж

**Жарида** — газета.  
**Жаҳр** — ошкора.  
**Жинон** — жаннат.  
**Жовидон** — абадиі, мангу.  
**Жоҳ** — амал, давлат, буюлник.  
**Жубба** — 1. Жанғчи кийими.  
 2. Бүйи, енгі узуң түн.  
**Жустижү** — қидириш, ахтарыш.

### З

**Залозат** — хорлик, пастами, ҳақырлық, пұлдан озғанлық.  
**Зан** — аәл, хотин.  
**Зил(л)** — соя, үринбосар.  
**Зиллат** — хорлик, тубанлық.  
**Зоил** — фоний, йүқ бұлувчи.  
**Зуафо** — занфалар, хотин-қиэлар.

### И

**Иzz** — куч, шәраф. қудрат.  
**Ижтиҳод** — тиришиш, саъй, ҳаракат.  
**Иксир** — оби ҳаёт.  
**Иршод** — түгри йұлдың күрсағыш, раҳбарлық қилиши.  
**Иттиҳод** — бирлашиш, бирлиқ.  
**Ифғот** — ҳаддан ошиш.  
**Иқдом** — қадам қўйиш, тирпишиш.  
**Иҳомол** — бепарволик, сустлик.  
**Ихё** — тирик, тирилиш.

# К

**Қасолат** — сүстлик, илқовлик.

# Л

**Лахв** — ўанн кулғи.

# М

**Мағиғи** — аслида.

**Мажалла** — журнал тұплами.

**Мазрарь** — әкнизор, кенглик, құнғил.

**Малул** — ғамғин, ранжигап, хафа.

**Маозиллоқ** — худо сақласын.

**Маржы** — таяңч.

**Мубайын** — баён этилған.

**Музбориз** — кураш.

**Мұмтани** — ман этилған, им-консиз.

**Мүнкир** — инкор этувчи, рад зұувчи.

**Мұрсал** — әлчи, расул.

**Мұсаҳар** — бүйсундирилған.

**Мұтод** — ұрганған, одатланған.

**Мұқайяд** — бөгланған, таал-луқли.

# Н

**Ніход** — табнат; мижоз; таъб

**Носи** — унутылған.

# О

**Одина** — жума.

**Осор** — асарлар.

**Оғият** — согниқ, тинчлик.

**Ояңда** — фойда, манфаят.

# П

**Парғап** — ёрду, нур, шуъла.

# Р

**Ражо** — умид, тиляқ.

**Рафтор** — одат, расм, юруп-чи.

**Риғытат** — баландлик, юқ-саклик, баланд мартаба.

**Рожнъ** — қайтувчи; боғлиқ.

**Рұхағзо** — рұхлантирувчи, ти-рилтирувчи.

# С

**Санг** — тош.

**Саноеъ** — санъатлар.

**Сарроф** — сарф қилувчи, пул алмаштирувчи.

**Сийрат** — юриш; туриш; ах-лоқ.

**Сипахсолар** — бош құмандас.

**Суд** — фойда.

**Суман** — хушбүй оқ гул.

**Сукулат** — енгіл, осон.

# Т

**Тажалло** — жилваланиш, на-моён бұлыш.

**Такя** — турар жой.

**Талотум** — гавго, тұполои.

**Талъят** — юз, чеҳра, гүзаллик.

**Тамаддун** — маданият.

**Тәғійир** — үзгартыриш, үзга-риш.

**Тийнат** — хүлқ, феъл, яра-тиш.

**Тужжор** — савдогар.

# Ү

**Үдабо** — адиллар.

**Үрдикча** — урганда.

**Үсрат** — оғир.

## Ф

- Фарсуда** — түзиган, эскирган, ҳорнган.  
**Фасоҳат** — сўзнинг очиқ, равшан, чиройли бўлиши.  
**Фосиқ** — фисқ ишлар қилувчи.  
**Футуҳ** — очилиш, кушойиш, ечилиш.

## Х

- Хайл** — тўда, гурӯҳ, жамоа.  
**Хасм** — душман.

## Ч

- Чорагоҳ** — яйлов

## Ш

- Шаст** — чангак.  
**Шиносо** — таниш, ошно, мәърифат ҳосил қилган.  
**Шаб** — кечак, тун.

## Я

- Яъс** — умидсиз.

## Қ

- Қазия** — масала, воқеа, ҳодиса.  
**Қаҳба** — фоҳима.  
**Қийлу қол** — тап-суз.  
**Қилодайиз** — бўйин боғламоқ.

## Ғ

- Ғариз** — табнат, хулқ, характер.  
**Ғизо** — озиқ-овқат, руҳ озуқаси, руҳга қувват.

## Ҳ

- Ҳажар** — тош.  
**Ҳалоҳил** — ўткир, таъсирчав, ҳалок этувчи.  
**Ҳижоб** — парда, ёпинчиқ.  
**Ҳифз** — сақланиш, муҳофаза қилинш.  
**Ҳодий** — йўл бошловчи.  
**Ҳукамо** — ҳакимлар, ҳокимлар.

## МУНДАРИЖА

Биз нечун севамиз Узбекистонни?	4
Ватанин севмоқ иймондандир	8
Ўйғон, миллат!	19
Истиқлол олинур. берилмас	29
Ҳалокат ҳам, саодат ҳам тарбияндандир	38
Нажот маърифатландандир	52
Адабиёт яшаса, миллат яшар	62
Тил миллатнинг ойнасидир	65

## МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Исмоилбек Гаспрали	68
Исҳоқхон Тура Ибрат	69
Сиддиқий Ажзий	71
Каримбек Камий	72
Сандаҳмад Васлий Самарқандий	74
Сўғизода	75
Анбар отин	77
Нозимахоним	78
Маҳмудхўжа Беҳбудий	79
Мунаввар қори Абдурашидхонов	80
Абдулла Авлоний	82
Хислат	83
Тавалло	84
Аваз Утар ўғли	86
Сидқий Хондайлиқий	87
Абдурауф Фитрат	89
Ҳамза	91
Аҳмад Заки Валидий Тўғон	93
Абдулла Қодирин	94
Мирмуҳсин Шермуҳамедов	95
Ҷўлпон	97
Элбек	98
Боту	99
Лугат	100